


Содикмирза  
АБДУЛЛАЕВ

Ҳаётимнинг  
ёргуғ манзили

**СОДИҚМИРЗА АБДУЛЛАЕВ**

**Ҳаётимнинг  
ёруғ манзили**

*Шеърлар ва ҳикоялар*



**ТОШКЕНТ**  
“Наврӯз” нашриёти  
2015 йил

**УЎК: 64.5.3.7  
КБК: 83.(О'zb)2  
A40**

**Абдуллаев, Содикмирза  
Ҳаётимнинг ёруғ манзили. Шеърлар ва ҳикоялар.  
Содикмирза Абдуллаев; / Тошкент: “Наврӯз” нашриёти.  
2015 й. 168 б.**

**УЎК: 64.5.3.7  
КБК: 83.(О'zb)2**

**Наманган Давлат Университети  
Кутибхонаси Китобхонларига  
Мустаҳкам саломатлик тилайман.  
Муалиф.**



ISBN 978-9943-38-156-8

© “Наврӯз” нашриёти, 2015  
© С.Абдуллаев, 2015

## ШЕРЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН

Тупроғинг серҳосил, табиатинг бой,  
Бағринг маъданларга тўла кон диёр.  
Жаҳонни лол этган фарзандларингнинг  
Яратган бойлиги элга ифтихор.

*Нақорат:*

Турон тупроғида топган таваллуд  
Турклар оиласига ўғлон Ўзбек.  
Меҳнату жасорат, илм ила ижод,  
Ватан меҳри билан топган шон Ўзбек.

Бағрингдан жой топган барча златта  
Сен она Ватансан, жон Ўзбекистон.  
Хорижда муҳожир юртдошларга ҳам  
Ягона Ватансан жон Ўзбекистон.

05.08.2000.

### ФУҚАРОЛИК ҒУРУРИ

Мақомимга оид  
хужжатларим кўп:  
метрика,  
дипломлар,  
билет,  
аттестат,  
шаҳодатномалар,  
гувоҳномалар,  
таҳдирномалару  
мақтоворномалар,  
загс қоғози ва  
турли хил мандат...

Заёмилиниң ёнга мандати

Улар орасида  
энг азиз ҳужжат  
Бу менинг паспортим –  
үзлигим, баҳтим.

\* \* \*

Паспортим – үзлигим,  
паспортим – баҳтим:  
Ранги қызил эмас  
ва қоннинг ранги  
Паспортим рангига  
ишора эмас.  
Аксинча, ям-яшил  
яшнамоқ рамзи,  
“Саргайған барглар”ни  
ташламоқ рамзи.  
Унда шер расми йўқ –  
зўрлик белгиси,  
Ва бургут расми йўқ  
босқинчи рамзи.  
Хумо қуши парвоз  
этмоқда унда.  
Озодлик,  
эркинлик,  
адолат,  
тенглик,  
Эзгулик,  
саҳийлик  
ва бағри кенглик –  
Халқим иродаси  
мужассам шунда.

\* \* \*

Паспортим – үзлигим,  
паспортим – баҳтим.  
Не-не “изм”ларга  
қўйилган нуқта:

Империализм  
мен-чун – қабоҳат.  
Юртим босиб олиб  
кул қилгани-чун,  
Эркакларин отиб,  
хотинларини  
Эрксиз, бокувчисиз  
тул қилгани-чун,  
Гуллаган шаҳару  
қишлоқларини  
Ёндириб, куйдириб  
кул қилгани-чун,  
Олтину мармарин,  
кўмирин, газин,  
Пахтасин, полизин,  
шарбат мевасин  
Нарх қўмитасининг  
нарх қайчиси-ла  
Сув текинга олиб  
пул қилгани-чун.  
Пахтага “кимёвий  
ишлов бериш” деб  
Ватаним мусаффо  
далаларига  
Меъёридан эллик  
марталар ортиқ  
Гербицид, пестицид...  
ажал уруғин  
Бурқситиб сепдириб  
оқибатида  
Минглаб ҳимоясиз  
ширин жонларнинг  
Ўпка, жигарлари  
ириб ва куриб  
Ошини ошатмай,  
ёшин яшатмай

Ажал чангалида  
гум қилгани-чун,  
Марказнинг очофат  
иштахаси деб  
Оролни қуритиб  
чўл қилгани-чун.  
“Тентлар ичида тенг”  
Республикамнинг  
“Ватан”дан қарзини  
мўл қилгани-чун.  
Ўзбек тугилдим деб  
баъзи раҳбарлар  
Афсус, надоматлар  
чеккани учун,  
Ўз Она тилида  
сўзлаша олмай  
Гапиришдан қочиб,  
Ундан ор килиб,  
Паспортида ўзбек  
ёзилганларнинг  
Ўзбеклиқдан чиқиб  
кеттани учун...

\* \* \*

Бюрократизм бу  
мен-чун ҳақорат.  
Демократияни  
бўқкани учун,  
Қатағонлар қилиб  
эл даҳоларин  
Ажалнинг домига  
тиққани учун,  
Барча имтиёзни  
марказга бериб  
“Чекка”нинг белини  
буккани учун,  
Номенклатура  
тартибин қўллаб

Халқнинг хоҳишини  
тўсгани учун,  
Бир номзод кўрсатиб  
“Сайлаб ол”, – дея  
Сайловнинг обрўсин  
тўккани учун,  
Нокас раҳбарларни  
қўллаб-куватлаб  
Порахўрликка кун  
чикқани учун.

\* \* \*

Шовинизм мен-чун –  
аламли иллат  
Халқларнинг жонига  
теккани учун:  
Олий ирқ,  
олий зот  
ва тоза миллат,  
Буюк халқ,  
буюк тил  
ва буюк давлат  
гоясин яратиб  
ва тарғиб этиб,  
Юзлаб эл-элатлар  
иродасини  
Назар-писанд этмай  
букиб, камситиб,  
Халқларни халқлардан  
бўлиб, ажратиб  
Низо уругини  
эkkани учун.

\* \* \*

Паспортим – ўзлигим,  
Паспортим – баҳтим.  
Ватанимнинг менга  
берган ҳужжати.

У шундай Ватанки,  
менинг ўз онам.  
Шунда туғилғанман,  
эмасман меҳмон:  
Отам ҳам, онам ҳам,  
бобом, момом ҳам,  
Турмуш ўртоғиму  
ўғил-кизларим,  
улар фарзандлари –  
набираларим  
Шунда түғилишган,  
түғилишмоқда.  
Шу юртда яшашган  
ва яшамоқда.  
Барча аждодлару  
авлодларимга  
Муқаддас ошёнга  
айланған Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
халқи тарихи –  
Юртини ёвлардан  
химоя қилиш:  
Искандар, Кайхисрав,  
Кутайба, Чингиз,  
Александр II  
оч бүриларин  
конли панжаларин  
яңчиш ва қирқиши,  
Вайрон бўлган шаҳар,  
қишлоқларини  
Яна қайта бошдан  
тиклаш ва куриш.  
Широқ ва Тўмарис,  
Спитамен, Ҳошим,  
Мангуб Жалолиддин,  
ва сарбадорлар...

Темур Кўрагоний,  
Файзулла Хўжа...  
минглаб шунқорлар  
Жасорати ёвни  
ларзага солиб  
Юртнинг шарафи  
ҳар бири учун  
Муқаддас иймонга  
айланган Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
фан дарғалари:  
Беруний, Форобий,  
ва ибн Сино,  
Хоразмий, Улугбек  
ва қирқлаб даҳо –  
Уйғониш даврининг  
алломалари  
Меҳнати, ижоди,  
хизмати боис  
Шуҳрат, шараф, шонга  
айланган Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
ижодкорлари:  
Маҳмуд Кошғарину  
Лутфий, Атоий  
Алишер Навоий,  
Фурқат, Муқимий,  
Нодира, Увайсий,  
Ҳамза, Қодирий  
Ва минглоб қаламкаш  
ўғил-қизлари  
Асрлари бўлиб  
гўё гул, чечак  
Очилган гулшангага  
айланган Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
дин пешволари  
Юсуф Ҳамадоний,  
Нажмиддин Кубро,  
Баховуддин Накшбанд,  
Аҳмад Яссавий,  
Мұхаддис Бухорий  
Ва Нишопурый  
“Шариат”, “тариқат”  
кейин “маърифат”,  
Худога етишиш,  
яъни “ҳақиқат” –  
Иймон нарвонидан  
поғоналатиб  
Даҳрийликдан бошлаб  
Аллоҳга томон  
Эли мусулмонга  
айланган Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
озод, мустақил.  
Ўзининг ҳақиқий  
худуд, пойтахти,  
Миллий руҳига хос  
тамға, байроби  
Ва мадҳияси бор –  
давлатнинг сози.  
Бирлашган Миллатлар  
Ташкилотида  
Энди янграмоқда  
унинг овози.  
Мустақил маконга  
айланган Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
тараққиётнинг

Ўзбекча йўлини  
яратга олди.  
Унга амал қилиб  
иқтисодини  
Оғир инқироздан  
чиқара олди.  
Давлат мақомини  
бериб тилига  
Она тилида иш  
юрита олди.  
Ўзбек курашини  
жаҳонга ёйиб,  
Халқаро мақомин  
ўрната олди.  
Жаҳон шахматининг  
олтин тожига  
Ўзининг фарзандин  
ўтқаза олди.  
Ватани равнақи  
йўлида тинмай  
гайрат қилаётган  
шунқорлари бор.  
Миллионлаб меҳнаткаш,  
мушфик халқининг  
Меҳнат шижоати  
унга ифтихор.  
Тупроқ остидаги  
хазиналари  
Чет эл капитали  
билин кўшилиб  
Трактор, аэроплан  
ва автомобиль,  
Эксковатору  
телевизорлар...  
Чиқара олувчи  
энг замонавий

Минглаб корхоналар  
қад ростлаётган  
Бунёдкор майдонга  
айланган Ватан.

\* \* \*

Бу шундай Ватанки,  
мен унга фарзанд:  
Шунда камол топдим,  
эмасман меҳмон.  
Паспортим – ўзлигим,  
паспортим – баҳтим.  
Онанинг ўғлига  
берган ҳужжати.  
Бошим узра уни  
кўтариб баланд  
Юрагим ҳапқириб –  
ғууррга тўлиб  
Овозим борича  
қиласман хитоб:  
“Кўринг,  
ҳавас қилинг  
юргим – мустақил.  
Озод Ўзбекистон  
фуқаросиман!!!”

17.08.2004.

## АЁЛЛАР ЙИЛИ

Йиллар бўлди: аёл она, момо бўлиб кўринди,  
Йиллар бўлди: аёл олам, дунё бўлиб кўринди.

Йиллар бўлди: аёл опа, сингил бўлиб кўринди,  
Ўксик кўнглим кўтарувчи кўнгил бўлиб кўринди.

Йиллар бўлди: аёл менга бир ёр бўлиб кўринди,  
Олам-олам илҳом берган дилдор бўлиб кўринди.

Шу туфайли менга яна она бўлиб кўринди –  
Онам каби меҳрибон қайнона бўлиб кўринди.

Йиллар бўлди: аёл қиз, набира бўлиб кўринди,  
Авлодим давомчиси, захира бўлиб кўринди.

Йиллар бўлди: аёл менга келин бўлиб кўринди,  
Келин келгач оиласиз тўлин бўлиб кўринди.

Йиллар бўлди: аёл менга касбдош бўлиб кўринди,  
Касб сирларин ўрганишда сирдош бўлиб кўринди.

Ижодимда етаклади маҳкам тутиб кўлимдан,  
Химоямда қалқон бўлди асло қўркмай “ғаним”дан.

Бемор бўлсам бошим босди она каби шифокор,  
Айтинг, борми аёллардан ортиқ бизга мададкор.

Аёл зоти менга ҳамон турли-туман кўрингай,  
Барчасининг ҳурмат ўрни улуг – бошимда тургай.

Аёл менинг борлиғимдир, аёллар бор, борман мен,  
Улар мендан йироқлашса, йўқ бўламан, хорман мен.

Бахтимизга эсон бўлсин, омон бўлсин аёллар,  
Чехралари кулиб турсин, хандон бўлсин аёллар.

Оғришмасин ва ортмасин аёлларнинг дардлари,  
Бошимизга шараф бўлсин оёқларин гардлари.

Шайх Саъдийдек хаммамиз-чун аёл бўлсин улуг зот,  
Улуғлансин токи яшар бу дунёда одамзод.

Аёллари улуғланган Ватан топмагай завол,  
Эли бўлар осойишта, иқтисоди – баркамол.

Аёллари улуғланган йил баҳт, зафарга тўлсин,  
Бундан буён барча йиллар аёллар йили бўлсин.

05.02.1999.

## ОРЗУ

Кўп замон бир орзум қалбда жобажо,  
Эй тангри, шу орзум этгил мустажо:

Аждодларим умрин айлагил ато,  
Мен ҳам кексаланиб, тутайин асо.

Қалбимдек беғубор, мусаффо ва пок  
Сочу соқолларим бўлишсин оппоқ.

Фарзандларим бўлсин меҳнаткаш, мушфиқ,  
Боакл, фаросат сохиби, хуш хулқ.

Невара, чевара, эвараларим,  
Улардан кейинги “бегона” ларим

Уйимга келишса бир сарой бўлса,  
Ховлим бақир-чақир, кулгига тўлса.

Она қишлоғимга “отахон” бўлсам,  
Каттаю кичикка меҳрим teng бўлсам.

Катталарни монанд этолсам ҳурмат,  
Кичикларга лойик кўрсатсам иззат.

Шодлик, кувончларин кўришсам баҳам,  
Бошига ғам тушса, бўлолсам малҳам.

Аждодларим умрин насиб эт менга,  
Бир умр ибодат этайин сенга.

Шайх Саъдий ўгитин мевасин терай  
Ва шу алломадек умр кечирай.

Содик, шундай яша: сен кўз юмган он  
Барча гирён қолсин, сен кетгин хандон.

14.03.1999.

## МУСТАҚИЛЛИК ҚОМУСИ

Фиқҳ илмин асослари Авесто, Инжил, Забур,  
Таврот, Куръон ҳар биттаси – жилоланган тафаккур

Мевалари. Биз уларни муқаддас деб биламиз,  
Ўрганамиз, ёд оламиз, унга амал қиласмиз.

Юртбошилар қасам ичган кўйиб қўлин китобга,  
Адолатли иш тутганлар ўхшаб гўё офтобга.

Фиқҳ илмин ижодкорин ҳисоблашган анбиё.  
Ҳақиқатан, китоблари таратар элга зиё.

Конституциямиз ҳам биз-чун муқаддас китоб.  
Ўрганамиз, ёд оламиз, ўргатамиз бобма-боб.

Чунки бизнинг қомусимиз – мустақиллик қомуси.  
Мустақиллик эса халқим иродаси, номуси.

Унга амал қилиб яшаш фуқаролик бурчимиш,  
Қонун устиворлиги-чун сарфлагаймиз кучимиш.

12.12.2000.

## УНИВЕРСИАДА-2000

*Наманган шаҳрида биринчи марта мамлакат олий ўкув юртлари талабалари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан.*

Наманган юртимда тенги йўқ жаиннат,  
Элининг бағри кенг, бутун иймони.  
Бунда туғилганлар ва меҳмонларнинг  
Омади чопади, қолмас армони.

*Нақорат:*  
Талабалик даври – олтин даврлар,  
Ўқиш, ижод, спорт – унинг жилоси.  
Этчилик, кучлилик ҳамда ахиллик  
Ҳар бир спортчининг чин муддаоси.

Озод Ўзбекистон талабалари!  
Халқнинг олқишилари сизга куч, ишонч.  
Рекордга айлансин ҳар бир уриниш  
Жаҳон аҳли учун бағишилаб қувонч.

01.01.2000.

## САССИҚПОПУШАК БИЛАН ҚИЗИЛИШТОН (Masal)

Сассиқпопушак билан қизилиштон икковлон  
Кўшни яшашар эди, бўлишиб дўст-қадрдон.

Қизилиштон кўшнисин таклиф этди меҳмонга  
Ҳашаротларга тўла таги ботқок ўрмонга.

Мезбон ўз меҳмонига қалбин очмоқчи бўлди –  
Катта “дастурхон” ёзиб меҳрин сочмоқчи бўлди.

Бошлади шоҳдан-шохга тариллатиб ўрмонни,  
Дарахтлар танасида кўрсатди “ош” ва “нон”ни.

Калта тумшук мезбоннинг корни тўйди “ош-нон”га,  
Узун тумшук меҳмоннинг кўнгли тўлди армонга.

Сассиқпопушак ҳарчанд харакат қилди, эсиз,  
Бирон дарахтни чўкиб қолдира олмади из.

Узун, нимжон тумшук-ла ҳеч иш қила олмади,  
Овқат тўла ўрмондан емак топа олмади.

Мезбон хурсанд дўстини меҳмон қилганлигидан,  
Сассиқпопушак хафа меҳмон бўлганлигидан.

Сассиқпопушак гали таклиф этди ўтлокка  
Саховат кўрсатай деб ташриф этган қўнокка.

Қандай тамадди қилиш усулини ўргатди –  
Тумшугин ерга санчиб “дастурхон”ни кўрсатди.

Меҳмон “дастурхон” томон “қўл”ларини узатди,  
Тамадди илинжида анча ерни “қўзғатди”.

Аммо қизилиштоннинг тумшуғи калта эди,  
Ерга чукур санчолмай кўп қийналди, панд еди.

Кун буйи тер тўқди-ю топмади ҳеч даромад,  
Мехнати зое кетди юз ўгирандек омад.

Базм тугаб меҳмонжон аста уйига кетди,  
Мезбон тўқ, меҳмон эса зўрга уйига етди.

Хулоса: ҳар ким ризқи ҳар хил усулда келар,  
Ўз касбингта меҳр қўй – рўзгоринг тўкин бўлар.



## ФОЙДАЛИ АЛМАШУВ

(Болаларга)

Бир кун күчамизда иккита бола  
Үзаро олмасин айирбош қилди.  
Ҳеч маъно топмадим: аввал ва кейин  
Иккиси биттадан олмали бўлди.

Бошқа кун қишлоғим чойхонасида  
Икки чол фикрини айирбош қилди.  
Иккови сухбатдан тарқалар экан  
Ҳар бири иккита фикрли бўлди.

Хулоса: кексалар сухбати шундай –  
Ҳеч ким ютқазмайди, ҳамма ютади.  
Шунинг-чун кексалар сухбатида бўл,  
Бил, сени бебаҳо бойлик кутади.

27.09.1998.

## МЕН ҲАМ БИР ЁР ТОПИБ...

Тенгдошларим тенг-тенгларин топишиди,  
Баъзилари тўйлар қилиб қовушди,  
Менга севги савдоси кейин тушди.  
Мен ҳам бир ёр топиб олмасам бўлмас,  
“Осмонда ой” тутиб олмасам бўлмас.

Маҳалламда дерлар мени: “Бўз бола,  
Меҳнатсевар, жасур, ширинсўз бола,  
Феъл-атворда ёшларга кўз-кўз бола”.  
Менга мос ёр топиб олмасам бўлмас,  
Мосу хос ёр топиб олмасам бўлмас.

Бир ёр топдим – олийгоҳда талаба.  
Кўрмай қолсам қалбда туғён, ғалава.  
Молу жоним бўлсин унга садақа.

Шу ёрни күндириб олмасам бўлмас,  
Ваъдасин ундириб олмасам бўлмас.

Наманган – водийда гуллар чамани.  
Менинг ёrim шу чаманинг райҳони,  
Иродаси – кучли, қатъий – иймони.  
Шу тупроқда макон тутмасам бўлмас,  
Рўзгор қуриб баҳтим кутмасам бўлмас.

Дўстлар, ҳали тўйимизга келарсиз,  
Топган ёrim қандайлигин кўрарсиз,  
Иккимизга баҳт-саодат тиларсиз.  
Тўйлар қилиб таклиф этмасам бўлмас,  
Хизмат қилиб меҳмон кутмасам бўлмас.

Оиламиз пойдевори – саодат,  
Устунлари – меҳнат, ижод ва роҳат,  
Тўсинлари – севги, ишқу муҳаббат,  
Шундай уйда ҳаёт қурмасам бўлмас  
Ва беармон даврон сурмасам бўлмас.

Тангри насиб этсин ширин фарзандлар,  
Набира, чевара – дилга дилбандлар,  
Эвара, “бегона”, кейинги бандлар.  
Барчасига бобо бўлмасам бўлмас  
Ҳамда катта бобо бўлмасам бўлмас.

Авлодларим юртга бўлсин ярокли,  
Ватанига посбон, ёвга яроғли,  
Иймони бақувват, кўнгли қароғли...  
Шулар қанот бўлиб учмасам бўлмас,  
Шулар билан баҳтим қучмасам бўлмас.

18.10.2000.

## ТАТАКЧИЛАР, БОР БЎЛИНГ

*Набирам Санобар болалигига оёқ кийимини татак,  
биз эса уни Таталак деб атардик.*

Таталак қиз татак кийиб қувонч билан чопқиллар,  
Оёғида янги татак чопган сари тақиллар.

Татакларин бетидаги ярим шарда шарчалар  
Таталак қиз қувончига шерик бўлиб шакиллар.

Қучоғимга қувонч билан чопиб келиб Таталак  
Дейди: “Рахмат, бобожоним, олиб бердингиз татак!”

Набирамнинг қувончлари берди фикримга жило:  
“Татакчилар дард чекмасин, қидиришмасин даво,

Ҳаммалари омон бўлсин, ишлари топсин ривож,  
Ҳар бир татак болаларга бағишлар олам қувонч”.

07.10.1999.

## МИЛЛИОНЕР БЎЛДИМ

Тақдир тақозоси-ла “Москвич” сотиб олдим,  
Шу машинам туфайли миллионер бўлдим-қолдим.

Молиянинг вазири Павлов деган бир жаноб  
Инқироздан чиқишига ўзича топди жавоб:

Кўтарилар иш ҳақи, кўтарилади нарх ҳам,  
Шарт: нархлар иш ҳақидан, албатта, ўсар илдам.

Иш ҳақи ерда чопар, нархлар осмонда учар,  
Ҳар сафар нарх ошганда фуқаро ранги ўчар.

Павловнинг сиёсати ўзбекка “ёқиб” қолди,  
Томирида қон эмас, шу тадбир оқиб қолди.

Тұқсон учинчи йили етти марта нарх ошди,  
Иш ҳақи ҳам күпайды, сұм-купон тұлиб-тошди.

Етти минг тұрт юз эди олғанимда машинам,  
Хозир икки миллион шундай машина – шинам.

Тақдир тақозоси-ла “Москвич” сотиб олдим,  
Павлов сиёсати-ла миллионер бўлдим-қолдим.

Миллионерману, аммо бензинга етмас кучим,  
Шунинг учун машинам минилмасдан ётар жим...

Аллохга минг бор шукр, бўхронлар ортда қолди,  
Халқим тараққиётнинг ўз йўлин топиб олди.

Биз янги жамиятнинг асосларини қурдик,  
Янгича ғоя билан дадил олдинга юрдик.

Миллионер эмасман-у бензинга ётар кучим,  
Энди эса машинам минилмоқда ётмай жим.

4.09.2003.

## ХОСИЯТ

Бир дўстим бор исмлари Хосият,  
Кашф этдим мен унда талай хосият.

Энг аввало ёрига вафоли ёр,  
Шу боис у оиласа ифтихор.

Үғил-қизларига доим парвона,  
Кўпчилик дер уни: “Ҳақиқий она”.

Бошлиқлар ичидә “бошли”роқ бошлиқ,  
Раҳбарлик меҳнати унумли, тошлиқ.

Ишлаб чарчамайды: ғайрат, шижаат  
Қаерда ишласа берган саодат.

Бошида ходимлар рўзгорин ғами,  
Ғамхўрлик қилмаса чиқмас алами.

Чунки муаллимга қилинган ҳиммат  
Қайтими доимо илм ва ҳикмат.

Тадбиркорлик ишин мақсади ҳам шу,  
Югуриб елишин маҳсули ҳам шу.

Талабалар унинг юраги, жони,  
Қалби улар учун меҳрнинг кони.

Гўё ҳар биттаси – тукқан боласи,  
Гулзорида ўсган гулу лоласи.

Ҳар бирининг бахти унинг ҳам бахти,  
Хурмат ашёсидан қурилган тахти.

Содик, шундай дўстлар бўлишсин омон,  
Ишлари юртимга берсин шараф-шон.

17.06.2004.

## ЖИЙДА ГУЛИ

Жийда гули хушрўймас,  
Гулшанга оро бермас.  
Аммо бир хиди борки,  
Ҳидлаган хидлаб тўймас.

Ёрим гўё жийдагул,  
Ҳуснига эмасман қул.  
Аммо феъл-авторининг  
Мафтунидирман буткул.

04.05.2004.

## МАШХУРА

(Құшиқ)

Тошкент шаҳридаги машҳур “Машхура” фирмасининг  
асосчиси Машхурага

Бизнинг Машхура замона кизи,  
Бизнеси боис ёргудир юзи.  
Корхонаси зўр, рўзгори тўкин,  
Бели бакувват, ўткирдир сўзи.

*Н а к о р а т :*

Эй Машхура, эй Машхура,  
Тадбиркорлик билан бўлдинг машҳур-а.

Юрт ёшларига ўргатар хунар.  
Яхши хунардан даромад унар.  
Эллинг бойиши – унинг ташвиши,  
Хунарли уйда барака бўлар.

Машхура қизнинг бошида ташвиш:  
Ходимларига топмоқ керак иш,  
Элга саховат – доимий одат,  
Усиз ўтмас ҳеч бир тадбир, юмуш.

Совғалар олган етим болалар,  
Таъмирдан чиқсан шифохоналар,  
Машхура қиздан чексиз миннатдор  
Ҳешлари: тоға, амма, холалар.

Юртим тадбиркор қизлар-ла тўлсин,  
Ҳар бир тадбиркор омадли бўлсин.  
Бой бўлсин ўзи, бой бўлсин эли,  
Юрт душманлари бир куйиб ўлсин.

19.06.2004.

## АЁЛ ЗОТИ

Хикоят бор: Аллоҳ Одам Атони  
Лойдан яратдию жон ато этмиш.  
Заковат бахш этиб одам зотига  
Мехрибонлик бурчин зўр адо этмиш.

Аллоҳ «зериқмасин» дея Одамзот  
Бунёд айлаганмиш Момо Ҳавони.  
Ота қобирғасин айлаб хомашё<sup>1</sup>  
Ундан яратганмиш Одам Анони.

Менда бир караш бор: аёл зотини  
Аллоҳ бунёд этган миядан – қалбдан.  
Шу боис севамиз биз аёлларни  
Қобирғамиз эмас, миядан – қалбдан.

01.03.2003.

## МИТТИВОЮ “МЎЛ” СОҚОЛ (Набирам Истиқтолга ҳазил)

Набирам бор Истиқтол  
Миттивою “мўл соқол”.

Эрта тонгда туради,  
Хонам томон юради.

Ола бошласам соқол  
Шерик бўлади дарҳол.

Фирилласа бритвам  
Шодланади набирам.

Гал-гал соқол оламиз  
Ёш йигит бўб қоламиз.

9.09.1994.

## **РАҲМАТ ЎҚИТУВЧИМ – ОФТОБГА**

*Набирам Истиқлолнинг “Алифбе байрами”га*

“Алифбе”ни ўқувчи эдик,  
Харфлардан сўз тўкувчи эдик.

Хозир сўзлар оламидан гап  
Тузаяпмиз тўғри, боадаб.

Ўқияпмиз газеталарни,  
Рекламалар, жаридаларни.

Бунинг учун раҳмат китобга,  
Раҳмат ўқитувчим – офтобга!

25.12.2000.

## **КЎК ДЎППИЛИ ОТАХОНЛАР**

Йиллаб бўлган бобом каби менга суҳбатдош,  
Йиллаб бўлган отам каби менга суҳбатдош,  
Сиз – меҳрини аямаган нурафшон қуёш,  
Эй, Тошкентнинг кўк дўппили отахонлари.

Сабот билан сабоқ берди ўнлаб муаллим,  
Мен уларнинг дарсларидан ўргандим таълим,  
Сизлар мени илм аро қилдингиз олим,  
Эй, Тошкентнинг кўк дўппили отахонлари.

Элда гап бор: “Кўк дўппини бойлар кияди,  
Қалби очик, кўнгли – дарё, сойлар кияди,  
Феъл-атворда элга кўрк, чиройлар кияди”.  
Эй, Тошкентнинг кўк дўппили отахонлари.

Деҳқон, боғбон, хизматчию ҳунарманд ўзи,  
Саховатли ишлар билан доим банд ўзи,

Шарафи эл шарафи-ла бир, пайванд ўзи,  
Эй, Тошкентнинг кўк дўшили отахонлари.

Тошкент асли меҳмон учун очик дастурхон,  
Бу дастурхон теграсида сиз сахий мезбон,  
Пойтахтимиз сизлар билан тўқис, фаровон,  
Эй, Тошкентнинг кўк дўппили отахонлари.

Истагим шу: кўк дўппингиз ярашиб турсин,  
Дўстларингиз ҳавас билан қаравиб турсин,  
Шахрингизда ҳамма бирдек яйрашиб юрсин.  
Эй, Тошкентнинг кўк дўппили отахонлари.

2015

## ҒАЗАЛЛАР

### НОЗАНИН

Үлтириб ёнимга тортдинг эътиборим, нозанин,  
Банд этиб ҳуснингга олдинг ихтиёrim, нозанин.

Гохи-гоҳи сўзлашиб жон озуқи сўзлар билан  
Ўзингга ром айладинг фикру қарорим, нозанин.

Сайргоҳ эттагч икковлон кўхна Тошкент шаҳрини,  
Ортди бисёр сенга меҳру ифтихорим, нозанин.

Аммо сен кўрсатмадинг зарра муҳаббат учқунин,  
Айт-чи, сен-чун борми фарки йўғу борим, нозанин.

Ўксима, Содик, муҳаббат барчада тенг бўлмагай,  
Ишқ аро султон бўлиш эзгу шиорим, нозанин.

14.09.1988.

### САОДАТ БУ

Саодат, васлингга етдим, менга чексиз саодат бу,  
Сулаймон давлатидан юз туман ортиқ фароғат бу.

Висолинг бодасин ишқ жомидан тотмоқ насиб бўлди  
Ки, чанқоқ жисмима жон баҳш этувчи оби роҳат бу.

Муҳаббат жаннатидан жой ато этдинг карам бирла,  
Сенинг ишқингда куйган осий бандангга шафоат бу.

Шу жаннат гулшанида бир умрга қолмоқ орзуйим,  
Бенасиб айлама, Содик қулинг учун ҳалокат бу.

20.09.1988

Дәнишмандлик ёнга маддаси

## НАВРЎЗИ ЖАҲОН БОИС

Олам бўлди нурафшон наврўзи жаҳон боис,  
Кўнгиллар шоду хандон наврўзи жаҳон боис.

Кўзни қамаштиради қуёш нурида порлаб  
Мовий шишадек осмон наврўзи жаҳон боис.

Укалаб кўзларини уйғонди қиши уйқудан  
Набототу тирик жон наврўзи жаҳон боис.

Бойчечагу чучмома баҳорнинг ёмғирида  
Ювишар юзин обдон наврўзи жаҳон боис.

Келди мухаббат фасли, интизор ўз жуфтига  
Кушу ҳайвону инсон наврўзи жаҳон боис.

Қалба қувонч одамлар сигмай қишлоқ, шаҳарга,  
Интизор дала томон наврўзи жаҳон боис.

Раксчи, куйчи, қўшиқчи қушлар “Баҳор валси”ни  
Ижро этишар чунон наврўзи жаҳон боис.

Содик, фурсат ғанимат ёру дўст, фарзандлар-ла  
Ўйна, яйра, кул, қувон наврўзи жаҳон боис.

06.04.1994.

## БИР МУАЛЛИМ

Дорулфунунимизда ишлайди бир муаллим,  
Олмония тилидан ёшларга берар таълим.

Қуюқ қошин чиройи оламда ягонадир,  
Қора ва чакноқ кўзи меҳрга тўла лим-лим.

Ҳар сафар кўришганда кўзим тўлар қувончга,  
Аммо бу қувонч билан мутлако тўлмас кўнглим.

Содик, кўнглинг розини очмоққа тўсиқ одоб,  
Шу боис лол қолади ҳар сафар бийрон тилим.

10.04.1994.

## МУҲАББАТ

Муҳаббат, о Муҳаббат, о Муҳаббат,  
Кулингман, айладинг шайдо, Муҳаббат.

Муқобил қомату зебо жамолинг  
Кўриб дерман: “Кўп тасанно, Муҳаббат!”.

Қарошиңг жон олиб, ишванг бериб жон  
Ажид бир ҳол этар пайдо, Муҳаббат.

Сухонинг нағмаси жонларга роҳат,  
Тафаккуринг бирам зукко, Муҳаббат.

Қачонким сұхбатингдан баҳрамандман  
Ҳаётимда тўлик маъни, Муҳаббат.

Муҳаббатта садокатпеша Содик,  
Уни эт ўзингта ошно, Муҳаббат.

07.09.1994.

## ЖОНОН КЕЛАДИ

Тўю томошо билан уйима жонон келади,  
Демагум жонон, менинг жисмим аро жон келади.

Кулбаи хонамни мунаввар этиб, обод қилиб,  
Хуснига хусн қўшиб нури нурафшон келади.

Падари бузрукворим тоат суви илиқ бўлиб,  
Бизни дуо этгали тиллари равон келади.

Волидаи мухтарамим қўлларига қўл бўлиб  
Рўзиғор юмушида белига дармон келади.

Кўша-кўша ўғилу қизларима она бўлиб,  
Солиҳ-ул-фарзанд этарда кони имон келади.

“Бир никоҳли бўл” дебон олган дуоларим ҳаки  
Бир умрли ёр бўлишга аҳду паймон келади.

Яхши ният айла, Содик, ниятинг йўлдош бўлур.  
Балки баҳтинг бекаму кўст, орзунг имкон келади.

28.09.1994.

## КАБОБ

1994 йили ўзбек сўми муомалага чиқарилгач, унинг қадрини  
сақлаш учун Наманган вилоятида 1 кг мол гўштининг  
кассобхоналардаги нархи 8 сўмдан ошмаслиги белгиланди ва  
кабоб пишириб сотиш тақиқлаб қўйилди. Аммо сентябрь  
ойидаёқ гўштининг нархи 15 сўмга кўтарилди.

Барча таомлар ичида шоҳу шоҳбози кабоб,  
Танга кувват баҳш этарда барчадин сози кабоб.

Ресторану чойхона, тўю тамошода элим  
Сен туфайли рақси шўх, кувноқ кую сози, кабоб.

Шулки боис мадҳингга баҳшида шоирлар шеъри,  
Куйчиларнинг куйию қўшиқчи овози, кабоб.

Лек Наманган юртидаким этдилар тақиқ сени,  
Охиратга қолди дийдор балки, бўл рози, кабоб.

Кимки қиймат қонунин мохиятин билмас магар  
Нархга үтказгай зутумким, эли норози, кабоб.

Шукр қил тангрига, Содик, ақлдан оздирмасин,  
Бўлмагайсан шармисор ҳам бўлгуси рози кабоб.

15.10.1994.

## ЁР ЭТДИНГ

Кўнглимнинг суйгани, мени ёр этдинг,  
Лекин висолингга зорман, зор этдинг.

Интизорман сенла сухбат курай деб,  
Васл уйига бунча интизор этдинг.

Мағурланма, юргагил безътибор,  
Ошигингман бунча мени хор этдинг.

Йироқ кетма, англа хуш дамлар қадрин,  
Кўпроқ йўғу камроқ уни бор этдинг.

Орзуйингга шояд етарсан, Содик,  
Гарчи ҳозир ҳижронни зуннор этдинг.

15.10.1994.

## ҚОМАТИ ЖОНОН КЎРИНУР

Кўзим олди, кўзима қомати жонон кўринур,  
Чехраси нур таратувчи шаъми жаҳон кўринур.

Сурма қўйгандек қабоги, лилга тўйгандек қоши,  
Кўзининг қоролиги, воҳ, қора уммон кўринур.

Қоши ёйин остида киприклари гоҳ-гоҳ учиб,  
Жисму жоним сайд этарга мисли пайкон күринур.

Қаҳ-қаҳ отиб кулганида шодланиб, завкқа тўлиб  
Оғзининг ҳолати гўё гули хандон күринур.

Қоматига мутаносиб икки дурқун кўкраги  
Мехр тафтига макону тафтга имкон күринур.

Бўйи бирла баслашувчи ўрим-ўрим соchlари  
Бўйи жаннат таратувчи мисли райҳон күринур.

Англа, Содик, вақт ғанимат ёр билан даврон сур,  
Ёрдан айру ўтган умринг сўнг пушаймон күринур.

15.05.1998.

### АЁЛ БОРКИ...

Аёл борки, борлик – мунаvvар,  
Оlam мисли гулзор муаттар.

Аёл борки, бор ақлу иймон,  
Одам зоти мағрут, музaffer.

Аёл борки, бор меҳру шафқат,  
Гўдаклари ўсгай музаккар.

Аёл борки, эрлар жўмардлар,  
Ниятлари бўлгай мұяссар.

Аёл борки, иззату икром  
Боис барча чоллар мўътабар.

Аёл борки, илҳом, ижод бор –  
Содикмирза қозонгай зафар.

18.02.2000.

## ГУЛ ФАСЛИ БАХОР КЕЛДИ

Гул фасли баҳор келди, кетди қиши-қаҳратонлар,  
Илиди күча, ҳовли, уй, даҳлизу айвонлар.

Газ ёнарди милтиллаб, ёккани ўтин қайда?  
Кун-тун ўчиб электр, қалтираб ўтган онлар.

Қорин тўлару тўймас, грипп зўрлигин қўймас,  
Чўнтақ қуритиб боз-боз сарфи дори-дармонлар.

Илик баҳор нафасин сипқориб, мадор топиб  
Уйғонишиди уйқудан наботот – тирик жонлар.

Бўй чўзиб укроп, кашнич, жаг-жаг, отқулоқ, ялпиз  
Еган дардин қувишар бўлиб ёю пайконлар.

Баҳор муҳаббат фасли, ошиқлар кўнгли шодон,  
Ҳар бир мусаффо қалбда севги қилар тутёnlар.

Баҳор шодлиги кўпдир, бўлмагил ғофил, Содик,  
Бахра ол тўйиб-тўйиб, қолмасин ҳеч армонлар.

15.03.2000.

## ЛАРИСА ҚЎШИҚ АЙТГАНДА

(Севимли хонанда Л. Москалёва ҳақида)

Ғазал шавқу жило топгай Лариса қўшиқ айтганда,  
Ғазал куйла вафо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Муҳаббат изтиробида эзилган хаста кўнгиллар  
Олиб ором шифо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Элим мумтоз қўшиқлари ҳаётин янгидан бошлар  
Ки, ҳар бири ҳумо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Жонларни сабакларни таъсирлаб

Она халким ижодин лаззатидан баҳра олмаслар  
Таназзулдан жазо топгай Лариса құшиқ айтганда.

Беріб жаннат оромини дилинг сархуши-чун, Содик,  
Бихишт күйи раво топгай Лариса құшиқ айтганда.

08.11.2000

## ЯЙРА, ДИЛ

Яйра, дил, наврұз бу күн дүст-ошнолар бұлды жам,  
Күңгли күңглига яқын хеш-ақраболар бұлды жам.

Ахли одоб, тағби нозик, билимдени үз ишин,  
Юрти равнаки йүлида жон фидолар бұлды жам.

Даврага файзу шукух баҳшида айлаб барчаси  
Тарбият эттан бизи соғ муддаолар бұлды жам.

Лайлию Ширин мисоли ҳар аёлнинг севгиси,  
Беназир атвөр ила ишва-адолар бұлды жам.

Ғайрату иймон, адолат, химмату мардлик, гуур  
Ҳар йигит феълига бергайким жилолар бұлды жам.

Мустақил, озод диёринг, Содик, осмонда бошинг,  
Эли тинчу бошига қүнганса ҳумолар бұлды жам.

19.12.2000.

## ИГВО

Ақл соҳибларига номуносиб, нораво игво,  
Бирок, бу – дард, илашган баъзиларга бедаво игво.

Қаю қалбда иймон куртаклари нимжон үсар, шунда  
Томир оттай мисоли чирмовуқдек рўдапо игво.

Одоб, виждон, садоқат соҳиби содда кишиларнинг  
Орасига солиб фитна, яратгай можаро игво.

Ҳалолу түғри ходимлар маломат ўқига мұлжал,  
Гоҳи инсулт, гоҳи инфаркт этишга муддао иғво.

Она юртим бўлиб озод, бошида порлади офтоб  
Тараб солиб улусга бошлади қотил фидо иғво.

Кел, эй Содик, уруш оч иғвогар салтанатига,  
Фарот этмай она юртинг, элингни норасо иғво.

16.01.2001.

### **НАНАЙДАН ЁРИНГ БЎЛСА**

Нанайдан ёринг бўлса, ул соҳибчирой бўлса,  
Сенга ёринг қалбининг энг тўридан жой бўлса.

Барчин каби қоматли, юрса ерлар гурсиллаб,  
Шўхлигу шижоатда чопкир, асов той бўлса.

Қалдирғоч қанотидек қошлари қалам-қалам,  
Кўзлари хуморлию юзи тўлин ой бўлса.

Хижрон азобидан сўнг ёр билан ўтган дамлар  
Лаззатин лаззатлиги “келин-куёв чой” бўлса.

Содик, ишқнинг олови борлигинг куйдиргуси,  
Ёр меҳру муруватда суви тўла сой бўлса.

18.11.2001.

### **ОШНО БЎЛДИМ СИЗА**

Эй париваш меҳрибоним, ошино бўлдим сиза,  
Меҳрингиз тушди кўнгилга, мубтало бўлдим сиза.

Мовий кўзлар термулиб боқиши меҳрим тоширап,  
Кўз узолмай кўзингиздан беибо бўлдим сиза.

Рақс чоғи сийналар силкиниши жоним олар,  
Оғуши уммидида зору гадо бўлдим сиза.

Қошу кўзлар ишваси қалбимда түғён қўзғатар,  
Ҳисларим тўлқинланиб, мақсад фидо бўлдим сиза.

Ишқ олови қалбингизда порласин ёниб чунон,  
Чунки, Содик, ҳар мудом содир гуноҳ бўлдим сиза.

15.09.2003

## НАМАНГАН – ГУЛ ДИЁРИМ

Наманган – гул диёrim, гуллаган чорбоғларинг бордир,  
Жаҳонни лол этувчи истироҳат боғларинг бордир.

Баҳор боғлар гул очганда шимол қиши-қаҳратонидан  
Уларни асрагувчи зўр деворинг – тоғларинг бордир.

Элинг белига қувват, жисмига соғлиқ бағишловчи  
Анор, анжир, ўрик, шафтоли, тут, ёнғоқларинг бордир.

Бозоринг мўлу кўл, арzon, товарлар рангоранг, хуштаб  
Ки, оқил, можиру мушфик, кўли қадокларинг бордир.

Зироату тижорат ҳам саноати топиб равнақ,  
Шаҳар бўлмоққа интилган обод кишлоқларинг бордир.

Ягона оила фарзанди, ҳамдўст, ҳамнафас, ҳамкор  
Косонсой, Чуст, Учқўргон, Попу Чортогларинг бордир.

Наманган қўзғолонида дилингда порлаган орзунг  
Мушарраф бўлдиким бахту кўнгил ардоқларинг бордир.

Фаҳр бўлсин сенга, Содик, Наманган она шаҳрингким,  
Бобо Машраб ва Фазлийдек ижод байроқларинг бордир.

14.10.2003

## ЭЙ НОЗЛИ ГҮЗАЛ

Эй нозли гүзал, кел менга дилдорлик айла,  
Мехрингни беру бир йўла чин ёрлик айла.

Жисмим ила жонимни сотай аҳдингга, эй ёр,  
Васлингни баҳосида харидорлик айла.

Мажнун ила Фарҳод етмаган баҳтга етай мен,  
Лайли ила Шириндек вафодорлик айла.

Севмоқ ва севилмоқ биз учун олий фазилат,  
Қадрига ету ҳамда фидокорлик айла.

Севги сифатин васфини ёз, чарчама, Содик,  
Ошиғингга устозу зиёкорлик айла.

05.03.2005.

## БАХМАЛ ҚҮЁШИ

Ассалом алайкум, Бахмал қүёши,  
Бахмал тоғларининг боқий йўлдоши.

Тоғнинг ўркачинда учрашдик бу кун,  
Билмадим неча минг бу тоғлар ёши.

Тоғларки, Аллоҳнинг меҳри йўғрилган  
Латофат бобида жаннат талоши.

“Теракзор” дам олиш уйи бир маскан  
Жаннати масканлар ободи – боши.

Гирдо гирди тоғлар, ўзи водийча,  
Жилғасидан оқар суви – кўз ёши.

Бегубор, роҳатбахш, танга қувватбахш  
Бу тоғлар ҳавоси, меваси – оши.

Эй Содик, шу тоғдек абадий бўлсин  
Ватан мустақиллигин тамал тоши.

18.08.2006.

Ҳаётимни ёғора мушаббиги

## ҒАЗАЛ ЁЗИБ ҮТИРСАМ

Газал ёзиб үтирсам, ёрим келди ёнимга.  
Миннатдор бокиш билан ором берди жонимга.

Кошки шундай боқиши бир умрга қолсайди,  
Жоним садқа этардим шундай баҳтли онимга.

“Үқийлик” дединг, ёрим, құш-құш дипломлар олдик,  
Ақл бўлиб қўшилди имконинг имконимга.

Фарзанду набиралар, чеваралар камоли  
Бокий умр бағишилар оқиб турган қонимга.

Яхши касб, ҳалол меҳнат, ҳар бир эзгу ишимиз  
Савоб бўлиб қўшилди иймонинг, иймонимга.

Содик ёринг қувончи оиласнгнинг баҳтидир,  
Ҳар кун баҳт ташриф этсин ҳовлим-хонадонимга.

01.01.2006.

## ТУРҒУН ВА ҮТКИНЧИ

Бу оламда нимаки бор бари турғун ва үткинчи,  
Дегум тақрору ва тақрор бари турғун ва үткинчи.

Қачон одам ақл топиб буюк инсонга айланди,  
Яратган нарсаси турғун, ажаб, соҳибкор үткинчи.

Очиб қўриқ сепилгай дон, этилгай боғ олиб ҳосил,  
Еру боғ нисбатан турғун, ҳосили шудгор үткинчи.

Яратдик шахру қишлоқлар, қилиб боғу иморатлар,  
Бинолар турғуну аммо ўзи бинокор үткинчи.

Ақл соҳиблари минглаб бу олам сирларин очди,  
Улар кашфиёти турғун, бироқ ижодкор үткинчи.

Түқилган достон турғун, ёзилган шеър турғундир  
Ва лек достончи бирла соҳиби ашъор ўткинчи.

Яралган куи турғундир, қўшиқ куйловчи ўткинчи,  
Фақат куйловчимас куй соҳиби бастакор ўткинчи.

Гўзаллик сирларин мўйи қалам рангларда қолдиргай,  
Яратган сурати турғун, мусаввир шунқор ўткинчи.

Бу олам сирларин билмоқ ақл соҳибига шартдир,  
Тафаккур қил: нима турғун ва нима бисёр ўткинчи.

Бирон ходиса юз берди макон, замони турғундир,  
Кишилар қарashi ҳар хил, кўпи зинхор ўткинчи.

Хулоса шулки, эй Содик, кишилар ишлари турғун,  
Бироқ умрлари ўткинчи – чопқир тулпор, ўткинчи.

22.08.2006.

## КЎЗЛАРИНГ

Тушса кўзим кўзингга, неларни кўзлар кўзларинг,  
Узма кўз, уқмоқчиман неларни сўзлар кўзларинг.

Тушганида кўзга кўз гул юзларинг ял-ял ёнар,  
Балки мен бегонани этмоқчи “уз”лар кўзларинг.

Ёр меҳрига очиқкан очу бехол севгига  
Сузилибон йўллагай гоҳ ризку рўзлар кўзларинг.

Ким билур, қалбинг меҳр уммонида тўлиб-тошиб  
Меҳр ҳадя этгали ошикка бўзлар кўзларинг.

Онгла, Содик, ишқида куйганларин ёндиргали  
Қай бирин ғолиб бўлурга “уз-ўз”лар кўзларинг.

19.08.2009.

## **ХОЖИМ**

*(Хожидек муборак номга иснод келтираётган баъзи  
номуносиб ҳожилар ҳақида)*

Гунохи ортиб қилди ҳажлик муддао ҳожим,  
Ҳожи бўлди нияти бўлиб мустажо ҳожим.

Уйига қайтганида эл-юрт муборак этиб  
Келдилар келтиришиб ҳурматин бажо, ҳожим.

Креслода ўлтириб меҳмонларни кутарди,  
Келганлар қиласи тавоб гуё подшо ҳожим.

Ҳажга бориб гуноҳдан фориғ бўлиш яхши иш,  
Аммо яна гуноҳга бўлди ошно ҳожим.

Вақтлар ўтиб ҳаёти тушди яна аслига,  
Гаплари бачканаш тузсиз, беҳаё ҳожим.

Ҳалол, меҳнаткаш, мўмин, тўғри сўзлар унга ёв,  
Ёмон кўрганларидан бошлади ифво ҳожим.

Мол сотса тарозуда уриб қолар “тош”идан,  
Хеч адл савдо қилмас баднафсу расво ҳожим.

Таъмагирлик авжида талабадан олиб пул,  
Билмигамас, пулига қўяди баҳо ҳожим.

Пул керак муҳтожларга жон-жон деб қарз беради,  
Судхўрлигин фоизи ҳаддидан зиё ҳожим.

Жаҳли келиб қолганда ўрисча сўкинади,  
Отасининг ватани гўё Русиё ҳожим.

Хайриятки, бундайин расво ҳожилар кам-кам,  
Ҳожиларнинг аксари чиндан бебаҳо, ҳожим.

Иймонлари бус-бутун, Аллоҳнинг буйруғини  
Сидқидилдан бажарар фаришта гүё, ҳожим.

Содик, гуноҳ ишлардан ҳар қадамда қил хазар  
Ва агар ҳожи бўлсанг, дейишсин “аъло ҳожим”.

29.09.2009.

## СЕВГИ ЖИЛОСИ БОИС

Ишқингда ўргар юрак севги жилоси боис,  
Интиламан сен томон васл муддаоси боис.

Тунимда йўқдир уйқу, кунимда зарра ором  
Севгим бошимга солган ташвиш ғавғоси боис.

Парвонадек ёнингдан узокқа кетолмасман  
Сендан туйганим меҳру аёл ибоси боис.

Суҳбатларинг мазмунли, дилга – ором, танга – жон,  
Тангрим сени сийлаган ақлинг зуккоси боис.

Латофатда тенгинг йўқ, ҳуснинг кўз қамаштирап  
Сендаги гўзалликнинг нури, зиёси боис.

Аллоҳ берган ақлим бор, мажнун бўлиш – менга ор,  
Айрилмасин ақлимким ишқ мажароси боис.

“Ёrim, мени ёр тутгил!”, – илтижо айлар Содик  
Сенга бекиёс меҳри ва чин вафоси боис.

14.10.2009.

## **УЛ САНАМКИМ** *(Саккокийга тақлид)*

Ул санамким, сув ёқасида паридек ўлтирад,  
Юзининг равшанлигидан сувда акси кўринар.

Қўллариким тозадур сувдан, ювмас қўлин сувда,  
Балки сувни тоза этмоқлик ҳақида қайғурад.

Неча бор боқдим билолмам кўз, қабогин рангини,  
Гоҳи қора, гоҳи кўк, гоҳида мовий ранг турад.

Сочлариким бир қарич, кокил аташ сал тўғрироқ,  
Гоҳи қора, гоҳи малла – турли рангда мавж урап.

Мисли товусдек кийингай. Ёр қадду бастига  
Хоҳи юбка, шўрт, шим барчаси бир хил ярашар.

Қулоғига балдоғу бармоғига тилла узук,  
Бўйнига осган телефон ҳуснига ҳусн қўшар.

Бу сифат қобилиятким учрамас инсонда ҳеч  
Балки парилар зотидан, менга инсон туюлар.

Бахтиёр, Содик, замонинг. Унга ҳеч кўз тегмасин,  
Ранго-ранг ёр эҳтиёжин барчаси кондирилар.

24.10.2009.

## РУБОЙЛАР



1

Күлдан келар ишни килгуси киши,  
Күлдан келмас ишни билгуси киши.  
Агарда шу меъёр тұғри танланса,  
Албатта ниятга етгуси киши.

21.12.1987.

2

Илм эгаллашга сарфланган соат  
Афзалдир этмоқдан бир тун ибодат.  
Чунки ҳам бу дунё, ҳам у дунёда  
Тангри оқилларга берур саодат.

24.12.1987.

3

“Ишкі йүқ – эшагу дарди йүқ – кесак”  
Дер экан Навоий, ҳақмикан десак.  
Ҳайвон билан одам бир – фаунаю,  
Ҳайвон билан инсон фарқлидир, бешак.

15.09.1988.

4

Топганим рүгорима етмайди, күп вақт етмагай,  
Эхтиёж имконият кутмайди, күп вақт кутмагай.  
Қанча жон күйдирмайин мұл-құл яшаш орзусида,  
Камбагаллик соядек кетмайди, күп вақт кетмагай.

17.09.1988.

5

“Оламнинг шодлиги йигилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун”,  
Дер экан шоир ҳақ, лекин мен учун  
Ёрим висолидан йўқ шодлик устун.

20.09.1988.

6

Севиклинг нозининг борлиги яхши,  
Кўнглининг ҳам бироз торлиги яхши.  
Аммо қалбинг эзса ошириб нозин,  
Ким дер бундай ёрнинг “Ёрлиги яхши”.

20.09.1988.

7

Юзингга мақтаса бил – лаганбардор,  
Ортингдан мақтаса бергил зътибор.  
Фарқин ажратмасанг, мақтовгўй бўлсанг,  
Мақтаганлар бир кун сени этар хор.

27.09.1988.

8

Биз билан гуруҳда ўқиди бир қиз,  
Заркент олмасидек юzlари қирмиз.  
Ақлу хулқ-атворда тенги йўқ гўзал,  
Чотқол оҳусидек хуморкўз қирғиз.

27.09.1988.

9

Ақлимнинг ҳукмига кўнглим бўйсунмас –  
Мени севганларни у асло суймас.  
Кўнглим суйганлари мени севмаслар,  
Севишмас, ҳаттоки бир қараб қўймас.

28.09.1988.

10

Кўмир ёнганида етказар фойда,  
Ёнмаса доф қолар ундан ҳар жойда.  
Эл-юрт равнаки деб кўмирдек ёнсанг  
У ривож топади, ёнмасанг қайда?..

29.09.1988.

11

Мұхаббат билан рашқ азалдан ҳамроҳ,  
Аммо бир-бирига доим қазир чох.  
Севги ғолиб чиқса, севишганлар – шод,  
Рашқ енгса, ошиқлар иши – оху воҳ.

30.09.1988.

12

Тақдир баҳт берди-ю тўлиқмас бироқ,  
Шундан кўнглим бўлар ҳамиша ғашроқ.  
Узук ёр қўлида туну кун ҳамроҳ,  
Қандай баҳтим тўлсин мен ёрдан йироқ?

04.10.1988.

13

Ёринг энг чиройли бўлиши шартмас,  
Аммо у “чинорли” бўлмаса бўлмас.  
Чирой – кишиларнинг сирт ифодаси.  
Дерлар: “Чиройли гул яхши ҳид бермас”.

06.04.1990.

14

Ҳар жойда иш қилмагил орзу,  
Ҳар жойда бор тошу тарозу.  
Меҳнатингга лойик ҳақ олсанг  
Ишлай бергил, бўлмай норози.

16.11.1990.

Даёминини ёнга мавзуди

15

Баъзи бир амалдорлар бўлишади номзод,  
Сайлов келмай номзодликдан ўзларин этар озод.  
Булар асли номзод эмас, сахнадаги қўғирчоқ,  
Майна бўлиб номзодликка келтиришади иснод.

22.12.1990.

16

Яхшилик кўпмикан ёки ёмонлик?  
Иккисин тенг билсак, бўлмас нодонлик.  
Туғилмоқ яхшию ўлмоқлик ёмон,  
Бормикан ўлимдан топган омонлик?

08.08.1991.

17

Эълон қилдик жамиятни қайта қуришга  
Ва тадбирли миллатлардек илдам юришга.  
Дастурлару карорларда кўп қайта қурдик  
Ва эрищдик бир маромда тўхтаб туришга.

08.09.1991.

18

Умр тулпорига минганинг замон  
Охиратга томон етказар ҳар он,  
Таажкуб, ёшлиқда имиллаб юрган  
Тулпоринг кексайгач бўлар чопағон.

27.08.1991.

19

Қабристондан ҳикмат топдим ногаҳон,  
Аслида ҳикматмас, ҳаммага аён:  
Тиригида тенгсиз кишилар қабрин  
Баъзиси ободу баъзиси вайрон.

14.10.1991.

20

Моддий бойликларга хазиначи – ер.  
Одам ҳам ризқини ердан топиб ер.  
Барча жонзотларни түйдирган тупрок  
Оқибат барчасин битта-битта «ер».

12.12.1991.

21

Нодонликнинг бир шеваси – манманлик,  
Кибру ҳавонинг меваси – манманлик.  
Бадфеъллиги учун талоқ қилинган  
Хокисорликнинг беваси – манманлик.

16.12.1991.

22

Ниятим шу: бўлмайин маддоҳ  
Ва бўлмайин бошлиқка ялтоқ.  
Минг йилдан сўнг ўқиганлар ҳам  
Шунда демас: “Ёзганинг – чатоқ”.

04.01.1992.

23

Тараққиётга ғов партократия,  
Чунки унга ҳамроҳ бюрократия.  
Юксалиш меваси беради ҳосил  
Енголса иккисин демократия.

06.01.1992.

24

Назардан колдирманг болани асло,  
Сўнг касал ниҳолга қидирманг даво.  
Юз сўмлаб дорига пул сарфлагандан  
Бир сўмлаб емишга сарфлаган аъло.

17.03.1992.

Ҳәймимине ёнга шарзуви

25

Тарих синовидан ўтганлар ҳам кўп,  
Тарих синовига етганлар ҳам кўп.  
Тарих дафтаридан излари ўчиб  
Беному бенишон кетганлар ҳам кўп.

21.03.1992.

26

Партократнинг иккидир юзи,  
Мос келмайди ишига сўзи.  
Намозхонни этарди таъқиб,  
Бугун эса намозхон – ўзи.

24.03.1992.

27

Гуноҳ иш қилолмай қолганда киши,  
Насиҳат қилишга ўтармиш иши.  
Гўё ўз ўтмиши бегуноҳ ўтган,  
Ёшларнинг қилмиши – унинг ташвиши.

22.11.1992.

28

Инсон заковатин дурдонаси – пул.  
Пул бўлса бир қадам ҳатто Ливерпуль!  
Пул топишни билинг, уни қадрланг,  
Пулсиз рўзгор – хароб, обрў ҳам – бир пул.

19.04.1992.

29

“Юракдан севаман” деган инсонлар –  
Севги аъзосини билмас нодонлар.  
Юраги алмашган пациентларнинг  
Севгиси ўзгармас, шунга ҳайронлар

08.05.1992.

30

Фақат ибодатга берилманг асло  
Ва “Мен – мусулмон” деб керилманг асло.  
Намоз – муслимликнинг фарзидан бири,  
Колган фарзларидан чегрилманг асло.

16.05.1992.

31

Қаттиқ жазога азм айласа Худо,  
Бандасин ақлидан этармиш жудо.  
Эл-юрт баҳтсизликка учрайди доим,  
“Бошсиз” бошликларга бўлса мубтало.

15.04.1992.

32

Жаҳл келганида қўллама жазо,  
Сабр қидиришга эт ўзни фидо.  
Қайта-қайта ўлчаб гуноҳ меъёрин,  
Сўнг жазо қўлласанг, килмайсан хато.

18.05.1992.

33

Очиқ чехралилик – жаннатдан нишон,  
Улар сухбатидан роҳат олар жон.  
Турқи совуқлардан узоқ тут, тангirim,  
Мулоқот этмасин мен билан шайтон.

22.03.1992.

34

Коғир ё мусулмон, ўзбек ё юонон,  
Бўлмасимдан аввал бўлганман инсон.  
Сўнг евмонголоид, сўнг турк ўзбеги  
Шундан сўнг мусулмон, сунний мусулмон.

24.05.1992.

35

Рубоий жанрининг уммони – Хайём.  
Рубоийшунослар султони – Хайём.  
Мухлисинг эрурман ва балки шогирд,  
Қаламкаш орзуси, армони – Хайём.

11.08.1993.

36

Ёзув – инсон учун бебаҳо йўлдош,  
Бизни тарих билан этади сирдош.  
Шу ёзув туфайли сухбат қуришар  
Барча ўтмишдошу барча келмишдош.

26.08.1993.

37

Дўстни дўст қилувчи – дўстона ишинг,  
Бошига иш тушса – чеккан ташвишинг.  
Безътибор бўлсанг килмай ғамхўрлик,  
Бегона бўлгуси энг яқин кишинг.

27.08.1993.

38

Неки тангри бизга айлади ато,  
Барчасидан баҳра олмоқлик – раво.  
Ўйнайлик, кулайлик, ейлик, ичайлик,  
Шукр айлаб тирикмиз, бўлмасдан фано.

27.08.1993.

39

Оқил кишиларни бой этгучи – пул.  
Нодонлар ахволинвой этгучи – пул.  
Пулнинг табиатин ўрганинг, дўстлар,  
Рўзгор қозонин сермой этгучи – пул.

28.08.1993.

40

“Кеча коммунистдим, бугун – демократ,  
Балки яна тузгум янгича фирмәт.  
Қайси амал берса, шунга аъзоман,  
Маслакка тупурдим”, – дейди партократ.

24.09.1993.

41

Муслимга зарурроқ масжидми, мактаб?  
Албатта, масжиддан зарурроқ мактаб.  
Тангри-чун энг аввал ибодат илмин  
Бизга ўргатувчи масжидмас, мактаб.

25.09.1993.

42

Ўтилар кексайгач бўлармиш сўфи,  
Отин бўлишармиш гарларнинг кўпи.  
Дехқон – доим дехқон, ишчи ҳам – ишчи,  
Ўзин ўзгартирмас инсонлар хўби.

29.09.1993.

43

Тангри жисмимни соғ, бекўст яратди,  
Аклимини ҳам тийран, дуруст яратди.  
Берди вафодор ёр, солиҳ фарзандлар  
Ҳамда мен-чун талай чин дўст яратди.

19.01.1994.

44

Омилар бегуноҳ мисоли сагир,  
Оқилга эргашмоқ – уларга тақдир.  
Чаламуллалардан асрагил, тангirim,  
Чала билишару ўргатар тадбир.

01.04.1994.

Ҳаётимниң ёгулаш манзуми

45

Инсонга умрни чоғларкан Ҳудо,  
Минг бир дард яратмиш ва минг хил даво.  
Нисбат маъқулмасми, ичиб ва чекиб  
Қисқартар баъзилар муддатин қазо.

02.10.1994.

46

Ёздан куз, куздан қишиш ва қипдан баҳор...  
Бундай алмашувда қандай маъно бор?  
Яшашин мазмунин билмамиш Хайём,  
Ҳаёт мазмуни шу – инкорни инкор.

04.10.1994.

47

Бир аср ҳам эмас умри инсоннинг,  
Гарчи тожи эзур жумла жаҳоннинг.  
Шуни била туриб иғво, тухмат-ла  
Кўп кўришар танда маконин жоннинг.

04.10.1994.

48

Севишганлар ёшлигига бўлишади серараз,  
Бу аразлар рўзгор бузмас, аксарият – беғараз.  
Лекин битта «слекин»и бор – муҳаббатнинг онлари  
Ўткинчидир, билмай уни боқий қилишар фараз.

07.10.1994.

49

Шиор айтмаликни айладинг ҳавас,  
Бунга академик ақл шарт эмас.  
Партия ва давлат сардори бўлгин,  
Шу ўзи етарли, шунинг ўзи бас.

17.10.1894.

50

Иқтисод бошидан кечса гар бўхрон,  
Элни тўйдирмокка етмас ошу нон.  
Ҳукмдор халқига берса эркинлик,  
Бу – рўшнолик учун энг сўнгги имкон.

19.10.1994.

51

Бир дўстим бор эди кўп ширин калом,  
Барчага аввалроқ дерди: “Ассалом...”  
Яқинда ўртacha амалдор бўлди,  
Энди аввал биздан кутмоқда салом.

20.10.1994.

52

Гўрков деб аталмиш касб бор – хокисор.  
Улардан медалли, орденли ким бор?  
Бошка касб ҳурматин елкамда тутсам,  
Гўрковнинг ҳурмати – бошимда дастор.

12.03.1995.

53

Таъсирга акс таъсир – борлиқ қонуни,  
Муносабат чоғи унутма буни.  
Бирорнинг меҳридан умидвор бўлсанг,  
Аввал меҳринг билан сийлагин уни.

29.03.1995.

54

Ҳукмдор яхшими ва ёки ёмон  
Экани фуқаро ҳолидан аён.  
Бўлса адолатли, доно, тадбиркор  
Эли маъмур бўлар, юрти тинч, омон.

02.04.1995.

Хизматни ўзига мавжудлаб

55

Тангри лозим күрса энг қаттиқ жазо,  
Бандасин ақлидан этармиш жудо.  
Ичиб-чекувчилар шундай жазога  
Үзларин үзлари этар мубтало.

02.10.1995.

56

Бетоб бўлганингда босмаса бошинг,  
Бошингда тўкмаса кўзидан ёшин.  
Ёринг баҳридан ўт ва ўзга ёрдан  
Ахтаргил баҳтингнинг порлок қуёшин.

05.10.1995.

57

Таъмагир хоҳ ҳоким, хоҳи фуқаро,  
Гадойдан юз карра оқ юзи қаро.  
Гадойлар – муҳтожлар, таъмагир эса  
Ёлғондан муҳтожлик киласи даъво.

06.10.1995.

58

Туғилган ўлмоғи – нодонга кулфат,  
Ақллилар учун – бекиёс ибрат.  
Туғилмоқ ва ўлмоқ мағзини чакғил,  
Ундан топажаксан бир олам ҳикмат.

15.11.1995.

59

Ботир ботирлигин кўрсатади жанг,  
Оқил билинади бўлганда тажанг.  
Имонли кишилар замонга қараб  
Буқаламун каби ўзгартирмас “ранг”.

07.01.1996.

60

Номенклатура деган рўйхат бор.  
Бизда шундагилар бўлган амалдор.  
Фарқи йўқ: хоҳ улар жаннати бўлсин,  
Хоҳи порахўру хоҳи бадкирдор.

16.02.1996.

61

Фаришталар сажда айлашди бажо,  
Яратилган чоғда лой Одам Ато.  
Тупроқдек хокисор ҳар бир инсонга  
Биз ҳам таъзим қилсак қилмаймиз хато.

18.03.1996.

62

“Одам” билан “инсон” маъноси бирмас,  
Фарқини фарқламоқ мураккаб сирмас.  
Одам – иқтидорсиз, фаунага хос,  
Инсон тафаккурли, бу турга кирмас.

23.04.1996.

63

Нақадар буюқдир инсоннинг зоти,  
Йирик ҳарфлар билан ёзилур оти.  
Жонзот шажарасин олий таҳтига  
Ўтқизган тафаккур – унинг қаноти.

23.04.1996.

64

Қиммат нарса бехислат бўлмас,  
Арzon нарса беиллат бўлмас.  
Бу асрорни билмаган миллат  
Иқтисоди зўр миллат бўлмас.

06.02.1997.

65

Фарзандга азиэрок отами, она?  
Бу савол аслида ғирт ахмокона.  
Отасиз туғилган биронта гүдак  
Бормикан жаҳонда, ҳатто, ягона.

06.02.1997.

66

Зарур эҳтиёжим: доим нон бўлса,  
Қорин тўйдирмокка гўшт-ёғ, дон бўлса,  
Кийгани уст-бошу ва яшагани  
Тўрт тарафи девор хонадон бўлса.

26.03.1997.

67

Тангри, жисму жоним сиҳат, соғ этгин,  
То меҳнат қилишга қувватим етсин.  
Пешона тери-ла кечирай турмуш,  
Ҳаром рўзгоримни чеккалаб ўтсин.

29.04.1997.

68

Иқтидоринг етмаган ишга қўл урма,  
Беасос ўзингни қодир деб юрма.  
Худа-бехудага умринг ўтказиб  
Қимматли вактингдан ажралиб турма.

08.08.1997.

69

Душманим фарзанди боақл бўлса,  
Хурсандман ҳаётдан олгандек бўса.  
Нега шодланмайин, яхшилар сафи  
Яна битта солиқ инсон-ла тўлса.

06.02.1997.

70

Муслимлар, кабрингиз нурларга тұлсин,  
Тангрининг раҳмати ёғилиб турсин.  
Ҳар не иш қилдингиз эзгулик ҳаққи  
Жаннатнинг йўлида бир маёқ бўлсин.

01.10.1997.

71

Амалнинг хислати: қувласанг қочар,  
Қочсанг эргашару қанотин очар.  
Адолатпешаю имонли бўлсанг,  
Бошингга элу юрт раҳматин сочар.

01.10.1997.

72

Амал курсисига ўлтиришган он  
Бўлишар баъзилар доно, билагон.  
Бу улар ақлининг ўсгани эмас,  
Тобелари ўзин кўрсатар нодон.

05.11.1997.

73

Кўнгли очиқларнинг очиқдир йўли,  
Куруқ қолмагайдир узатган қўли.  
Элу юрт дуога қўлин очаркан,  
Шуларга тегади раҳматнинг мўли.

06.02.1997.

74

Ота – гўё күёш, она эса – ой,  
Фарзандлар – юлдузлар, осмонга чирой.  
Барчаси бизларга илохий, чунки  
Оlamни ёғдуга этишади бой.

06.03.1998.

75

Бозор иқтисоди: маҳсулот – товар,  
Амалдорлик – товар, жиноят – товар.  
Жазонинг миқдори ўлчанар пул-ла,  
Мурувват – товару, диёнат – товар.

08.04.1998.

76

Кўнглингдан жой олиб қозонса севгинг,  
Мұхаббати билан йўғрилса қалбинг.  
Фарқи йўқ ўзбек, рус, араб ё хитой,  
Ёр тутиб кўрсатгил ёрлик меҳринг.

19.05.1998.

77

Агар ота-онам муттаҳам, ўғри,  
Иғво ва фитнанинг барака, қўри,  
Элнинг энг пасткаши бўлишганда ҳам  
Бошимда иккисин оёғин ўрни.

20.05.1998.

78

Тангirim, сиҳатлик бер, қуллардек ишлай,  
Топганим буюрсин – беклардек яшай.  
Ҳар неки мулкимдир топилсин ҳалол,  
Ҳалол топайину ва ҳалол ошай.

11.06.1998.

79

Олтмишдан ўтгач ёшинг  
Ёстиқ бўлар йўлдошинг.  
Ёшликда кўрсат гайрагт  
Етмасдан “ёстиқ ёшинг”.

21.07.1998.

80

Олимларга отилган тош,  
Бу – фанларга отилган тош.  
Фанларга тош отган киши  
Жохил, худбин, бадфеъл, бебош.

27.09.1998.

81

Баъзи бир раҳбарларнинг бор бир нечта “соя”си.  
Албатта, ҳар “соя”нинг бор ўзгача гояси.  
“Соя”лар гоясига “соя” бўлдими раҳбар,  
Бошланади эл аро ҳулвачки ҳикояси.

01.12.1998.

82

Баъзи бирлар амалдорга ақл бўлар, ўргатар.  
Шу йўл билан ўзларини оқил, содик кўрсатар.  
Ўргатгани хато бўлса ва бермаса самара,  
“Бунга раҳбар айбдор”, дея фиску фужур тарқатар.

02.12.1998.

83

Жамият аъзосин бўл “кўзи”, “қоши”.  
Тангри ёрлақасин бўл ақли – “боши”.  
Талабам, бўлмагин “дум”, “орқа оёқ”,  
Бахтинг баҳт оламин бўлсин қуёши.

04.12.1998.

84

Ҳазил ўтса меъёрдан айланади мазахга,  
Мазах ўтса меъёрдан айланади дўзахга.  
Ҳазил-мазах меъерин унutilган дамларда  
Дўстликнинг масофаси узаяди фарсаҳга.

11.12.1998.

87

Келиннинг, умуман, тўғриси – яхши.  
Овқат бобида-чи “ўғри”си яхши.  
Тўйиб овқатланса, гурсиллаб юрса.  
Соғлом фарзандлар-ла йўғриси яхши.

30.10.1999.

86

Чиронма дунёга бўлай деб “устун”,  
Бу бир хомхаёллик – орзуйи афсун.  
Дунё биносида йўқ бунга ҳожат,  
У барпо этилган бетом, беустун.

08.11.1999.

87

Ҳаром томоқ билан боқилган бола  
Ахлоқи бўлади “ок”, “қора” – “ола”.  
Бадфеъл, бетарбия, баъзида эса  
Боламас, отасин бошига бало.

06.04.1999.

88

Олиму фозиллар – доно инсонлар,  
Асли бошқалардан камроқ нодонлар.  
Оlam сир-жумбоги шунчалар кўпки,  
Ёқангни ушлайсан бўлиб ҳайронлар.

14.09.1999

89

Тақдирим шу: мен эмасман шоҳ.  
Бунинг учун чекмайман оҳ-воҳ.  
Ватаним бор озод, мустақил,  
Бу менга шоҳлиқдан ортиқроқ.

13.11.1999.

90

Тамадди неъматинг ҳалолми, ҳаром,  
Ажрата билмоқлик – таомил, маром.  
Ҳалол топганингни этсанг истеъмол,  
Танинг баҳра олар ва кўнглинг ором.

14.11.1999.

91

Содик, энг яқин дўст бу – вафоли ёр,  
Бору йўқлигингда бир хил гирифтор.  
Фарзандларга – она, сенга – ёстиқдош,  
Ота ва онангга яхши хизматкор.

15.11.1999.

92

Фарзандлар – мевалар. Аччиқ ё шириң  
Эканин дарахтин навидан билгин.  
Олмурут меваси тахир, bemaza.  
Унга нок улаю еб маза қилгин.

15.11.1999.

93

Келин бу бошқа нав боғнинг ниҳоли.  
Янги боғда қандай кечаркан ҳоли?  
Бу кўпроқ боғоннинг меҳрига боғлиқ,  
У соҳибкор бўлса – келин иқболи.

15.11.1999.

94

Баъзилар: “Май ичма, ичма”, дейишар.  
Соғлиғимиз ўйлаб ташвиш чекишар.  
Асли гап майдамас, гап меъёрдадир,  
Баъзан ҳакимлар ҳам май буюришар.

15.11.1999.

Ҳәймийини ёнга мавзуди

95

Ҳазил – кишидаги ажайиб хислат.  
У бор жойда бүлмас ифво ва ғийбат.  
Ҳазилни ўрганинг, ҳазил кўтариш,  
Ҳазил кишиларни этади улфат.

18.11.1999.

96

Бола – ўғил ё қиз, гўё ёш ниҳол  
Ҳар хил “новда” берар – бу одатий ҳол.  
Бемаъни “новда”лар киркиб турилса,  
У тўғри ўсади – топади камол.

18.11.1999.

97

Дўстларимиз дўстлиги бўлади ҳар хил, дўстим,  
Дўстлашиб мақсадларин маъносини бил, дўстим.  
Ниятлари покларин, дўстлиги холисларин  
Дўстлигини қадрла ва чин дўст бўлгил, дўстим.

20.11.1999.

98

Ота-она билан муаллим, устод –  
Аллоҳдан кейинги яратгучи зот.  
Бирлари болага бағишлар вужуд,  
Бошқалари эса – ақл, заковат.

22.11.1999.

99

Дунё – жумбок тўла улкан бир китоб.  
Бир умр ўқиймиз уни бобма-боб.  
Баъзи жумбоклари осон, жўнгина,  
Баъзисин ечолмай бўламиз хуноб.

23.11.1999.

100

Жон ато этмоқлик – Аллоҳнинг иши,  
Умр белгилаш ҳам унинг юмуши.  
Нега ўз жонингга қасд қиласкансан?  
Жон олмоқ сенингмас, Аллоҳ ташвиши.

23.11.1999.

101

Ҳаёт қийногига чидаганлар – мард,  
Ўзини осганлар – қўрқоқ ва номард.  
Ўз жонига ўзи қасд қиласканларга  
Минг лаънат, минг лаънат, яна минг лаънат.

23.11.1999.

102

Соядек эргашар рўзғор ташвиши,  
Борми бу ташвишдан кутулған киши?  
Ташвишга қўл силтаб шодон яшайлик,  
Бу ҳам – боақллик, донолар иши.

23.11.1999.

103

Итнинг ёмон одати бор: олқишлиасанг қопади.  
Бундай одат баъзиларнинг феълидан жой топади.  
Шундайлар бор яхши ёки ёмонлигинг билишмас,  
Сенга қайраб қўйишсалар, “тишлагани” чопади.

15.12.1999.

104

Қалбимда барқ урсин тоза муҳаббат  
Ва олам кўринсин кўзимга жаннат,  
Кишилар атвори фариштасимон.  
Хукмронлик қилсин меҳру оқибат.

29.01.2000.

Xojaev.com

105

Дўстларимнинг бахти мен учун ҳам – бахт,  
Амал курсилари мен учун ҳам – тахт.  
Дўстлар қувончидан шодланмаганлар  
Қалбан бахиллару худбин ва бадбахт.

23.09.2000.

106

Маслақдошим, бу дунёмиз у дунёмизга баён,  
Ҳар бир эзгу ишларимиз жаннатилиқдан нишон.  
Бу дунёмиз бир кўзгуки виждан билан қарасанг,  
Жаннати ё дўзахимиз – унда бўлар намоён.

23.10.2000.

107

Тангрим, атворингдек атвор бер менга,  
Бир умр санолар айтайин Сенга.  
Қуёшнинг нуридек таралсин меҳрим  
Ўзбек, рус, араб, ҳинд, хитой, чеченга...

23.10.2000.

108

Эй тангрим, менга бер қуёшдек атвор,  
Иғво, тухматларга бардошли қарор.  
Яхшию ёмонга сочилсин меҳрим,  
Ёмон куйиб ўлсин такрор ва такрор.

30.10.2003

109

Ёримни ўхшатгум оқ буғдой нонга –  
Кўнгилга урмайди, тегмайди жонга.  
Куну тун ҳамроҳим, маслаҳатгўйим,  
Ундан ажралгим йўқ ҳатто бир онга.

01.11.2003.

110

Мониторга ўхшар инсонлар юзи,  
Унда зоҳирланар винчестер ўзи.  
Эътибор билан боқ – уқиб оласан  
Қалбида нима бор сўзланмай сўзи.

03.11.2003.

111

Мехринг жўшиб кетса, сақла меъёрни,  
Қаҳринг ошиб кетса, сақла меъёрни,  
Тобе кишиларга дакки берар чоғ  
Захринг тошиб кетса, сақла меъёрни.

07.06.2003.

112

Меъёр етса микдор ўтар сифатга,  
Шошилган ҳаракат элтар кулфатга.  
Оддий алоқада бўлган кишилар  
Вақт етиб айланар дўсту улфатга.

11.06.2003.

113

Муслим бўлиш – аста-аста.  
Ундан қайтиш бир нафасда.  
Гуноҳлардан сакланайлик  
Бўлиб ислом-ла пайваста.

10.11.2003

114

Нафақаҳўрлик ёши – умум белгилов,  
Ҳар бир кекса учун бўлолмас ўлчов.  
Тўқсон ёшдан ўтиб велосипедда  
Чопқиллаб юрганлар фикримга гаров.

29.11.2003.

115

Зиё истаганга зиёдир дунё,  
Иғво истаганга иғводир дунё.  
Ниятинг йўлдошинг бўлгуси кўп вакт,  
Хумо истаганга хумодир дунё.

07.01.2004.

116

Тўкин яшамокқа қилайлик ният,  
Шу йўлда сарфлайлик кўп, ҳалол меҳнат.  
Таъмагирлар қонун ўтида куйсин,  
Меҳнат ва ҳалоллик берсин барокат.

30.01.2004.

117

Мұхаббат инсонда энг азиз түйғу,  
Гарчи чектирса ҳам изтироб, кайғу.  
Севги савдолари ёзилар тошга,  
Хотирадан ўчмас, яшагай мангуду.

01.02.2004.

118

Агар жиноятлар қолса бежазо,  
Ақл аҳкомлари топарди қазо.  
Ер юзин эгаллаб жиноятчилар,  
Галдаги мўлжали бўларди фазо.

08.08.2006.

119

Ҳаёт бу – функция, ҳаёт – харакат,  
Инсон харакатдан топар баракат.  
Тангirim, ётқиликни кўрмагил раво,  
Ҳаракат қила-ю, топай баракат.

08.08.2006.

120

Сабрни дейишар имоннинг ярми,  
Шукр ҳам сабрдек имоннинг ярми.  
Сабру шукрлилар имони бутун,  
Уларга равомас имоннинг ярми.

06.02.2006.

121

Икки бойлик эгасини хор қилмайди,  
Бошқаларга муҳтоҷ, муте, зор қилмайди.  
Бири илм, иккинчиси яхши хунар,  
Иккисига омадсизлик кор қилмайди.

12.03.2006.

122

Киши фазилатин аълоси – имон,  
Имонли кишилар – ҳакиқий инсон.  
Агар имонсизлар йўқ бўлишганда,  
Жаннат бўлар эди жумлаи жаҳон.

21.04.2006.

123

Ҳаромхўрлар: “Ҳаром емай яшаб бўлмас”, дейишар,  
Ва шу билан ҳаромхўрлик либосини кийишар.  
Мехнатсевар, пок вижданли миллионлаб кишилар  
Ҳалол топиб эл қатори яшамокни суйишар.

28.05.2006.

124

Жонсиз нарсаларнинг азизи – китоб,  
Ундан таралар нур гўёки офтоб.  
Устоз ўргатмаган билимларни ҳам  
Бизга ўргатади китоб бобма-боб.

12.06.2006.

Ҳаётимиз ёғус монанди

125

Мұхаббатнинг “инчи”си бұлмас  
“Инчи” севги бу севги эмас.  
Аллоҳ битта, мен, севгим – битта  
“Инчи” севги менга ярашмас.

15.07.2006.

126

Алданиб қолишилик энг ёмон ҳолат,  
Алдамчилик эса катта жиноят.  
Сүзим ва ишимнинг бир бўлишига  
Ҳар бир масалада айладим одат.

22.08.2006.

127

Ота-она – ўтмиш, фарзанд – келажак.  
Бахтинг фарзандга ҳам боғлиқ бўлажак.  
Улар соғлом ўсса, оқил, имонли,  
Кексайганда баҳтинг тўлиқ бўлажак.

06.09.2006.

128

Хайём, Саъдий, Бедил, ҳазрат Навоий  
Тутдилар қўлимдан, бўлдим фидоий.  
Ёзганларим маъқул ёки номаъқул,  
Ҳаётий хulosам – ҳар бир рубоий.

14.11.2006.

129

Яхшилик эшигин очмоқлик қийин,  
Ёмонликдан йироқ қочмоқлик қийин.  
Қалбинг мұхаббатга тўлиб-тошса ҳам,  
Мехринг дурларини сочмоқлик қийин.

26.07.2007.

130

Душманим ўлганмиш. Кўнглим ўсгайми?  
Дунё менга қолиб умрим ўсгайми?  
Ҳар кимнинг дунёси ўзига насиб,  
У дунёга рихлат йўлим тўсгайми?

20.05.2008.

131

Душманим ўлганмиш. Ўлса ўлибди.  
Ўлим қайси қалбга қувонч солибди?  
Душмансиз хотиржам ўтажак умрим,  
Қани ким айтади, қанча қолибди?

27.05.2008.

132

Ақл инсон учун энг муқаддас баҳт.  
Бизга насиб этар бойлик, обрӯ, тахт.  
Ақл илм олиш билан бойигай,  
“Ўқиш” бизга шиор, бизга аҳду шаҳд.

03.08.2008

133

Қабристонни бузиш – гуноҳи азим,  
Ўлганлар руҳига тескари таъзим.  
Бундай ваҳшийликни маданиятли  
Ҳатто бирон киши қилолмас ҳазм.

25.12.2008.

134

Ўзgartмай кийилар кийим – бу кафан.  
Бошқаси ўзгарар, олаверинг тан.  
Диний холосалар ўзгармас, қатъий.  
Муттасил ўзгарар илм билан фан.

25.12.2008.

135

Бойлик губор бўлиб тўssa кўзингни,  
Юролмайсан тутиб тўғри ўзингни.  
Губорингдан кибр ҳиди сасийди,  
Ҳеч ким ёқтирмайди айтган сўзингни.

25.12.2008.

136

Аллоҳ бунёд этгач Одам Атони,  
Унга ҳамроҳ этди Момо Ҳавони.  
Иккисин жуфтлиги барпо айлади  
Миллиардлаб ҳам ўғил, ҳам қиз болани.

25.12.2008.

137

Ҳисоблаб олтинни бойликнинг шоҳи  
Интилар кишилар гадоси, шоҳи.  
Қаҳатчилик даври бир бурда нонга  
Алишмаслар олтин мисқолин гоҳи.

25.12.2008.

138

Жамоасидан гар қувилса инсон,  
Билгинки, атвори ёмондан ёмон.  
Ғамхўрлик кўрсатиб бундай малъунга  
Ҳакорат эшитиб килмагин армон.

26.12.2008.

139

Фақат меваси-чун экилмас дарахт.  
Мевасизлари ҳам топишади “баҳт”.  
Фарзандинг бўлмаса, етимпарвар бўл,  
Оталик тахтидан топа олгунг тахт.

26.12.2008.

140

Аёллар зотидан кам топдим вафо,  
Күпи хиёнатга бўлган мубтало.  
Оғзида “вафо”ни тўхтамай сўзлар,  
Аммо дилидаги мақсади – зино.

26.12.2008.

141

Жумбоқдан иборат аёл дунёси,  
Сира тугамайди макру ҳийлоси.  
Берган ваъдалари – кўзингга парда,  
Минг бор алдансанг ҳам бўлмас адоси.

26.12.2008.

142

Ёр ёрмас “Ёрингман” дейиши билан,  
Ёр ёрдир ёрона қилмиши билан.  
Соғу касалингда, йўғу борингда  
Ўзини ёрона тутиши билан.

26.12.2008.

143

Давлат функциясин бажаролмаса,  
Ёмонлар омади чопади роса.  
Яхшилар топгани тегмай ўзига,  
Рўзғори бўлади “окармас коса”.

26.12.2008.

144

Умримнинг баҳори, ёз, кузи ўтди.  
Энди эса навбат қишига етди.  
Изғириналар юлқиб баргу гулларим,  
Танам сўппайтириб қолдириб кетди.

27.12.2008.

Заёминнинг ёнга мурожа

145

Тулкини ҳийланинг пири дейишар.  
Шундай ўйлаганлар хато қилишар.  
Ҳийлада аёлдан устаси борми?  
Алданиб қолганлар яхши билишар.

27.12.2008.

146

Ёримдан қидиргум Зухроча вафо,  
Күролсам жонимни этардим фидо.  
Бир бор хиёнатта ташласа қадам,  
Минг бор ундан ўзим айлардим жудо.

27.12.2008.

147

Бешиктебратарга тебраниш – одат.  
Кунлаб тебранишга топади тоқат.  
Тебраниш унинг-чун яшашга гаров,  
Тебранмасдан қандай топади овқат?

28.12.2008.

148

Агар ёрингни кўрсанг ўзга эркак бағрида начор,  
Солиб мушт, айла озод чекмасин қалби уят, озор.  
Агар ёринг қучогида кўрарсан ўзга эркакни,  
Бу ёрнинг баҳридан ўт, тутма ёр зинҳор ва зинҳор.

28.12.2008.

149

Ўлим – ҳак. Агар сен бўлсанг чин инсон.  
Мардона карши ол, айлама гирён.  
Ўзингни монанд тут. Ўлим биз учун  
Хаёт белгилаган сўнгги имтиҳон.

29.12.2008.

150

Кучоғингга сиғар фақат битта ёр.  
Икки ёрга умид айлама зинҳор.  
Куруқ қолиб ёрнинг иккаласидан,  
Ёрсиз, бева қолиб бўлма хору зор.

29.12.2008.

151

Аёллар ҳам фариштамас, айб қилар гоҳ-гоҳ.  
Кечирамиз қилмишидан бўлишиб огоҳ.  
Аммо битта гуноҳи бор – эрга хиёнат,  
Бу гуноҳни кечиришнинг ўзи зўр гуноҳ.

30.12.2008.

152

Аёлларда бордир ҳақиқий вафо,  
Ор-номус, садоқат, уят ва ҳаё.  
Тобинг қочиб қолса, бўлиб парвона  
Тайёрдир жонини қилишга фидо.

01.01.2009.

153

Оинанинг юзи тоза, бегубор.  
Уни хира қилар ётишган губор.  
Онадан бегубор туғилар бола  
Ва ўзини ўзи қилар гуноҳкор.

02.01.2009.

154

Жамиятда гўдакларнинг tengdir мақоми,  
Катта бўлгач фарқланади ўрни, мароми.  
Баъзилари ўтказишар рўзгорин зўрға,  
Баъзиларин кўлларида тўла баҳт “жоми”.

02.01.2009.

155

Қора эди менда соч, соқол ва қош,  
Умрим ўтиб бориб улғайганды ёш  
Бир ҳолатни сездим – улар ранглари  
Кафанинг рангига бўлмоқда рангдош.

02.01.2009.

156

Отлар галасига ўхшайди инсон,  
Чопагонлик унга доим имтиҳон.  
Илғорларга тоза ҳаво насиба,  
Колганларга насиб ғуборли тўзон.

02.01.2009.

157

Тор этикни кийиб олганинг чатоқ,  
Оёқда яратар оғрикли қадоқ.  
Кўнглингни кенг қилгин, токи феълингда  
Инжиқлик бўлмаса яхшидир қандоқ.

02.01.2009.

158

Қайси касб яхшию қайсиси аъло?  
Бунга жавоб бериш – кийин муаммо.  
Қайси касб ҳалол ва кўп фойда берса,  
Шу касбга интилиш – тўғри муддао.

19.01.2009.

159

Дейишар дунёни “Ўткинчи дунё”.  
Бундай холосадан топмадим маъно.  
Асли биз – ўткинчи. Дунё турғунроқ.  
Қай холоса тўғри, қай бири хато?

17.04.2009.

160

Кишилар бор, колдиришар доим яхши иш,  
Кишилар бор, қолдиришар иғво ва ташвиш.  
Бу дунёмиз ўткінчимас, ўткінчи – бизмиз,  
Бизга фақат яхши ишлар бўлсайди юмуш.

25.04.2009.

161

Қалдирғочни дейишади: “Энг беозор қуш”.  
Айтинг, нени тамаддига кўрар экан хуш?  
У вахший-ку. Дон емайди. Яшамоги-чун  
Миллионлаб ҳашаротни гум қилиш – юмуш.

25.04.2009.

162

Тўнғиз ҳам, одам ҳам ағдаради ер,  
Лекин ким иккисин бир хил – “дехқон” дер?  
Дехқон экиб ейди меҳнат ҳосилин,  
Аммо тўнғиз эса экмай текин ер.

18.10.2009.

163

Одам зотиданман ва олий бурчим –  
Одамнинг зотини эттириш давом.  
Авлодимга яшаш тарзин ўргатсам,  
Бурчим бажарилар тамом, вассалом.

28.04.2012.

164

Инсонлик имконим ва меҳнат боис  
Инсонга айландим – мен-чун олий баҳт.  
Инсонлик мақоми биз эгаллаган  
Энг юкори ўрин – олий тожу тахт.

28.04.2012.

165

Инсон сифатида мұқаддас бурчим  
Инсон бахти учун курашиш фақат.  
Инсон бахтсизлигин омилларига  
Үруш зълон қылгум, жангки бешафқат.

26.07.2012.

166

Фан билан дин кишиларга қүшалоқ қанот,  
Улар боис инсон ақли гүё учар от.  
Учқиларда учмоқдамиз осмон бағрида,  
Энди бизга яқын бўлди узоқ коинот.

12.09.2012.

167

Ажойиб жамият қурдик: улкан, зафарлар қучар,  
“Афросиёб” поёздимиз шамолдан тезроқ учар.  
Ўн беш йилдир қишлоғимда газни узиб қўйишган.  
Киш. Электр бир вақт ёнса, икки вақт ёнмай ўчар.

01.12.2012.

168

Қадимдан келмоқда ажиб бир нақл,  
Аллоҳ суйганига берар кўп ақл.  
Тангрим бир ўтингим – майли бўлмай бой,  
Аммо ҳеч бўлмайин нодон, беақл.

04.01.2015

169

Отам билан онам – икки қанотим,  
Ҳар бир болам эса меҳнаткаш отим.  
Қанотлар таянчим, этаман парвоз,  
Фарзандларим солиҳ – жаннат ҳаётим.

10.01.2015.

170

Осмонимиз тез-тез булатли бўлсин,  
Ҳаёт томчилари сепилиб турсин,  
Ҳар неки кўкарган бўлишсин серавж  
Ва омборларимиз ҳосилга тўлсин.

23.01.2015.

171

Билмаганим билганлардан ўрганмасам – баҳилман,  
Билганларим ижро чоғи қўлламасам – баҳилман,  
Неки билдим – бойлигимдир, хазинамга қулф уриб,  
Билишни истаганларга ўргатмасам – баҳилман.

31.01.2015

## ТҮРТЛИКЛАР

### Энг тетик кишилар (Хазил)

Энг тетик кишилар шоирлар фақат.  
Юз ёшда ёр танлаб сүя олишар.  
Оғзида тиши йўқ, белида кувват,  
Аммо ёр ишқида куя олишар.

19.05.1988.

### Яхшидан яхши

(Тилишунос талабаларга таҳлил учун матн)

Яхши. Бу – яхши-да, яхшидан яхши.  
Бормикан яхшидан яхшироқ яхши?  
Бўлмаса яхшидан яхшироқ яхши,  
Яхши шеър, яхши куй, ижрочи яхши.

25.05.1998.

### Осон ва қийин

Сўрадилар: «Айтинг, нима осон экан дунёда?»  
Жавоб бердим: «Оқилларга ақл бўлиш – ўргатиш».  
Сўрадилар: «Айтинг, нима қийин экан дунёда?»  
Жавоб бердим: «Аҳмокларнинг буйруғини бажариш».

09.11.1999.

### Ҳаёт

Ҳаёт ҳам лаззатли, ҳам машаққатли,  
Машаққат лаззатта бўлади асос.  
Бир умр машаққат чекиб ўқиймиз,  
Умр ўтказамиш оқилларга хос.

23.11.1999.

## **Иштиёқсизлик**

Билимга иштиёқи йүк талаба,  
 Тескари экилган қаламча мисол.  
 Муаллим меңнати – унган куртаклар  
 Юқорига ўсмас, топгайдир завол.

16.02.2000.

## **Жұровоз**

(*Машхұр хонанда Күмүш Рассоқованың “Емғір ёғади майды-майдалаб” құшиғидан “шләомланиб”*).

«Майда» сүзин қирқ түрт бор тақрорласаң қүшиқ бүлар,  
 Бамисоли новдаларни түқиворсанг қошиқ бүлар.  
 Шундай қүшиқ оқангита жүр бүлишиб, жүшиб-тошиб,  
 Чұлу күлда чүлбакаю күлбақалар ошик бүлар.

21.04.2000.

## **Умр**

Ота, она сабаб киши  
 Бир умрлік умр күрар.  
 Устозлари сабаб киши  
 Бир дунёлик умр күрар.

30.09.2000.

## **Фармон ва ижро**

Сарой шоирларин асарларини  
 Үқитмаслик учун берилған фармон.  
 Сталин ҳақида ода ёзилған  
 Ва Ғафур Ғуломга берилған унвон.

18.05.2002.

Дәймилиниң өнер мекемесі /

## **Истак**

(Ҳамкасбим Тожихон Тұрабоевага)

Кирқ беш ёшингиз бўлсин муборак,  
 Бизга байрам бўлди Сиз туғилган кун.  
 Үтгани дебоча, қолган умрингиз  
 Үтганидан юз бор мазмунли бўлсин.

16.09.2003.

## **Хуноб иш**

Минглаб ўқувчию талабаларни  
 Яхши тарбиялаб муродга етдим.  
 Аммо тарбиялай олмай ўзимни,  
 Тўғрисини айтсан, хуноб бўб кетдим.

18.07.2007.

## **Аёллар ақли зўри**

(Ҳамкасбим Ҳуринисо Усмонованинг докторлик  
 диссертациясини ҳимоя қилиши муносабати билан)

Олима аёлларнинг баҳтлиси, ақли зўри.  
 Наманганда иккинчи филологлар доктори.  
 Меҳнатингиз маҳсули илм хазинасига  
 Гавҳар бўлиб кўшилсин, бўлсин барака-қўри.

21.05.2007.

## **Қалқон**

Қоғоз ходимларга зўр зирхли қалқон,  
 Ҳайфсан “снаряд”и уни тешолмас.  
 Ҳимоянинг барча воситалари  
 Қоғознинг олдида “ипак эшолмас”.

29.07.2007.

## ФАРДЛАР



1

Кексалик – ақлнинг тўлиб пишгани,  
Унда мужассамдир мукаммал маъни.

4.01.2008.

2

Мухаббат қай қалбни айлади макон,  
Шу қалб соҳибини этар чин инсон.

03.12.2008.

3

Фарзандинг боақл – ўстирдинг бола,  
Фарзандинг беақл – ўстирдинг бало.

04.12.2008.

4

Гарчи арслон бўлса-да ваҳшийлар зўри – шоҳи,  
Уюшган гиенлардан қочади гоҳи-гоҳи.

12.12.2008.

5

Унвонлар ичida “Ҳазрати инсон”  
Дунёда тенги йўқ энг улуғ унвон.

16.12.2008.

6

Чаёндан сўрадилар: “Айт, нега думинг эгри?”.  
Жавоб берди: “Айтинг-чи, жисмим қай бири тўғри?”.  
26.12.2008.

Jaem.uz - Узбек тили

7

Бу – тақдир, ким нени гар айласа хор,  
Оқибат үшанга бўлажакдир зор.

27.12.2008.

8

Тегаркан деб уйланма ёшга,  
Фавро солма кексайган бошга.

29.12.2008.

9

“Тўгри” эр гар “эгри” хотин-ла ҳамдам,  
Хаёти кечади бўлиб жаҳаннам.

30.12.2008.

10

Самарали иқтисод  
Яратгай тўкин ҳаёт.

10.03.2009.

11

Тинчликка интилган – раҳмати инсон,  
Жанжалга интилган – лаънати инсон.

23.03.2009.

12

Чолғу асбобига ўргатилган қўл  
Килич ва милтиқقا қидирмайди йўл.

25.03.2009

13

Кишилар нимани аташди бойлик  
Инсон меҳнати-ла бўлгай чиройлик.

28.03.2009.

14

Илм олмоқ фақат инсонга хосдир.  
Бу баҳтни билмаган бебаҳра касдир.

28.04.2009.

15

Неники ўзингга кўрмадинг раво,  
Уни ўзгага ҳам тилама асло.

01.05.2009.

16

Ким агар қуёшга ёпар эшигин,  
Табиб хизматига очар эшигин.

02.05.2009.

17

Менга на кошона, на амал ҳавас,  
Соғлиғиму илмим бут бўлса, шу – бас.

27.05.2009

18

Ёмонлардан ҳамма вакт ҳам узоқ туттил ўзингни,  
Салом-алик канда қилма, лек айтма сир сўзингни.

26.06.2009

Ҳар ҳодисаки бор ибтидоси,  
Албатта бўлажак ўз интиҳоси.

10.01.2015.

Қаю неъмат ёқимли ва шириндир,  
Унинг жисмида меҳнат яшириндир.

10.01.2015.

## ҲИКОЯЛАР

### САОДАТ КАЛИТИ

(Туркум ҳикоялар)

“Ҳамид, рост айтасан, киши қариса эзма,  
насиҳатгүй бўлиб қоларкан”.

F. Гулом

Академик шоир Faфур Гуломнинг Ҳамид Олимжонга айтган мазкур сатрларини мактабимиз адабиёт ўқитувчisi, шоир Ўқтам Мирзо бизга дарсларининг бирида сўзлаб берган эдилар. У вактда биз ўқувчи, бу сатрлар маъносини ҳозиргидек тушуна олмаган эканмиз. Энди эса ўзимиз ҳам, тангрига шукр, севимли шоирларимиз ёшлирга етдик ва Faфур Гулом айтгандек эзма, насиҳатгүй бўлиб колаяпмиз. Гуё ҳаётий тажрибаларимиз бекиёс аҳамиятта молик бойлигу улардан барча баҳра олса, фойдаланса. Биз эса шу билан шояд савоб сохиби бўлсак.

### Отам ҳадя этган калит

Мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юрган кезларим. Дарсларимиз куннинг иккинчи қисмида бошланар ва кечга яқин тугар эди. Дарсдан қайтаётib маҳалламиз масжидига ўн-үн беш қадам етмасдан ариқ бўйидаги суволғичда бир ўрам пуллар ёттанини кўрдим ва югуриб бориб уларни кўлимга олдим. Булар 1947 йилдан муомалага киритилган СССРнинг олти-сакказтacha беш сўмликлари эди. Барча болаларда бўлгани каби менда ҳам бирон нарса топиб олсанм, ўта кувониб кетиш одати бор эди. Пулларни чўнтағимга солдиму, уйимга чопдим. Ўта хурсанд киёфада топиб олган нарсамни отамга бердим ва раҳмат кута бошладим. Отам пулларни кўлимдан олиб санаб кўрдилар ва қаердан олганимни суриштира кетдилар. Уларни кандай топиб олганимни шошилмай тинглагач, менга уларни қаердан топиб олган бўлсанм ўша ерга қўйиб келишимни буюрдилар. Менга бу тогшириқни бажариш сира ёқмаса ҳам отамнинг сўзларини қайтаришга ўрганмаганим учун изимга жўнадим. Масжид рўбарўсида ўртоғим Турсунбойнинг оналари Сиддика холам мендан:

– Ўғлим, эҳтиётдан сўраяпман, йўлингда ерга тушиб ётган пул кўрмадингми? – деб сўрадилар.

Мен пул билан боғлик ҳамма воқени Сиддиқа холамга гапириб бердим ва чўнтағимдан уларни олиб холамга узатдим. Сиддиқа холам менга:

– Ўғлим, қарилик курсин. Суволғичда юз-қўлимни ювдим, ачамларга олиб кетаётган пулларимни рўмолчамга ўраб олган эдим, уларни суволғичга қўйиб рўмолчамни бўшатдим ва юз-қўлимни артдим. Артиниб бўлгач, пулни рўмолчамга ўрамасдан қўйган жойимда қолдириб кетаверибман. Ачамга пулларимни берайин десам, қўлимда рўмолчам бору, пул йўқ. Шошилиб йўкотган пулларимни юрган йўлларимдан кидириб кетаётган эдим. Яхшиямки сен топиб олибсану отангта айтибсан. Агар бошка бирор топиб олганда пулларимдан ажраб қолар эканман. Отанг мадрасада ўқиган илмли ва ҳалол одамлар-да, сен топиб олган пулдан ҳазар қилганлар. Энди, ўғлим, менинг Турсунбой ўғлимга жонажон ўртоқ бўласан. Қани, қўлингни оч, – дедилар ва отам билан мени узоқ дуо килдилар. Улар бизга шундай тилаклар тиладиларки, бу дуолар менга пул топиб олганимдагидан кўра кўпроқ қувонч бағишлади.

Топган пулларимни эгасига топшириб келгач, отам мендан топшириклари натижасини сўрадилар. Мен уларга пулни эгасига берганим ва Сиддиқа холам бизни узоқ дуо қилганларини гапириб бердим. Шунда отам менга:

– Ўғлим, ҳалол бўл. Ўзинг меҳнат қилмасдан кўчадан топиб олган нарсаларингни уйга олиб кирма. Ҳалоллик – баҳт эшигини очадиган калит. Менинг бу гапларимни бир умр эсингда сакла ва унга амал қил, – дедилар.

Отам менга бу топширикни топширганларида ҳали болакай эдим, энди эса ёшим етмишдан ўтди. Аммо отамнинг мазкур топширикларини ҳалигача бирон марта бузганим йўқ ва бутун умрим давомида унга амал қилиб келаяпман. Ҳалол даромад топиб ҳам эл қатори, ўртacha яшаш мумкинлигига аллақачон қаноат ҳосил қилганман. Ҳаётим давомида шунга кўп марта амин бўлдимки, бу ҳалол бўлиш ҳақидаги топшириқ шунчаки топшириқ эмас, балки отамнинг менга ҳадя этган кўнгиллар кулфини оча оладиган саодат калити экан.

Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимда менинг келажакда ким бўлишим борасида отам ва онам истаклари икки хил эди. Отам тикувчи уста Мулла Иньом буванинг таъсиrlарида мени келажакда тикувчи уста бўлишимни, онам эса ўқитувчи қўшнимиз Аҳмадали ака тимсолида ўқитувчи бўлишимни орзу килишар эди. Менинг эса қалбимнинг тўрида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиш орзуси ўрин олган эди. Отам тикувчилик касбининг ҳалоллиги, меҳнат шароитининг сингиллиги, даромадининг мўътадиллиги ва касб обрусилинг юкорилигини таъкидлар эдилар. Онам эса ота ва оналарининг эски мактабда ўқитувчилик килишгани ва менга бу касб бобомерос эканини, ҳалоллигини ва биронта ўқитувчи жиноят қилиб қамалмаганини, қўшнимиз Аҳмадали ака эса кўп ойлик олишини ва бир ойлигидан саксон сўмга хиром этик сотиб олгани. бундай этикни анчайин амалдорлар ҳам кия олмаслигини, энг муҳими, ўқитувчиларни ҳамма ҳурмат қилишини айтар эдилар. Ана шундай таъсиrlар туфайли менда бир бутун уч истак пайдо бўлган эди: ҳунар эгаллаш, касб эгаллаш ва бирон бир чолғу асбобида куй чала билиш.

Оиламиз камбағал яшар эди. Отамнинг бир ўzlари жамоа хўжалигида табельчи, кассир, омборчи ва кейинги йилларда жамоанинг оддий аъзоси булишиблар эдилар. Улар қарамоқларида оталари, оналари, турмуш ўртоқлари, икки қиз ва уч ўғил – беш фарзанд, жами саккиз киши бокиманда эдик. Уруш йилларида Оминахон опамни турмушга узатишган. Кейин оналари, оталари ва синглим Санобарлар бирин-кейин вафот этишган. Бу маросимлар шундай ҳам зўрга қайнаб турган рўзгор қозонини янада суюқлаштириб юборган эди. Эсимда, синфдошларимнинг оталари биз олтинчи синфга кўчган вактимиздаёқ ўғилларига эшак олиб беришган эди. Улар ўрган ўтларини даладан эшакка юклаб келишганда мен орқалаб кўтариб келар эдим. Ва, ниҳоят, саккизинчи синфи тугатганимда отам менга янги велосипед совға қўлдилар. Шу велосипедда қўшни қишлоққа ўқишга катнаганман. Ўрта мактабни тутатганимдан кейин битириш кечаси ташкил этилган эди. Унга кийиб бориш учун янги рок кийимим йўқ эди. Шунинг учун кечага поччамларнинг кексалар киядиган оддий ипак кителларини кийиб борганман.

Мактабнинг юқори синфларида ўқиган йилларимда

рўзғоримизга сал барака кира бошлади. Бунга икки сабаб бўлди: биринчиси, мен отамнинг ёнларига кирдим – бешинчи синф ёшимданоқ жамоа хўжалигининг аъзоси бўлиб ишлай боштаганман. Ишлаганим учун меҳнат ҳақи олар эдим. Бундан ташқари дехқончилик ҳам қиласр эдим. Бир йили бригадир Аҳмаджон бува менга уч сотих шоли сепадиган ер берган эдилар ва шундан бошлаб дехқончилик қилиб уйга шоли олиб кела боштаганман. Иккинчиси, бунга энди ақлим етади, отамнинг қарамоқларидағи бокимандалар тўрт кишига қисқарган эди. Энди отам ва менинг топғанимизни оиласизнинг беш аъзоси истеъмол қиласр эдик. Натижада оиласизнинг бир дона қўй сотиб олишга қурби етди.

Отам ўшанда кўпаядиган совлиқ эмас, семирадиган кўчкор сотиб олган эдилар. Бунда уларнинг ўз мўлжаллари бор экан – ўша вактда куёв томон келин томонга кўчкор берар экан ва, ҳар эҳтимолга қарши, менинг тўйимни мўлжаллаб кўйган эканлар.

Мактабнинг етуклиқ аттестатини олиб келганимдан кейин отам ва онам мени ёнларига чакиришди ва менга отам:

– Ўғлим, битта кўчкоримиз бор. “Ўқийман” десанг, сотиб пул қилиб бераман, “ўқимайман” десанг тўй қиласизу юкка бераман, – дедилар. Менда учинчи йўл – ҳарбий хизматта кетиш йўли йўқ эди.

Сабаби, ўнинчи синфда ўкиётган йилим мактабимиз бизни ҳарбий комиссариатга тиббий кўрикка жўнатди. Кўрик тугагач, ҳайъат раҳбари мени ёнига чақириди ва менга:

- Ўғлим, отанг сени уйлантираман демаяптими? – деб сўради.
- Отам эмас, онам уйлантираман деяптилар, – дедим.
- Уйлансанг бизни ҳам тўйга айтасанми? – сўради офицер.
- Албатта, айтаман.
- Баракалла, ўғлим, омадингни берсин.

Комиссия иши натижалари эълон килиниб, ҳаммага жавоб берилди. Аммо менинг қариндошим, ҳаммаҳаллам ва синфдошим Аҳмаджон aka ва менинг фамилиямни ўкишмади. Бирон соат вакт ўтиб ҳамма тарқалгач, бизга ҳарбий комиссариат кўчасида уюлиб ётган лой уюмларини юк машинасига юклаб тўкиладиган жойга тўкиб келишини буюришди. Менинг ҳеч нарсага ақлим етмади, аммо мендан тўрт-беш ёш каттароқ Аҳмаджон aka ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Топширикни бажариб келганимиздан кейин иккаламизга қизил рангли ҳарбий

билет беришди. Билетни олгач, шаҳар кўчаси бўйлаб пиёда уйга жўнадик. Йўлда келаётгиб Аҳмаджон ака ҳарбий билетларини ҳамма варакларини ўқиб чиқдилар. Кейин менинг билетимни ҳам ўқий бошладилар ва бирдан юришдан тўхтаб мендан:

- Чўлоқ эмасмисан? – деб сўрадилар.
- Йўқ, мени кўрмаганмисиз? – дедим.
- Йўқ, мен-ку биламан, лекин ҳарбий билетингта шундай статья кўйибди-да.

– Қани, берингчи. Қандай билдингиз? – сўрадим. Аҳмаджон ака менга ҳарбий билетимнинг тегишли сахифасидаги ёзувни кўрсатдилар. Унда мен 64-б ракамини ва “Годен к нестроевой службе” деган иборани ўқидим. Шеригим мендан қўлларимни кўрсатишими сўради. Қўлларимни синчиклаб кузатгач:

– Топдим нимага сени ҳарбий хизматга олмаганини, – деди ва қўлимнинг бўғинларини кўрсатди. Эътибор билан қарасам, чап қўлимнинг иккита бўғини бироз эгри экан. Уларнинг носозлиги шу даражада сезиларсиз эдик, буни ҳозиргacha ўзим сезмагандим. Элас-элас эслайман, болалигимда сўри тепасига юмалок қилиб йигиб қўйилган кўрпалар устидан устуннинг паштангига йиқилиб тушган эдим. Ушанда қўлларим бўғинлари лат еган бўлса керагу, табиб ёки шифокорга кўрсатилмагани учун эгри битиб қолган бўлса керак.

Ота-онамнинг саволларига ўкишга бориш ниятим борлигини айтиб жавоб бердим.

Мактабдаги романтик даврлар. Биримиз Ўрта Осиё давлат университетига, биримиз Тошкент медицина институтига, яна биримиз Самарқанд олий ўқув юртига ўкишга боришни орзу қилас өдик. Ушанда ўкишнинг иқтисодий шароитлари ҳакида сира ўйлаб кўрмаган эканман. Энди эса мен учун энг мақбул ўқув юрти бу йўлкира тўламай велосипедда бориб ўқиб келса бўладиган Наманган пединститути эди. Бу ўқув даргохи факат менгагина эмас, деярли барча синфдошларимга ҳам маъқул тушган. Мактабимизнинг ўқув мудири бизга маслаҳат бериб:

– Иккитанг филолог бўл, иккитанг математик бўл. Шунда туртталанганта мактабимизда дарс етади. Бошқа соҳаларни қўй. Битирганинг билан мактабимизда ишлай олмайсан, – деди.

Ўқув бўлими мудирининг маслаҳати билан синфдошларим Мирзаабдулла билан Олимжон ўзбек филологияси, Собиржон билан мен математика факультетларига хужжат топширдик. Ҳар

куни тұртталамиз бирга велосипедда институтта имтихонолди консультацияларига қатнай бошладик.

Математикадан ёзма имтихон бұладиган куни, одатдагидек, әрталаб Собиржоннинг уйига бордим. У уида йүк экан. Далага от құшгани ишга кетибди. Даласига бориб бошлаб келдим ва у ювиниб-кийингач, биргаликда имтихонга бордик. Ҳужжатларимизни күрсатып ёзма иш үтәётган аудиторияга кирдик. Үқитувчи бизни олдинги бүш жойтарға үтқазды. Мен ҳали досқадаги масала ва мисолларни варагимга күчирип улгурмай олди абитуриентлар ёзма ишларини топшира бошладилар. Мен шоша-пиша битта мисол ишлашга улгурдым, холос. Масала ечишни энди бошлаган эдим, үқитувчи ишларимизни йигиб олди. Афсус, қанчалар ечилиши осон масала ва мисоллар әди. Қани энди бирон соат вақт берилса-ю ҳамма масала ва мисолларни ишлаб берсам. Собиржон, ақалли досқадаги масала ва мисолларни варагига күчирип ҳам қўймади.

Уч кун ўтгач, иккаламиз ҳам ёзма имтихондан “коникарсиз” баҳо олганимизни билдик. Шундай қилиб мен онамнинг орзуларини амалга ошира олмадым. Институтдан мен хафа. Собиржон эса хурсанд қайтиб келдик. Собиржон нега хурсанд бўлмасин. Агар ўкишга кириб қолса отаси яхши қўрган кизини ҳали-вери олиб бермас ва қизнинг ота-онаси уни бошқа йигитга турмушга узатиб юборишлари аниқ әди-да.

Ўкишга киришга уринган тўрт синфдошлардан биттаси – Мирзаабдулла имтихонлардан ўта олди, холос. Собиржоннинг иши тайин, Олимжонни ўкув мудири мактабга ишга оладиган бўлди, бир мен “кўча” да қолдим.

Хунар ўрганиш мақсадида иш излаб йўлланма олиш учун Наманган вилоят комсомол ташкилоти идорасига бордим. Ташкилот бошлиғи хонаси эшигига “Биринчи котиб Р. М. Мухаммаджонова” деган ёзувни кўрдим. “Ие, бу Равиля опам эмасмикан” деган фикр хаёлимдан ўтди. Равиля опа менинг кариндошим – биз ога-иниларнинг набиралари бўламиз. Тошкент Давлат университетини битирган олий маълумотли мутахассис. Мен уларни танийману, улар мени танимасалар керак. Шундай хаёл билан эшикни тақиплатдим. “Киринг” деган овозни эшигтгач, хонага кирдим. Қаршимда кариндошим Равиля опам ўтирас эдилар. Мени танимадилар ва мен ҳам ўзимни танитмадим. Ниятимни айтдим. Менинг олдимда Наманган

шахридаги Куйбишев номидаги тиқувчилик артели комсомол ташкилотининг биринчى котибига телефон қилиб мени ишга олишини сўрадилар. Артель котибининг, афтидан уларга ишчи кучи зарур шекилли, бу таклиф учун миннатдорчилик билдиргани телефондан эшитилиб турарди ва мен комсомол йўлланмаси билан ишга бордим. Кейин менга Олимжон ҳам қўшилди. Иккаламиз астойдил тиқувчилик касбини ўргана бошладик.

Ишхонадаги уста-шогирд муносабатлари ажойиб ташкил этилган эди, яъни биз шогирдларни биронта устага боғлаб қўйишимаган. Исталган ишчи исталган шогирдга иш буюраверар эди. Биз шогирдларнинг ўз тиқув машиналаримиз бўлмагани учун тиқувчиларга машинасиз бажариладиган ишларга ёрдам берар эдик. Бир воқеа эсимда қолган, бир куни менга бир уйчилик ишчи фуфайка белбоғини ағдариб туришни буюрди. Бу ишни рус тилида “виворачивать” дейишар экан. Мен уни “обарачивать” деб юборибман. Бу гапим учун ўзбек ва рус кизлари роса кулишган эди. Бироз вақт ўтиб, машина билан мулоқот қилишни ўрганиб олганимиздан кейин баъзи усталар зарур ишлари чиқиб қолса машиналари тўхтаб турмасин учун маълум вақтга ўз иш ўринларини бизга бўшатиб бера бошладилар ва биз машинада улар ишларини давом этдирад эдик.

Олти ойлик шогирдлик муддати ўтгач, биз ишчига айландик ва бизга ҳам энди иш нормаси белгилаб қўйилди. Ишхона одатига кўра янги ишчиларга эски машиналар тегар экан. Биз кўпроқ ишлашга ва кўпроқ пул топишга ҳаракат килар эдик.

Цехимиз ҳар куни эрталаб соат тўққизда очилади. Цех бошлиги келиб эшик кулфларини очмагунча ишга келганлар кутиб ўтиришарди. Кечқурун эса иш вақтини яrim, бир, бир яrim, баъзан ой ва квартал охирларида, икки соатга ҳам чўзиш мумкин бўларди. Иш вақтининг меъёрдан ортиқ чўзилишини артель маъмурияти ҳам, ишчилар ҳам хоҳлар эдилар – артельнинг ишлаб чиқариш режаси ортириб бажарилади, ишчиларнинг эса иш ҳақи кўпаяди.

Биз ҳар куни қишлоғимиздан велосипедда икки соатча вакт йўқотиб йигирма километрдан ортиқ йўл босиб ишга бориб келамиз. Умримизнинг куни ишхонада, туни уйда ўтади. Ҳар куни йўқотадиган икки соатдан ортиқ вақтни ишхонада ўтказсак ва ишлаб чиқаришга сарфласак, қанча иш бажарган бўлардик. Ахир биз ўсмилик йилларимизда бутун ёз тунларни уйда эмас.

жамоа хұжалиғи дала шиййонида үтказар әдик-ку. Бир куни ана шу фикрни Ақбархұжа ака Бурхоновга айтдик.

Ақбархұжа ака цех бошлиғи эмас. Аслида цех бошлиғи Валижон ака. Аммо артелда иш шундай ташкил этилар әдикі, Валижон ака, хозирги түшүнчә билан баён этсам, маркетолог бажарған ишни килар әди. Цехдаги барча ишларни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш жараёни учун Ақбархұжа ака масъул әдилар. Ақбархұжа ака үта художүй киши бўлиб, ҳамма йигитларга намоз ўқитар ва рўза тутдирап әдилар. Ўғирлик, ёлғончилик, спиртли ичимликлар ичиш, хотин-қизлар билан беодоб муносабатлар хақида гап бўлиши мумкин эмас. Биз, цех аъзоларигина эмас, бутун артелдагилар Ақбархұжа акани “уста” деб чакиришар әди. Аслида бу ном уларнинг бизга ҳунар ўргатгандари учунгина эмас, балки уларга нисбатан хурмат юзасидан ҳам айтилар әди.

Таклифимизга Ақбархұжа ака рози бўлдилар. Ёз ойларининг биринчи ишхонада қолган тунимиз. Олимжон иккаламиз алламаҳалгача ишлаб чарчадик. Очиққан қоринларимизни тўйдириш учун чой тайёрлаб овқатлана бошладик ва иш билан банд бўлиб эътибор бермаганимиз – Ақбархұжа аканинг ишончларини энди ёрқин тасаввур қила бошладик. Юзга яқин тикув машиналари ўрнатилган тикувчилик ва бичувчилик цехлари ҳамда омборхоналардан иборат катта бинонинг калитлари бизнинг қўнимизда. Ўша даврда тасаввуримга сиғмаган фикрларни энди тасаввур қила оламан – ҳали уйланмаган, тажрибасиз биз йигитчаларга устамиз бутун бошли корхонани ишониб калитини бериб кетибдилар-а. Ахир мулк дахлизлиги, ёнгин хавфсизлиги муаммоларидан қўркмай-а. Ишончингизга балли, уста Ақбархұжа ака!!!

Албатта, бундай ишончга биз сазовор бўлган әдик. Устанинг ишонч қалби қулфини отам менга ҳадя этган калит – ҳалоллик калити билан очган әдик. Бундай калит мендагина эмас, Олимжонда ҳам бор әди. Унга қандай сазовор бўлганимизни Ақбархұжа ака бизга кейинроқ сўзлаб берган әдилар. Мен мазкур артелда икки йил ишладим. Шу йиллар давомида иш ҳақидан бошқа на биронта игна, на биронта ғалтак ип, на бирон дона тугмани чўнгагимга солиб ишхонадан олиб чиқиб кетмаганман. Эсимда, ишдан қайтаётган аёлларнинг сумкаларини, тугунларини қоровуллар текширишарди. Аммо улар ҳеч качон

бизни текширишмаган. Чунки бизнинг улар текширадиган сумкаларимиз ҳам бўлмас эди, улар текширадиган ишлар ҳам килмас эдик.

## Раҳнамо меҳри

Менинг педагогик фаолиятим Андикон Давлат пединститути ўзбек тили ва адабиёти факультети сиртки бўлимга ўқишга кирған йилим – 1960 йилда Кумкўргондаги Зўрта мактабда пионер етакчилигидан бошланган. У мактабда бир йил ишлагач, икки мактаб директорларининг келишувига кўра кишлоғимдаги 6-ўрта мактабга ишга ўтгандим.

Институтни тугатган йилим мактабда иккинчи синфи ўқитар эдим. Кишлоқ болалари кўп бўлмагани учун мактаб синфларининг аксарияти бигтадан. Шунинг учун ўқитувчилар ўртасида тақсимланган дарс соатлари баъзан бир меъёрга ҳам етмай қолар эди. Биринчи синфдаги мен ўқитаётган 24 соатли бир ставка дарс иккинчи синфда анча камайиб кетди. Бунга сабаб рус тили дарсларини рус тили ўқитувчилари ўқитишлари эди. Натижада, менинг ҳафталик ўқитадиган дарсим бир меъёрга етмагани учун бир ойда 41 сўм иш ҳақи олар эдим.

Институтда ишлаётган собиқ синфдошим Мирзаабдулла Хўжаев (охирати обод бўлсин) мени ўзи ишлаётган жойга ишга таклиф этди. Бу таклифни қабул қилиш ёки қабул қилмасликни раҳматли Мамадали aka Сайдов домлам билан маслаҳат қилдим. У киши менинг мактабдаги ўқитувчим, кишлоғимдан биринчи Ўрта Осиё давлат университетининг кундузги бўлимида география факультетида ўқиб олий маълумот олган, бутун Иккинчи жаҳон уруши йилларини танқчи-офицер сифатида жанггоҳларда ўтказган, рапор секретари ва мактаб директори, ўкув бўлими бошлиғи лавозимларида узок йиллар ишлаган, катта ҳаёт тажрибасига эга киши эдилар. Менинг маслаҳатимга:

– Ҳеч иккilanмай бораверининг. Кишлоқ ўзимизники, истаган вактда бу ерга қайтиб келаверасиз. Аммо институт – бу институт. У ерда ишлаш учун ҳаммани ҳам таклиф этишавермайди, – дедилар.

Отам ва Мамадали аканинг маслаҳатлари билан институтда ишлай бошладим. Эрталаб мактабда ва куннинг иккинчи ярмида институтда ишлайман. Иккинчи иш жойим менга 92 сўму 30

тийин, яъни асосий иш жойимга нисбатан икки марта күпроқ ҳақ тўлар эди.

Мени фалсафа ва сиёсий иқтисод кафедрасига вақтинча мудирлик қилаётган, менинг институтдаги сиёсий иқтисод фани ўқитувчим Ҳамидхон aka Набиев ишга олдилар. Мен сиёсий иқтисод фанини “аъло” ва “яхши”га ўқиган эдим, шунинг учун бўлса керак, ишга қабул қилинишмада ҳеч қандай муаммо бўлмади. Шу йилнинг май ойида эса Москва малака ошириш институтида малака ошираётган кафедранинг ҳақиқий мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Тўлқин Турсунович Турдиев ишга қайтиб келдилар.

Мен Тўлқинжон aka билан таниш эмасдим. Бир муддат “бу нотаниш мудир билан бирга ишлай олармианман, Ҳамидхон аканинг йўриғи бошқа” деган шубҳали хаёллар кўнглимдан ўтди. Чунки Ҳамидхон aka ўзимнинг ўқитувчим, бизни ўқитган ўқитувчилар орасида энг ҳалоли, етук малака эгаси, ажойиб маърузачи ва, энг мухими, биз – талабаларда ўзларига нисбатан катта хурмат қозона олган киши эдилар.

Кафедрамиз пединститут бош биноси кираверишининг ўнг томонида биринчи қаватда мўъжазгина хонада жойлашган эди. Мудирнинг иш столи кираверишда чап томонда. Унинг чап томонида ғоят мухим нарса – металл шкафча қўйилган.

Тўлқинжон aka Тўракўргон шахридан. Шу туманда узок йиллар ижроия қўмитаси раиси лавозимида ишлаган, социалистик меҳнат қаҳрамони Турсунбой aka Турдиевлар оиласида тавалтуд топган якка фарзанд эканлар. Улар Ўрта Осиё давлат университети тарих факультетини тутатганлар. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига, сиёсий иқтисод доценти илмий унвонига эга.

Тўлқинжон аканинг бошқалардан ажратиб турувчи баъзи ҳислатлари бор эди. Ишга эрта келар эдилар. Дарслар эрталаб соат 9.00 да бошланади, Тўлқинжон aka эса баҳор ва куз ойларида эрталаб соат 7.00 да ишга келар эдилар. Келибок хонамиздаги катта қопқоқли сатил пакиримизни кўтариб бориб институт ховлисидаги водопроводдан сув олиб келиб, чой қўяр эдилар. Сув қайнагач, кофе дамлаб ичиб ўтириб, ишлар эдилар. Кафедрамизда ҳар куни деярли бир пакир сувни чой ва кофега айлантириб ичиб юборар эдик.

Тўлқинжон aka келгунларича кафедрамиз аъзолари,

жумтадан мен ҳам, бундай юмушларни ўзларига эп кўрмай талабаларга буюришар эди. Бироз вақт ўтгач, Тўлқинжон акадан хижолат тортиб бу ишларни мен ҳам бажара бошладим. Аммо мен ишга ҳар доим ҳам эрта кела олмас эдим. Ишга қишлоқдан қатнаганим учун мени ишга қанча эрта келишим шахардан кишлоғимизга қатнайдиган автобуснинг жадвалига боғлиқ эди.

Кафедрамизда ҳеч ким фойдаланмайдиган “Украина” русумли механик машинка бор эди. Бир кун эрталаб ишга келсам, Тўлқинжон aka машинкада ёзаятилар. Ажабо, эркаклар ҳам машинкада ёзадими? Бунгача ҳеч қачон эркак кишининг машинкада ёзиб ўтирганини кўрмаган эдим ва машинкада ёзиш аёлларнинг иши деб ҳисоблар эдим.

Тўлқинжон aka менинг ажабланиб турганимни сезиб:

– Ука, сиз ҳам машинкада ёзишни ўрганиб олинг. Илм билан шугулланган киши машинкада ёзишни билмаса бўлмайди, – дедилар. Лекин институтда Тўлқинжон акадан бошқа машинкада ишлай оладиган биронга эркак зоти йўқ эди. Ярим йиллар ичida мен ҳам машинкада ёзишни ўрганиб олдим.

Тўлқинжон аканинг яна бир хислати бор эди – рубоб ва скрипка чала олар эдилар. Ҳовлиларига борганимизда бизга куйлар чалиб берар эдилар.

Тўлқинжон акада бизга намуна бўла оладиган яхши хислатлар кўп эди. Аммо бир одатлари бор эдики, у менга унчалик ёқмас эди – кўпинча металл шкафнинг эшигини қия очиқ ҳолатда калитини ўзида қолдириб кетар эдилар. Шкафда эса пуллар, турли хужжатлар сақланар эди. Мен чала очиқ қолдирилган шкаф эшигини ўн марталяр ётиб кўйганман. Шунга ухшаш стол тортмасида ҳам кўпинча пуллари тураверар эди. Кафедра – карвонсарой. Унга ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам, бошқалар ҳам келиб-кетаверади. Ажойиб тарбия соҳибининг бундай беэътиборлиги менга сунъирироқ кўринар, унча ярашмаган феъл-автор бўлиб туюларди.

Биз Тўлқинжон aka билан бир ой бирга ишладик. Ўқитувчиларнинг меҳнат таътили бошланган кунларнинг бирида улар менга:

– Ука, бир илтимосим бор. Сиз бу йил таътилга чиқмайсиз ва ёз бўйи ишга қатнайсиз. Биз оиласиз билан Тошкентга ўйнаб бормоқчимиз. Биз келгунча уйимизни пойлаб турсангиз. Узок кишлоқдан ҳам қатнайсиз, келинг яқинроқ бизнинг уйимиздан

катнаб кўя қолинг, – дедилар. Бу муҳокама талаб қилмайдиган илтимос эди. Мен рози бўлдим.

Тўлқинжон ака менга ҳовлиларининг қалитини бериб оиласлари билан ўн-ўн беш кунга Тошкентта кетдилар. Ҳайҳотдай ҳовли менга, менинг масъулиятигма қолди.

Келгуси ўкув йилида Тўлқинжон акадаги менга унча ёқинкирамаган “безътиборлик” одати йўқолди-қолди. Назаримда бу “одат” мени синаш учун қилинган, шекилли. Биз ака-уқадек яқинлашиб кетдик. Янги ўкув йилидан кафедра иккига – мустакил фалсафа ва сиёсий иқтисод кафедраларига бўлинадиган бўлди. Мен филолог сифатида фалсафа кафедрасида ишламоқчи эдим. Чунки фалсафа фанининг фалсафа ва тилшунослик фанларини ўзаро боғлаб турувчи “Билиш назарияси” мавзуси бор. Кафедрага ишга келган ойлардан бошлаб шу муаммо асосида илмий иш олиб боришни ният килиб қўйган эдим. Шу мақсад йўлида китоблар йига бошладим, шу фандан соатбай асосида семинар дарслари ўтдим, бўш вактларимда фалсафа лугатларини таҳлил килдим.

Фалсафа кафедрасида ишлаш ниятигимни Тўлқинжон акага айтдим, сабабларини исботлаб бердим. Аммо ҳеч кутилмаганда менга фалсафа фанидан дарс соатлари бериб келган Тўлқинжон ака таклифимни рад этдилар:

– Ука, сиёсий иқтисод фани ҳам фалсафа фанидан колишмайдиган қизиқарли фан. Агар сиз бу фанинг “ичи”га кириб олсангиз, унинг қанчалар қизиқарли эканини яхши тасаввур қиласдингиз, – дедилар. Лекин мен филология ва сиёсий иқтисод фанлари ўргасида бирон-бир боғланиш борлигини ҳеч тасаввур кила олмасдим. Кейин маълум вактлар ўтказиб яна икки марта рухсат сўрадим. Ҳар сафар рад жавобини олдим. Охириги сўраганимда:

– Ука, менинг укам йўқ, сизнинг акангиз йўқ. Сиз менга ёқиб қолдингиз. Келинг, ака-ука бўлиб бирга ишлайлик. Сиздек ҳалол, тўғри ва меҳнатсевар ходимни қаердан топаман? Шу ўкув йилидан сизни ўқитувчиликка ўтказаман, кейин аспирантурага ўқишга жўнатаман. Кўрибсизки, омадингиз юришиб кетса, 3-5 йилда фан номзоди бўлиб турибсиз-да, – дедилар. Тўртинчи марта рухсат сўрамадим.

Отам менга ҳадя этган ҳалоллик қалити Тўлқинжон ака кўнгиллари кулфини очган, шекилли. Улар барча ваъдаларини

бажардилар ва менга ҳақиқий раҳнамолик қилдилар. Мен эса, улар башорат киганлариңек, иқтисод фантари номзоди илмий даражасига ва иқтисодий назария доңенти илмий унвонига эга бўлдим. Кирк йил иқтисодиёт назарияси фанидан талабаларга дарс бердим ва ўн йилдан ортиқ иқтисодиёт назарияси кафедрасига мудирлик қилдим. Педагогик фаолиятим яна давом этаялти.

### Устоз ишончи

Наманган Давлат пединститути сиёсий иқтисод кафедраси мени Тошкент ҳалқ хўжалиги институти мақсадли кундузги аспирантурасига ўқишга жўнатадиган бўлди. Мен учун аспирантурага ўқишга бориши ҳаёт-мамот ишидек катта муаммо эди. Гап шундаки, мен – пединститут ўзбек тили ва адабиёти факультетини сиртдан ўқиб тугатган филолог иқтисодиёт назарияси фани бўйича кириш имтиҳонлари топшириб аспирантурага ўқишга киришим лозим эди.

Имтиҳон белгиланган вактда имтиҳон топшириш учун Тошкент ҳалқ хўжалиги институти иқтисодиёт кафедрасига бордим ва кабинет мудирасига имтиҳонга келганимни айтдим. У эса:

– Подождите, члены комиссии пока ещё несобрались, – деди.

Комиссия аъзолари йигилишгач, мени имтиҳонга чакиришди. Имтиҳон топширадиган биргина ўзим, имтиҳон оладиганлар эса кўринишларидан бири ўзбек ва иккитаси рус киши эди. Мен кираётиб ўзбекча ва русча салом бердим. Саломимга икки тилда алик олишди ва менга улардан бири:

– Выбирайте билетик, – деди. Хонтахта устига ёзиб кўйилган билетлардан бирини танладим. Унинг саволлари рус тилида эди. Демакки, имтиҳон шу тилда ўтказилади. Чорак соатча тайёргарлик кўрдим. Бу даврда комиссия аъзолари ўзаро сұхбатлашиб ўтиришди. Ҳа, адашмаган эканман. Уларнинг бири ўзбек – Найм Жабборович ва иккитаси рус эди. Сұхбатларидан маълум бўлдики, Найм Жабборович ҳайъат раиси, бошқалари эса унинг аъзолари эди.

– Икки йил сиёсий иқтисод фанидан маъruzalар ўқиганим учун менга тушган саволлар унчалик мураккаб туюлмади. Ҳамма саволларга жавоб бердиму, факат мавхум меҳнатни

тушунтиришда шу сўзнинг русча таржимаси сира эсимга келмади ва хар сафар “мавхум меҳнат” тушунчасини “абстрактний труд” эмас “отвлеченний труд” деб тушунтирдим. Жавоб охирида:

– Если отвечал б на узбекском языке, то мои ответы были б более содержательными, – дедим.

Наим ака шерикларидан ўзбекча жавоб беришимга рухсат сўрадилар. Улар эса қайси тилда жавоб беришимнинг фарки йўқдек:

– Пуст отвечает по узбекски, – дейишди.

Аниқ ва мавхум меҳнатнинг истеъмол қиймати ва қиймат яратишини мукаммал сўзлаб бердим. Менга “яхши” баҳо кўйишиди. Ана қувончу мана тантана. Шу куниёқ кечки поезд билан навбатдаги имтиҳонга тайёргарлик кўриш учун уйга қайтдим. Қолган иккита имтиҳонларни ҳам “яхши” баҳоларга топшириб, аспирантурага ўқишга кирдим. Аспирантура бўлими бошлиғи:

– Плодотворно работали, теперь уезжайте домой и спокойно отдыхайте. Примерно к декабрю пришлем письмо и приезжаете на учебы, – деди.

ТХХИнинг менга йўллаган чакирув қофозида шу институт умумиқтисод мутахассисликлари сиёсий иқтисод кафедрасига мақсадли кундузги аспирантурага ўқишга қабул қилинганим, машгулотлар 15 декабрдан бошланиши ва менга илмий раҳбар этиб шу институт умумиқтисод мутахассисликлари иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Мўминович Аминов тайинланган баён этилган эди.

Олим Мўминовичнинг менга илмий раҳбар этиб тайинланышлари ўта қувончили ва ўта масъулиятли иш эди. Илмий раҳбарим билан сира кўришмаганман. Аммо уларни сиртдан танир эдим. Олим Мўминович кафедрамиз мудири Тўлқин аканинг илмий ишларига биринчи оппонент бўлганлар. Яна биламанки, у киши Москвадаги Олий агтестация ҳайъатининг аъзоси, сиёсий иқтисод дастур ҳайъатининг аъзоси, Ўзбекистондаги иқтисод илмий-тадқиқот институтининг биринчи директори, Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университети қошидаги олий ўқув юрглари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг биринчи директори лавозимларида ишлаганлар.

Илмий раҳбарим билан мени учраштириб қўйишлари учун ТХХИ молия факультети декани ўринбосари – ҳамشاҳрим Нусратилло ака Абдулаевни топдим. Улар мени Олим Мўминович билантаништиргани олиб келдилар. Бизумумиктисод мутахассисликлари сиёсий иқтисод кафедрасида учрашдик. Салом-алиқдан сўнг Нусратилло ака Олим Мўминовичга:

– Олим ака, сизга янги аспирант олиб келдим, – дедилар. Олим Мўминович кўзойнаклари тепасидан менга қарадилар ва:

– Келинг, – дедилар. Нусратилло ака ҳам, мен ҳам Олим Мўминович билан кўл бериб сўрашдик. Улар менинг наманганлик эканлигимни билгач Нусратилло акага:

– Нусратилло, бу киши ҳам сизга ўхшаш лайлакни худо деган қатикхўрлардан эканлар-да, – дедилар. Нусратилло ака Олим Мўминовичнинг фикрларини тасдиқладигар ва иккалалари хоҳолаб кулишди. Мен бу гаплар маъносини сира тушунмадим ва қулгига зўрма-зўраки қўшилдим. Бундай ҳазиломуз гапларни биринчи марта эшлишиб эди. Сўнг Олим Мўминович мендан қаерда ўқиганимни сўрадилар. Мен Наманган Давлат пединститути ўзбек тили ва адабиёти факультетини сиртдан ўқиб битирганимни айтдим. Олим ака ажабланиб:

– Я знаю экономистов-историков, экономистов-юристов. Но экономиста-филолога впервые встретил, – дедилар. Шундан кейин Олим Мўминович мен билан икки йилча фақат рус тилида сўзлашиб юрдилар. Олим Мўминовичнинг бу ажабланишлари менинг аспирантурага ўқишга кирганимдаги қувончларимни тарқатиб юборди. Илмий раҳбарим билан учрашувим чакирув коғозидаги муддатдан 15 кун кейин – 31 декабрь куни бўлган эди. Раҳбаримнинг менга:

– Вы могли бы прийти на учёбы в новом году, – деган оддий ва тўғри гаплари ўша вактда менга ўқишга кеч қолиб келганим учун кесатиш бўлиб туюлган эди.

Ўқишларим бошланди. Илмий иш учун Олим Мўминович билан мавзу танлаш мақсадида уларнинг қабулларида бўлдим. Диссертациям мавзусини танлашдек мураккаб ишни улар менинг ўзимга топширдилар.

Икки ой мавзу қидирдим ва йигирматача мавзу танладим. Мавзулар рўйхатини машинкадан чиқардим ва улар орасидан учта ўзимга ёқадиганининг тагига чизиб қўйдим. Кейинги учрашувда раҳбарим билан илмий ишим мавзусида бир қарорга

келдик. Адабиётлар ва статистик маълумотлар йига бошладим, ишнинг режасини туздим ва уни раҳбарим маъқулладилар. Аммо кунларнинг бирида, навбатдаги кафедра йигилишида, Олим Мўминович ҳали ҳимоя қилиб улгурмаган аспирантларининг кўплиги, институт мамуриятига аспирантларга раҳбарликни ўзи олиб бошқаларга бермаётгани учун унинг устидан шикоят тушганини айтиб мени профессор Мухиддин Ҳусаинович Зайнуддинов раҳбарлигига ўтказишни таклиф қилдилар.

Аммо Мухиддин Ҳусаинович бу таклифга қарши фикр билдирилар. Улар менинг мақсадли кундузги аспирантурада ўқиётганлигим, оиласа ва фарзандларим борлиги, албатта, илмий ишимни ўз вактида ҳимоя килишим зарурлигини таъкидлаб, ўзларининг эса менга раҳбарлик қила олмасликларини айтдилар. Кафедра бир қарорга келмади. Мен раҳбарсиз қолдим. Мажлис тугагач, кафедра мудири ўринбосари, иктиносид фанлари номзоди, доцент Элла Моисеевна Браиловская менинг ёнимга келиб:

– Синок, ты не расстраивайся. Все будут хорошо. Алим будет руководить на твои работы, – деди.

Ойлар ўта бошлади. Ишларимни кўрсатгани Олим Мўминовичга борсам мени Мухиддин Ҳусаиновичга, Мухиддин Ҳусаиновичга борсам Олим Мўминовичга жўнатишарди.

Баҳор ойларининг бирида аспирантуранинг иккинчи курсида ўқиётган вилоятдошим Умаржон домламизнинг уйларига бирга бориб-келишга таклиф этди. Раҳбаримнинг уйларига боргач, Умаржон мени илмий раҳбаримнинг турмуш ўртоқларига, уларни эса менга таништирди. Келинойимиз Антонина Михайловна мактабда математика фанидан дарс берар эканлар. Ўзбек тилида деярли бехато гаплаша олар эканлар. Институтта қайтаётганимизда Умаржон менга:

– Оғайни, сиз домлангизга яқинрок бўлишга ҳаракат қилинг, акс ҳолда раҳбарсиз қоласиз, – деди. Аммо мен домлага яқинрок бўлиш нима-ю, унга қандай эришиш мумкинлигини билмас эдим.

Кунларнинг бирида талабалар ёткxонасидағи хонамга кабинет мудираси чакириб келди ва менга домламнинг иш ҳақларини уйларига олиб бориб беришим лозимлигини айтди. Пулни олиб бордим. Антонина Михайловна менга раҳмат айтди ва қўярда-қўймай чой ичишга таклиф этди. Биргалашиб чой ичдик ва сухбат давомида электр дазмоли бузилиб қолганини

айтиб, уни устага олиб бориб тузаттириб келишимни илтимос килди. Дазмолни очиб кўрсам, сими уланмай колган экан. Дарров улаб қўйдим ва у ишлай бошлади. Бошқа куни розеткани ва яна бошқа кунлари электр буюмларини тузатиб бердим. Бир куни Олим Мўминович менга:

– Келинайнингзга жуда ёқиб қолипсиз, сизни менга икки соат мақтади, – дедилар. Шундан кейин илмий раҳбарим ҳам, келинойимиз ҳам мени баъзи хизматларга буюрадиган бўлишиди. Бу хизматлар оддий ва осон юмушлар эди.

Бир куни Антонина Михайловна мендан бозор қилиб беришимни илтимос қилдилар. Туркман бозоридан сабзавотлар харид қилиб бердим. Бозорга мўлжалланган пулнинг бир кисми тежалиб қолди ва мен тежалган пулнинг тийинларигача эгасига топширдим. Яна бир неча марта шундай бозор қилиб бердим. Менинг бозор қилишим ҳам Антонина Михайловнага ёқиб қолибди.

Кунларнинг бирида Олим Мўминович мени ҳовлиларига бошлаб кетдилар. Иккаламиз, Антонина Михайловна ва уларнинг кичик ўғиллари Рустам бирга тушлик қилдик. Овқатланиш жараёнида домламнинг хотинлари мени уларга роса мақтаб:

– Знаешь, Алим, у него золотые руки и чистая душа, – дедилар ва қилган таъмирларим ва бозорларим ҳақида эри ва ўғилларига мени мақтаб сўзлаб бердилар. Антонина Михайловнанинг мен ҳакимда Олим Мўминовичда пайдо қилган ишончлари менга кўп нарса берди.

Олим Мўминовичнинг ҳовлиларидан бошқа бир хонали квартиralари ҳам бор эди. Бу квартиранинг калитини домламиз фақат уч кишига – менга, фарғоналик Эргашбойга ва андижонлик Муҳаммаджонгагина ишониб берар эдилар. Олим Мўминович билан ҳеч бўлмагандა ҳафтада бир марта Олмазор қўчасидаги институтдан “Болалар дунёси” магазини яқинида жойлашган домламнинг квартирасигача гиёда борар эдик. Йўл-йўлакай домлам менга Илмий кенгаш раиси сифатида диссертантнинг ютуқ ва камчиликлари, иқтисод фанларининг муаммолари, илмий ишларда нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши зарурлиги ва ҳоказолар ҳақида гапириб берардилар. Энди илмий ишим ҳақида исталган ҳафтада маслаҳат олишим мумкин эди.

Олим Мўминович билан менинг яқинлигим ривожланиб кетди. Энди улар мени ўzlари билан турили банкетларга бошлаб

кета бошладилар. Мен банкетдан кейин уларни квартиralарига кузатиб қўйиб сўнг ётоқхонамга кетар эдим. Банкетлардаги иштироким менинг дунёкарашимни кенгайтирди – жамоат ичидагизимни кандай тутишга ўргатди. Бир сафар бир файласуф аёлнинг банкетига бордик. Банкет тамадаси, фалсафа фанлари доктори, профессор Абдураҳмон домла Ортиков илмий раҳбаримга сўз берар эканлар:

– Мы хорошо знаем, что философия является методологической основой всех наук, в том числе и политической экономии. Учитывая этого и уважая философов на нашем банкете участвует представитель экономических наук, заведующий кафедрой политической экономии общеэкономических специальностей Ташкентского института народного хозяйства, председатель учёного Совета по защите кандидатских диссертаций по экономических наук, доктор экономических наук, профессор, член корреспондент АН Узбекистана, заслуженный деятель науки Узбекистана Алим Муминович Аминов. С большой радостью предоставляем ему слово, – дедилар. Тамада сўзини банкет аҳли гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Қарсакларнинг бир қисми фалсафа фани хурмати учун чалинган бўлса, бошқа қисми Олим Мўминович хурматлари учун чалинган эди.

Олим Мўминович ўнг қўлларида бокал тутган ҳолда бироз шошилмай ўринларидан турдилар. Ўтирганларга эътибор билан қарадилар ва зал тинчлангач, файласуф олимлар ўтирган томонга юзланиб:

– Спасибо за приглашение меня в банкет и предоставление тост. Конечно, Абдурахман Артыкович правь. Но знаем еще хорошо и то, что бытъе людей определяет их сознания, то есть философия как одна из форм надстройки определяется экономическим базисом, способом производства, которое изучает политическая экономия. По этому философы должны уважать экономистов и приглашать на свои банкеты, – дедилар. Мехмоннинг нутки тугамасдан ҳамма яна қарсак чалиб юборди. Сўнг Олим Мўминович докторант ишининг фандаги аҳамиятини таъкидладилар ва докторантнинг илмий раҳбарига ва докторантга баҳт-саодат тиладилар.

Мен бундай банкетларда катнашиб юриб бир хуносага келдим: олимларнинг илмий фикрлари факат аудитория, илмий кенгашлар, конференциялар каби расмий йигинлардагина эмас,

балки банкетлар, тўю томошаларда ҳам айтилаверар ва кишилар бундай ҳолатни “илмий мухит” дейишар экан.

Аспирангура ўкув даврининг биринчи ярим йиллиги якунида ҳамма қатори мен ҳам ҳисоб бердим. Олим Мўминович менга сўз берар эканлар:

– Слова предоставляется аспиранту профессора Мухиддина Хусаиновича Абдуллаеву Садикмирзе, – дедилар.

Мен ярим йиллик аспирантлик фаолиятим ҳақида ҳисоб бериб, илмий ишимга мавзу тантаганим ва уни институт илмий Кенгаши томонидан тасдиқлангани, диссертациям учун статистик ва бошқа маълумотлар йикқаним, фалсафа фанидан номзодлик имтиҳони топширганим ҳақида гапирдим. Шунда менинг фалсафа фани имтиҳонидан қандай баҳо олганимга кафедра аъзолари кизиқиб қолиши. Мен “аъло” баҳо олганимни айтдим. Бу мажлис қатнашчилари орасида шов-шувга сабаб бўлди. Фалсафа фанидан номзодлик имтиҳони топширган ўн бешдан ортиқ аспирантлардан факат уттамиз “аъло” баҳо олган эдик. Бу институтда номзодлик имтиҳонларидан “аъло” баҳо олиш сенсацион ҳодиса ҳисобланар экан. Менинг ҳисоботим бошқа аспирантлар ҳисоботларидан мазмунлирок бўлди шекилли, менга кафедра аъзолари тўртта кўшимиша савол бериши. Кафедра мудири ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди, доцент Элла Моисеевна Брайловская жавобларимдан мамнун бўлиб Олим Мўминовичга:

– Алим, видишь какой он старательный. Перестан упрямить и стань его руководителем, – деди.

Олим Мўминович бу таклифга ҳеч нарса демадилар. Халқимизда “Сукут аломати – ризо” деган ибора бор. Уларнинг сукут саклашларидағи асослардан бири отам менга ҳадя этган олтин калит – ҳалоллигим ҳамда меҳнатсеварлигим бўлса керак. Мен уларнинг раҳбарликларида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига ва иқтисодий назария доценти илмий унвонларига эга бўлдим.

2007 йил

## ҚИНГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

*Қингир ишнинг қийиги қирқ йилдан кейин ҳам очилади.  
Халқ мақоли.*

Бу воеа ўтган аср олтмишинчىй йилларининг бошларида содир бўлган эди. Ушанда мен 14-15 ёшларда эдим. Баҳор кунларининг бирида онам мени сингиллари Роба холамни кўриб келиш учун Наманган шаҳрига юбордилар. Холам ўша вактдаги Воровский (ҳозирги “Кўзагарлик”) кўчаси Ҳости Лангар маҳалласининг жануби-шаркида яшар эдилар. Холамнинг ҳовлиларига эрталабки тўққизларда етиб бордим. Мени холам, поччам, тоғамнинг ўғиллари Маҳмуджон акам, жиянларим кутиб олишди. Маҳмуджон акамни холам ҳожатхона учун ўра қазишга ёрдамлашгани чақирган экантар. Мен келгач, яна битта ёрдамчи келганидан ҳаммалари шодланиб кетишиди.

Акам иккаламиз бир тегирмон сув оқадиган маҳалла ариғидан 6-8 метр кун ботиш томонида чукур қазий бошладик. Ҳожатхона ҳандаги чукурлашгач, акам тупроқни пақирга солиб узатар, мен эса уни аргамчи билан тортиб олиб тупроғини бўшатиб ҳандакка туширас эдим. Шу зайдада икки-уч соатча ишладик. Навбатдаги пақир узатишида Маҳмуджон акамнинг ҳандак ичидан:

— Мулла, ош гўшти билан кетаяпти, кутиб олинг, — деган товушлари эшитилди. Пакирни тортиб олдим ва тупроқ устида суюкларни курдим. Уларни бир четга ажратиб кўйдим. Шундан кейин ҳар сафар пақирдаги тупроқлар устида суюклари билан чиқа бошлади. Уйилаётган тупроқлар четида суюклар ҳам тўплана бошлади. Аввал майда суючалар, кейин эса каттароқлари чиқа бошлади. Суюклар орасида узукли панъжа суюгига кўзим тушди-ю, этларим жунъикиб кетди — суюклар одамники эди. Узукли панъжа суюгини алоҳида ажратиб кўйдим. Аммо Маҳмуджон акам 3-4 метр ер остида ишлаётганлари учун кўркмасинлар деб у ҳақда ҳеч нарса демадим. Болдир, сон, кўл суюкларини кўргач, улар одам суюги эканлигига менда асло шубҳа қолмади. Ҳандак тахминан 5-6 метр қазилгач, одамнинг бош суюги ҳам чиқди. Маҳмуджон акам бу сафар пақирни индамасдан узатдилар. Мени кўркмасин дедилар, шекили. Иккаламиз ҳеч нарса билмагандек ишимизни тутатдик. Ҳандакка узун нарвон ташлаб акамни чиқариб олдик.

Юз-қўлларимизни ювгач, одам суюкларини қазиб олганимиз ҳақида поччамизга хабар бердик.

Поччамиз суюкларни онамнинг оналари Ҳафиза ҳожи момомиз берган кафандикка суюклар танада кандай турса, тахминан шундай тартибда териб чиқдилар ва кафандилар. Махмуджон акам эса панжадан мис узукни аллақачон ажратиб олиб, қўлларига тақиб олган эдилар.

Холам ҳовлиларининг кун чикиш томонида шаҳар коммунал ҳўжалигига қарашти 6-8 сотихча экиладиган ер бор эди. Кейинчалик ҳукумат уни жиянимга уй куриб яшаш учун берган ва у бу ерга уй куриб кўп йиллардан буён яшаб келмоқда. Шу ернинг кун юриш томонида, Болтахон поччанинг ҳовлилари орқасида бир туп катта ёнғок бўлар эди. Шу дараҳтнинг ёнида қабр қазилди, маййитга жаноза ўқилди ва ҳурматини жойига кўйиб дағн этилди.

Ҳандақдан топилган одам суюклари ҳақидаги шов-шув бутун маҳаллага таркалди. Биз ўзимиз ҳам суюклар эгаси билан кизиқиб қолдик. Ўлик, ҳатто, Махмуджон акамнинг тушларига ҳам кирибди. Тушларида новчадан келган, келишган қоматли, корача киши акамдан узугини талаб килибди.

“Суюклар эгаси ким?” деган саволга 70-80 ёшли Болтабой поччадан жавоб эшилдиц. Айтишларича, ёшликларида отоналаридан шу хонадонга бир бадавлат савдогарнинг келиб-кетиб тургани, навбатдаги келишларнинг бирида хонадондан чиқиб кетмай бедарак йўқолгани ва маҳалла унинг сирли йўқолишидан турли хулосаларга келганини айтиб бердилар.

Хуллас, қинғир ишнинг қийиги... бир асрдан кейин маълум бўлди. Мехмон боши билан ҳожатхонага ташлаб юборилган ва шу зайдада ўлдирилиб, юз йилдан ортиқ тупроқ остида қолиб кетган. Албагта, Наманган шундай шаҳарки, унинг деярли барча эски маҳаллаларида кабрларни учратиш мумкин. Аммо қаерда ер қазилиб қурилиш қилинган бўлса-ю кабрлар топилган бўлса, ўликлар ётиқ ҳолатда кўмилган. Биз топган маййит эса боши пастда, оёғи юқорида эди. Сира ўзубча йўқки, ё уни ҳожатхонага боши билан ташлаб ўлдиришган, ёки ўлдириб кейин ҳожатхонага ташлаб юборишган. Маййит мусулмон бўлса керак – унга жаноза буюрди, яхши одам бўлса керак – ҳурмат билан қайта дағн этилди. Халқимизда “Қинғир ишнинг қийиги кирқ йилдан кейин ҳам очилади” деган гап бор. Аммо у юз йилдан кейин ҳам очилар экан.

2007 йил

## МЕНИНГ БОЖАЛАРИМ

(Воқеий ҳикоя)

Мен ишлаётган Шўрқўргон кишлоғидаги ўрта мактабнинг хўжалик ишлари бошлиғи Абдухолик ака қунларнинг бирида мен билан:

– Божа, тузукмисан? – деб сўрашдилар. Бу муносабат менга мазах бўлиб туюлди. “Божа” деб, одатда, опа-сингилга уйланган йигитлар бир-бирларига мурожаат қилишади. Абдухолик ака билан мен опа-сингилга уйланмаган эдик. Шунинг учун совуқцина: – Раҳмат, яхшимисиз? – деб қўя қолдим. Аммо уларнинг менга “божа” деб мурожаат қилишлари бошқалар иштирокида ҳам давом этаверди. Ажойиб ёқимли хулқ-атворга эга бўлган ва хурматта лойиқ Абдухолик аканинг бундай муносабати нима учундир менга масҳаралаш бўлиб туюлаверди. Шунинг учун бу муносабатга чек қўйиш мақсадида қулай пайт қидира бошладим ва топдим.

Бир куни иккаламиз мактабнинг ўқитувчилар хонасида ёлғиз қолдик ва мен вазиятдан фойдаланмокчи бўлдим. Абдухолик акага гап бошлашдан аввал нима учундир авзойим бироз бузилди. Буни сезган сұхбатдошим ҳеч нарса бўлмагандек, одатдагича ўта вазминлик билан:

– Нима дейсан, нимага менга ковоғингни солаяпсан? – дедилар. Мен эса янада асабийлашиб:

– Нимага мени мазах қилаяпсиз? – дедим. Абдухолик ака менинг совуқ муносабатимга яна парво қилмай:

– Нимага сени мазах қилар эканман, ахир божамсан-да. Нима, ақлингга чечак чиққанми? Хотининг қаерлик? Шамсиқўллими? – тушунтира бошладилар менга.

– Ха, Шамсиқўллик. Лекин хотинимнинг қаерданлигининг мени “божа” деб чакиришингизга нима алоқаси бор? – дедим.

– Алоқаси бор. Нега бўлмас экан. Менинг хотиним ким, қаерлик, биласанми?

– Билмайман.

– Билмасанг билиб қўй. Хотиним Шамсиқўллик, Шамсиқўл тожикларидан. Сенинг хотининг ҳам. Мен сенинг қайнотангни ҳам, қайнонангни ҳам жуда яхши танийман. Ана кўрдингми, иккаламизнинг хотинларимиз ҳам бир жойдан. Шундай экан сени “божа” демай нима деб чакирай?

Даёванинг ёни майдони

Абдухолик аканинг ҳазилларини энди тушуна бошладим. Уларнинг хотини Шамсиқўллик эканини билмас эканман. Ноўрин муносабатим учун кечирим сўрадим. Шунда улар “очилиб” кетдилар ва менга:

– Энди, божа, қулоқ сол ва билиб ол. Божаларимизнинг мен билган энг катталари Бегим холангнинг эрлари Усмон бува, Азизбуви отин холангнинг эрлари Шерўғил халфа бува, уларнинг божалари – Робия маълиминг эрлари – Мулла Ҳожи домла, маҳаллангдаги Мастон холангнинг эрлари Умматқул буванг, “Боғ кўча”лик Бухожал холангнинг эрлари Тошпўлат буванг, Оқ ерли Мастон холангнинг эрлари Жўрабой буванг, ўзингнинг Сиддика янгангнинг эрлари Сайдмуҳаммад тоғанг, Зайнабхон опангнинг эрлари Аскар домланг.. Яна давом этаверайми? Шўрқўргоннинг ҳар ўнта эркагидан иккита-учтаси сен билан менга божа бўлади. Қишлоғимиз кишиларининг аждодларини суриштириб кўрсанг, тахминан ўн-йигирма фоизи тожик бўлиб чиқади.

Муносабатларимиз сұхбатга айланиб кетди ва унинг мавзуси менга ҳам ёқиб қолди. Абдухолик aka тўғри айтадилар. Улар санаган “божа”ларнинг аксарияти аллақачон ёшларини яшаб, ошларини ошаб у дунёга равона бўлишган кишилар. Уларнинг ва турмуш ўртоқларининг баъзиларини эшигтанман, кўпларини кўрганман. Ҳаммалари ували-жўвали кишилар бўлишган. Мен уларнинг фарзандлари ва набиралари қаториман. Аммо ўша холаларнинг Шамсиқўллик эканликларини асло билмас эканман. Уларнинг ҳаммалари мен билан ўзбекча сўзлашар эди.

– Тўғри айтасиз, – дедим мен ҳам бироз фаоллашиб, – энди сиз ҳам билиб қўйинг. Шамсиқўлликларнинг ҳам бешдан тўрт кисмининг аждодларини суриштириб кўрсангиз, ўзбек бўлиб чиқади. Менинг Ҳабихон аммам, Тухфанисо холам, ўзингизнинг синглингиз Башорат опа, Темирбой буванинг қизлари Кумри опа, Абдуллажон буванинг қизлари Буойша, даладошим Лобархон каби бир неча ўнлаб ҳамқишлоқларим Шамсиқўлга келин бўлишган. Қайнатамнинг ҳам, қайнонамнинг ҳам “ярмилари” ўзбек. Жўрабой қайнатамнинг қариндошлари Кайковус қишлоғида кўп, – дедим.

– Отангга раҳмат, онангга хом ошқовоқ. Мен сенга божалар топиб берсам, сен менга “почча”лар топиб бердинг. Энди бу ёгини эшиг. Қадимда шўрқўргонликларни “қора калтак” дейишар экан. Сабаби, бошқа қишлоқларга сайилларга боришганда кўпинчча

жанжал чиқаришар ва аравалардаги бедалар остига яшириб қўйишган таёклар билан қуролланиб муштлашишар экан. Пўстлоклари тозаланмаган қора тол таёклари қора кўрингани учун эгалари – шўркўргонликларни “қора калтак” деб аташар экан. Аммо шўркўргонликлар ҳеч қачон шамсиқўлликлар билан муштлашишмас экан. Бундай аҳилликнинг сабабини кексалар кўп ўйлаб кўришган ва улар буни икки қишлоқ қишилари ўртасидаги қадимий куда-андачилик муносабатлари деб баҳолашган.

– Жуда тўғри айтдингиз. Менинг ҳам чорак “қисмим” тожик – онамнинг оталари Тожикистаннинг Кўлоб вилоятидан бўлганлар. Шамсиқўлнинг куда-андачилиги факат ҳамқишлоқларимиз билангина эмас, Элатан, Бешкапа, Кайковус, Галча, Кумкўргон каби қишлоқлар ва Наманган шаҳри билан ҳам жуда яхши. Наманган туманининг Шамсиқўл ва унинг атрофидаги қишлоқлари аҳолиси куда-андачилиги шундай қадимий ва ривожланганки, аралаш никоҳлар натижасида Шамсиқўлда туғилган болалар тожик, бошқа қишлоқларда туғилган болалар эса ўзбек бўлиб катта бўлишади.

Бунга сабаб, Шамсиқўлдаги ясли-богча ҳам, мактаб ҳам эс таниганимиздан бўён тожик тилида фаолият қўрсатади. Бошқа қишлоқлардаги ясли-богча ва мактаблар ўзбек тилида. Сизнинг ўртоғингиз, менинг ўқитувчим Файзибой ака Нуриддинов бир кулгили воқеа ҳакида галириб бергандилар. Айтишларича, Шамсиқўлдаги мактабда география фанидан ўриндош ўқитувчи бўлиб ишлар эканлар. Синф журналига фанларининг номини ёзиш учун аввалги ёзувларга қарабдишар. Унинг дастлаб сахифасига она тили ўқитувчиси, раҳматли мактаб директори Мамадали ака Одилов “Забони модари” деб ёзиб қўйган эканлар. Файзибой ака ҳам фанлари учун ажратилган сахифага “Забони география” деб ёзиб қўйибдилар. Мактабни текширгани келган вилоят халқ таълими бўлими комиссияси аъзоларидан бири, Косонсойлик тожик тили ўқитувчиси журналларни текшираётib “Забони география” деган иборага кўзи тушиб колибди. Текшириш натижаларига бағишланиб ўtkазилган халқ маорифи ҳодимларининг туман кенгашида синф журналига “Забони география” деб ёзган ўқитувчининг чаласаводлигини танқид кила бошлабди. Танқиддан жаҳли чиккан маориф мудири Файзибой домлани ўрнидан турғизиб қўйиб:

– Нега бунака қиласиз? Журналга тўғри ёзишни ҳам

билимайсизми? – деб сўраб қолибди. Шунда Файзибой домла ўзларини оклаб:

– Мактаб директори Одилов журналга “Забони модари” деб ёзиб кўйган экан, мен ҳам унга ўхшатиб “Забони география” деб ёзиб қўйибман-да. Агар хато ёзиб кўйган бўлсан кечирим сўрайман, – дебдилар. Шунда текширган комиссия аъзоси “Забони география” иборасининг мазмунини тушунтириб берибди. “Забони модари” дегани ўзбекчасига “Она тили” дегани. Мактабда шундай фан ўқитилади. “Забони география” дегани эса “География тили” дагани. Ахир мактабларда бундай фан ўқитилмайди-ку.

Бу гапни эшитган мажлис қатнашчилари роса кулишибди, Файзибой домла эса танбеҳдан кутулиб қолибдилар. Мактабнинг ахил жамоаси ўз тилларида ўқитувчи етмаган вақтларда ўзбек ўқитувчиларидан фойдаланиб бўлса ҳам болаларга яхши билим бериб келишган. Бир вақтлар ҳали Шамсиқўл мактаби бошланғич мактаб бўлганида ўша мактабдан бизнинг мактабимизга ўкишга келган беш ўқувчи билан бирга ўқиганмиз ва, тан олиш керакки, уларнинг билимлари даражаси бизнинг билимларимиздан сира ҳам паст эмасди. Ҳозир мактабда ўқитувчи муаммоси аллақачон ҳал қилинган.

Бизнинг Абдухолик ака билан мазкур сұхбатимиз бўлиб ўтганига қирқ йилча вақт ўтди. Бу даврда қанча ёмғирлар ёғди-ю, қанча сувлар оқди. Сұхбатдошимнинг вафот этгандарига ҳам икки йилдан ошди. Бу давр орасида менга Даҳиён, Нурбой, Асқарали, Ҳасанбой, Маҳмуджон каби бир неча ўнлаб янги “божа”лар ва Бурхониддин, Умарали, Юсуфжон каби ўнлаб янги “почча”лар пайдо бўлишди.

Ҳа. Наманганд тумани “Ўзбекистон” қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли қишлоқларнинг икки тилда сўзлашувчи бир ҳалқи бир макон устида ва бир осмон остида бир-бирлари билан “божа”лашиб ва “почча”лашиб мустакил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшинаши учун қўлни-қўлга бериб ахил меҳнат қылмоқдалар ва меҳнатлари гаштини суриб бахтили ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, яна кўплаб янги “божа”лар ва “почча”лар пайдо бўлишади.

2007 йил

## ҚУРУҚ ТУҲМАТ (Воқеий ҳикоя)

Ок ер кишлоғидаги яқинларимдан бири эрталабки намоздан кейин худойига чорлаган эди. Белгиланган вактдан кечикмай меҳмонга бордим. Хонадон сохибининг уйда меҳмонлар, дахлизида эса мезбонлар ўтиришди. Ёшим катта бўлгани учун мени бошқа тенгдошларим қатори уйга, уйнинг тўрига ўтқазиши. Таомилга кўра ўтирганларни безовта қиласлик учун тўрида ўтирадиган кексаларнинг ўз хурматини саклайдигани маросимларга бошқалардан аввалроқ келишади ва биз ҳам шундай қилған эдик.

Бошқа меҳмонлар келишгунча турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтиридик. “Гадонинг душмани – гадо, подшонинг душмани – подшо” деганларидек, меҳмонларнинг баъзилари масжид имоми ёрдамчисининг “баъзи” ишлари хақида гапириб кетиши. Айтишларича, у ва унинг яқинлари халқдан йифилаётган пулларнинг бир кисмини ҳуқуматта топширмаётган эмиш, эски палос ва кўрпачаларни уйларига олиб кетишган эмиш ва ҳоказо.

У аслида имом ёрдамчиси ҳам эмас. Имом шаҳарлик бўлгани учун беш вақт намозга қишлоққа келиб имомгарчилик кила олмайди. Шундай пайтларда “имом ёрдамчиси” деб аташаётган йигит масжидда имом ўрнига ўтиб туради.

Мен уни ёшлигидан биламан. Оиласи катта холамга қўшни бўлиб яшашарди. У мендан чамаси уч ёш кичик ва холамнинг уйларига борганимда кўпинча бирга ўйнар эдик. Унинг катта момоси, отаси ва ўзи ҳалол ва художўй қишилар эди. У катта бўлгач, институтда ўқиди ва мактабда ўқитувчиллик қилди. Шу касби билан ишлаб нафақага чиқди. Рўзгори ҳамма меҳнат билан кун кўраётган ўртача хонадонлардан сира фарқ қиласлик эди.

Имом ёрдамчиси ҳақидаги бундай гаплар менга ёқмади – куруқ тухмат бўлиб кўринди ва шу суҳбат асносида сезгир меҳмонларга бу гапларнинг тухмат эканлигини билдириб қўймоқчи бўлдим.

– Тўғри айтасизлар. Мен ҳам иккита шунга ўхшаш ишга гувоҳман. Эсимда, ёшлигида доим холамнинг ҳовлиларидан бодринг кокиларини ўғирлаб турар эди. Яна бири – яқингинада юз берган. Бир куни эрталаб ишга кетаётган вақтимда масжид

Дастурларни жадидлаштириш

қаршисидаги күчадан бир эркакнинг қозон күтариб кетаётганини күрган эдим, – дедим.

– Ана күрдингизми? Қонида бор-да. “Урганган күнгил – ўлтиrsa кўймас” дейди доно халкимиз, – деди гапларимнинг мазмунига эътибор ҳам бермай жонланиб кетган сухбатдошларимдан бири. Шу мавзудаги сухбат бироз давом этгач, яна меҳмонлар кела бошлади ва сухбат узилиб колди. Кейин сухбатимиз бошқа мавзуга кўчди.

Ойлар ўтди. Бир куни “имом ёрдамчиси” намоздан кейин масжиддан тарқалаётганимизда мени ёнига чақирди ва мендан уни иғво қилганим учун хафа бўлганини айтди. Мен сухбатдаги гапларимни бундай тарзда қабул қилинишини сира кутмаган эдим, унга ўзимни ҳақ эканлигим ва уни асло иғво қилмаганимни тушунтироқчи бўлдим. Сўзларимни унга қай даражада етказишганларини билиш учун ундан нима деб иғво қилганимни сўрадим. У менга унинг ҳақида нима деган бўлсан айнан шуларни гапириб берди. Мен кулгудан ўзимни сира тўхтата олмадим. Менинг тўхтовсиз кулишларим унга мазах бўлиб туюлди шекилли, ранги бўзарип кетди.

– Ҳа, тўғри-да. Эсингиздами ёшлигингизда холамнинг ҳовлиларидан бодринг қоки ўғирлаганингиз? Ахир ўйлаб кўринг. Умрингизда бодринг қокини кўрганмисиз? Кўрмагансиз. Сиз эмас, биз ҳам кўрмаганмиз. Бодрингдан ҳеч ким қоки куритмайди-ку. Агар бодринг қокисини кўрмаган бўлсангиз, ундан қоки қилинмаса, демак, ўғри эмассиз. Ахир бодрингдан қоки қилинмаса нимани ўғирлайсиз? Масжиддан қозон ўғирлаш масаласига келсақ, бўлса бўлгандир. Лекин мен сизни эмас бир эркак кишини қозон күтариб кетаётганини айтганман. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Мен шу ёшга кириб бирон масжидда қозон сақланганини кўрмаганман. Агар масжид овқат пиширилладиган жой бўлмаса ва қозон сақланмаса қандай қилиб сиз қозон ўғриси бўласиз?

Имом ёрдамчиси бироз сукут саклагач, хохолаб кулиб юборди ва менга:

– Раҳмат сизга. Сиз ўз “туҳмат”ларингиз билан менинг ҳақимдаги иғволарнинг ҳаммасини қуруқ туҳматга айлантириб юборибсиз. Шуни аввалроқ ўйлаб кўрмаганимни қаранг. Узр, мендан ўтибди, – деди.

Мен унинг сўзлари билан бирга кўзларида ҳам миннатдорлик туғусини сездим.

2007 йил

## БИРИНЧИ МАОШ

(Воқеий ҳикоя)

Пахта йигим-терими даврида институт ижтимоий кафедралари ўқитувчиларини қайси факультетда талабалар отрядига раҳбарлик килиш учун ўқитувчилар етишмаса, ўша факультетта ишга жўнатаишар эди. Талабалар теримда бошидан охиригача, ўқитувчилар эса навбат билан иштирок этишарди. Пахта штаби менинг филология факультетида иккинчи навбатда иштирок этишимни режалаштирган эди. Режага кўра мен белгиланган куни тушгача отрядга етиб боришим шарт бўлиб, мен ўрин алмаштираётган ўқитувчи кечасига қолмасдан уйига етиб олиши лозим эди. Шунинг учун уйдан эрта тонгда йўлга чиқдим.

Ҳозирги Мингбулоқ (собик Задарё) туманидаги Гигант колхози бўлимларидан бирига жойлашган факультет пахта штабига ўз вақтида етиб келдим. Штабда мени институтдаги собик ўқитувчим кутиб олди. Мен режамни айтдим. Ўқитувчим менга:

– Бахтили йигитсиз-да. Сизга биринчи иш кунингизданоқ ярим кунга дам бераман, – дедилар.

Кейин менга териладиган пахта майдони тугаб қолгани учун ҳамма талабаларни битта бригада даласига ишга олиб кетилгани ва алмashiш вақти етган ўқитувчилар уйларига эрталаб жўнаб кетишгани, менинг отрядга бугун боришим шарт эмаслигини таъкидладилар. Сунгра мени катта тол сояси остидаги кўрпачалар тўшалган тахта сўрига дам олишга таклиф этдилар. Талаба қизлардан бири бизга чой олиб келди.

Тақдир тақозоси билан сұхбатдошим менга форс тилидан дарс берганлар, мен эса уларнинг қизларига иқтисодиёт назарияси фанидан дарс берган эдим. Муҳайё гурухлардан бирининг сардори эди. Ўқитувчимдан:

– Домла, менинг собик талабам қалайлар? – деб сўрадим.

– Талабангиз, Худога шукур, ғоят баҳти бекамлар. Мактабда ишлайтилар. Ажойиб хонадонга келин бўлганлар. қудаларимиз ҳам, куёвимиз ҳам киши ҳавас қиласидиган, бағри кенг инсонлар. Келинг, бекор ҳам ўтирибмиз, улар ҳакидаги бир воқеани сизга мақтаниб гапириб берай, – дедилар. Мана ўқитувчимнинг айтган ҳикоялари.

Дәйми шининг сардори

...Мұхайё пединститутнинг математика факультетини тугаттак, талабаларни ишга жойлаштириш ҳайъати унга шаҳар мактабларидан бирида ишлаш учун йүлланма берди. Ҳали иш бошламасдан уни күёвга узатиши. У ғоят баҳти эди – олий маълумотли мутахассис, ўзи танлаган хонадоннинг эрка келини, иши тайин, энг муҳими, ўзига ёқсан йигитта турмушга бериши. Ҳа, ҳақиқатда унинг баҳти бекам эди.

Август ойининг биринчи куни Мұхайёнинг хотирасида умрбод сақланиб қолди – шу кун иш бошлади. Ҳали мактабда ўқиши бошланмагани учун ўқитувчилар ўзларини, хоналарини ва мактабни янги ўкув йилига тайёрлаш билан шуғулланишарди. Август ойининг охирги кунларидан бирида ўқитувчилар хўжалик ишлари мудири хонасига йигила бошлапши – маош беришар эмиш.

Мұхайё рўйхатдан фамилиясини топди, унинг қаршисидаги рақамга қаради ва шошилмай имзо чекди. У бу ишни атайлаб, хотирасида муҳрланиб қолиши учун шундай шошилмай бажарди.

Иш вақти тугаб Мұхайё уйига жўнади. Салқин йўлкадан одимлаб уйига борар экан, биринчи маошини нима қилишни ўйлаб қолди. «Албатта, болалигимдан тарбиялаб катта қилишган ва тўрт йил институтда ўқитган ота-онамга бераман-да. Бувими-чи, биринчи маошини хонадоннинг энг кексаси ва энг мўътабарига бермайманми? Турмуш ўртоғим-чи? Қайнона-қайнотам-чи?» деган саволлар унинг кўнглидан ўтди. Шу хаёллар билан бир қарорга келиб улгурмай ҳовлисига етиб келганини сезмай қолди.

Ҳовли айвонида қайнотаси китоб ўқиб ўтирап эди. У узок йиллар турли ишхоналарда ҳисобчи бўлиб ишлаган, ҳозир эса – пенсионер. Мұхайё отасига:

- Ассалому алайкум, ота, – деди.
- Ва алайкум ассалом, она қизим. Чарчамай келаяпсизми? – дея қарши олди қайнотаси.

Мұхайё сумкаласини очди ва биринчи маошини қайнотасига узатди. Қайнотаси келинининг қўлидан пулни олиб кўрпача устига қўйди ва топгани тўю томошоларга буюришини Аллоҳдан тилаб узок дуо қилди. Сўнгра пулни келининг қайтариб берәтиб:

- Она қизим, ўзи емаганини сизга едириб, ўзи киймаганини сизга кийдириб катта қилишган, тўрт йил институтда ўқитган отангиз, онангиз, қолаверса, бувингиз борлар. Биринчи маошингизни ўшаларга бериб бир хурсанд қилинг, – деди

кайнатаси. Мұхайё пулни қайтариб олгиси келмади. Қайнатаси эса уни келинининг очик сумкаласига солиб күйди.

Мұхайё пулни құтариб уй ичидә дам олаёттган қайнонасига олиб борди ва қайнатасининг гапларини унга гапириб берди.

— Аба, сиз олинг, — илтимос қилди у.

— Құзим. Үйимиздаги тартиби биласиз-ку. Биз отанғизнинг гапларини икки қылмаймиз. Тұғри айтибдилар. Уларнинг айтғанларини бажаринг, — деди буйруқ оҳангіда қайнонаси келиніга.

Эри ишдан қайтиб овқатланиб бўлгач, Мұхайё унга қайнатаси ва қайнонаси билан бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берди ва сумкасадан пулни олиб унга тутқазди. Пулни олишга эри ҳам рози бўлмади ва катталарнинг ишларини у ҳам маъқуллади.

Орадан икки-уч кун ўтгач, якшанба куни келин-куёв Мұхайёнинг уйларига боришиди. Мехмонлар учун дастурхон ёзилди. Ҳамма дастурхон атрофига тўғлангач, Мұхайё қайнатаси ва қайнонаси билан бўлган воқеаларни ўтирганларга сўзлаб берди ва сумкасадан маошини олиб отасига берди. Отаси пулни қўлига олди, қанчалиги билан қизиқди, қўлини очиб қизини «Топганинг тўю-томошоларингта буюрсин» деб дуо қилди. Отанинг дуосига ҳамма қўшилди. Сўнг дона-дона қилиб:

— Құзим, қулоғингизга қуйиб олинг. Одамлар иш ҳакисини ўз рўзғорига ишлатишади. Сиз энди бизнинг қизимиз эмассиз, аксинча меҳмонимизсиз. Халқимизнинг «Чиқарган қиз – чийдан ташқари» деган мақоли бор. Энди сиз ҳакиқий ота-онангизни топдингиз. Үйингиз ўзингизга буюрсин ва топганингизнинг бир сўмини ҳам бизга олиб келманг. Мана бу пулингизни ҳам отанғизга олиб бориб беринг, — деди қизига.

Мұхайё отаси қайтариб берган пулни сумкаласига солиб күйди. Ўз уйига қайтгач, бўлган воқеаларни қайнатасига гапириб берди. Қайнатаси келинининг гапларини эшигтгач:

— Олийҳиммат кудаларимга раҳмат. Энди құзим, маошингиз бизники бўлди. Уни онангизга беринг, — деди. Мұхайё маошини қайнонасига олиб кириб берди.

Эртаси куни нонуштадан кейин Мұхайёнинг қайнонаси ўғлига буюриб уйидаги токчага металл сандиқча кўйидирди. Сандиқча Мұхайёнинг уйида, аммо калити қайнонасининг чўнтағида сакланарди. Шунинг учун Мұхайё унда нима борлигини билмас эди.

Ойлар ўтди. Ҳар ойда Мұхайё маошини қайнонасига топшираверди. Келгуси йили ёз күнларининг биріда уларнинг уйпарида худойи үтказилды. Маросим таркалғач, қайнотасининг таклифи билан қудалар ҳовли үртасидаги айвончада түпланишди. Мұхайёның қайнотаси:

– Хурматли қудажонларим. Биз, эр-хотин, сизлардан бемаслағат бир иш мұлжаллаб қўйган эдик. Энди уни сизларга айтиш вакти келди. Қизим, онангиздан сандықчанинг калитини олиб, ичидағиларини бизга олиб чикинг, – деди.

Мұхайё темир сандықчани бириңчи марта очди ва бир даста тахлаб қўйилган пулларни кўрди. Уларнинг тахини бузмай қайнотасига олиб келиб берди. Бўлакларнинг ҳар бири қофозларга дид билан ўралган ва ҳар бир ўрамнинг устига ой ва рақамлар ёзиб қўйилган эди. Уй соҳиби – Мұхайёның қайнотаси пулларни ўтирганларга кўрсатиб:

– Мана, қизим Мұхайёнинг ишлаб топган пуллари, қудажонларим. Шу пулларга битта гилам олиб, қизимиизнинг деворига осиб қўймоқчимиз. Нима дейсизлар? – деди. Мұхайёның отаси:

– Куда бува. Мұхайё сизнинг қизингиз. Топганлари ҳам сизларники. Истаганингизча сарфлайверинг, – деди. Ҳамма отахоннинг фикрини маъқуллади. Мұхайёның қайнотаси:

– Қани, куда бува. Фарзандларимизни бир дуо қилинг-чи, – деди. Мұхайёның отаси узок дуо қилар экан, қудаларининг ўтганларига Аллоҳ таолодан имон сўради, қудаларига узок умр ва фарзандларига баҳту саодат тилади.

Мұхайёның қўзига қайнота ва қайнотаси янада ҳурматлироқ бўлиб кўриниб кетишиди. У сўрини айланиб ўтиб аввал қайнотасини, кейин эса қайнотасини кучоқлаб раҳмат айтди ва қўзида қувонч ёшлари кўринди.

Устозимнинг ҳикояларини мароқ билан тинглар эканман, у кишидан сўрадим:

– Домла. Бундай ажойиб қудаларни қандай топгансиз?

– Биз уларни эмас, улар бизни топишган. Энди, укагинам, Аллоҳ сизга ҳам қудали-андали бўлишни насиб этсин, бир нарсани ёдингиздан чикарманг. «Саломга яраша алик» дейишади. Агар қудаларингиздан яхши муносабат кутсангиз, уларга аввал сиз яхши муносабат кўрсатинг. Қудаларни яхши қиласиган таъсир уларга сиз қўрсатаётган яхши муносабатингиздир.

Кўнглимга куйидаги рубоий келди:

*Таъсирга акс таъсир борлиқ қонуни,  
Муносабат чоги унутма буни.  
Бирорвинг меҳридан умидвор бўлсанг,  
Аввал меҳринг билан сийлагин уни.*

2008 йил

## **САЙЁРА** *Воқеий ҳикоя*

*Ҳаётимда сира ҳам учрашмаган, аммо матбуот орқали таниганим оила соҳибаси, меҳрибон она, шифокор, сиёсатчи, энг муҳими, ўзбек мумтоз қўшиқларининг тақорорланмас ижрочиси Сайёра Ҳақназаровага бағишлайман.*

**Муҳаббат қай қалбни айлади макон,**  
**Унинг соҳибини этар чин инсон.**

Сайёра Пирназаровна навбатдаги операцияни тутагиб хонасига ҳоргин кириб келди ва креслога ўтириди. Операция тугади. Яна битта тирик жон ўлим чангалидан сақлаб қолинди. У пиёлага кўк чой куйиб ичди ва бошини креслонинг суюнчиғига қўйиб кўзини юмди. “Эй, тангрим. Яна битта одамни ўлим чангалидан куткариб қолдик. Тўрт мучамни соғ яратганинг ва менга теран ақл берганинг учун ўзингга минг шукр”, – деди у. Сайёра травматология бўйича водийда таникли мутахассис, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, клиникада бўлим мудири. Минглаб мураккаб операцияларни ўтказган ва деярли барчаси муваффақиятли якунланган. Унинг беморларга ёқадиган ажойиб одатлари бор – ҳар бир беморга самимий муомала қиласи ва ширин сўзлари билан кўнглини кўтарар, унинг касаллигини худди аудиторияда маърузачи устозлари талабаларга қандай батафсил ва эринмай тушинтирган бўлса, у ҳам шундай тушунтириб берар эди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. У гўшакни кўтарди.

– Ассалому алайкум, Сайёра Пирназаровна. Сизни Намангандан безовта қилаяпмиз. Яхшимисиз? – деган овоз эшигилди.

– Раҳмат, эшитаман.

– Сизга бемор жўнатаяпмиз. Ахволи жуда оғир. Тошкентдан мутахассис чақирган эдик, bemorni sizning клиникагизга жўнатишимишни айтишди. Шунинг учун огоҳлантириб кўяйлик деб телефон қиласапмиз.

– Раҳмат, огоҳлантирганингиз учун.

Андижон тиббиёт институти клиникаси травматология бўлими шифокорлари навбатдаги операцияга тайёргарлик кўра бошлишди. Сайёра Пирназаровна оғир операция олдидан тоза ҳаводан нафас олиш учун клиника ҳовлисига чиқди ва тарвақайлаган дараҳтнинг остидаги ўринидикка ўтиради. У ҳар сафар оғир операция олдидан шу жойда ўтиради ва Яратгандан омад сўрар эди. Ярим соатча вакт ўтгач, ҳамширанинг:

– Сайёра Пирназаровна, sizни чакиришаётти, – деган овози эштилди.

– Раҳмат, қизим. Мана кетаяпман, – деди у ва вазмин қадамлар билан клиника биносига кириб кетди.

Операция учун ҳамма нарса муҳайё. Шифокорлар Сайёра Пирназаровнани кутишар эди. У операция хонасига кириб bemorga яқинлашди. Уни кўрди-ю авзойи бузилиб, турган жойида қотиб қолди. Бемор таниш эди. Сайёра унинг юзини миллион кишининг орасидан ҳам сира адашмай таний олади. Соқоллари остидан Усмон уриб қолдирган тиртиклар шундай кўриниб турибди. Бу бошига не-не кулфатларни солган ўша лаънати Аҳмаднинг башараси эди. Сайёра бу bemorni даволаш у ёқда турсин, унинг юзига қарашга ҳам хазар қиларди. У бироз серрайиб тургач:

– Бошладик, – деди.

Гиппократ қасами Сайёра қалбидаги ғазаб ва нафратдан кучлилик қилди. Операция бошланди. Аммо Сайёра ўтмиш хотираларидан ўзини сира ҷалғита олмади. Кино тасмаси тасвирларидаидек бошидан ўтган воқеалар қайта жонланаверди.

\* \* \*

Наманганд. Тиббиёт билим юрти ҳовлиси абитуриентлар билан тўла. Қабулнинг сўнгти куни бўлгани учун ҳамма ҳужжат топширишга ошиқади. Сайёра ҳам ҳужжатларини шу куни топшириши шарт. Агар уларни бугун топшира олмаса, келгуси йили ким билади, нима бўлади? Уни келин қилиш орзуисида

ўйларига совчи бўлиб келаётганлар озмунчами? Ота-онасининг розилик бериб юборишларидан Сайёранинг ўқиши нияти зўрбазўр тутиб турибди. Ким билади, балки у талаба бўлишдек муқаддас орзуси амалга ошишидан маҳрум бўлиб қолиши ҳам мумкин. Уни қийнаётган яна бир ташвиш – Учқўргонга қатнайдиган автобуснинг сўнгисига улгуриши керак. Агар улгурмаса бу нотаниш шаҳарда қаёққа боради?

Шу хаёллар билан хомуш ўтирган Сайёранинг кўзи кархисидан қабул ҳайъати томон келаётган Усмонга тушди-ю кўнгли ёришиб кетди ва беихтиёр бор овози билан “Усмон ака!” деб бакириб юборди. Нотаниш шаҳарда қиз боланинг исмини айтиб чақириши Усмонга ғайриоддий туюлди ва юзлаб абитуриентлар орасидан чакирган қизни излай бошлади. Буни сезган Сайёра яна:

– Усмон ака, мен бу ердаман, – деди.

Бу сафар унинг товуши пастроқ, аммо тоят ёқимли жаранглади. Усмоннинг кўзи Сайёрага тушди ва кутилмаганда бекиёс катта бойлик топиб олган кишидек қувониб кетди.

Усмон – Сайёранинг ҳамشاҳри. Бир мактабда ўқишган. Сайёрадан уч синф юқорида ўқир эди. Унинг келишган қомати, спорт билан мунтазам шуғулланиши, мактаб жамоасига ғалабалар келтириши, қувноклиги, аъло баҳоларга ўқиши кўп қизлар қатори Сайёрага ҳам ёқарди.

Одатда мактабнинг қуий синф ўқувчилари юқори синф ўқувчиларини яхшироқ билишади. Аммо юқорисинф ўқувчилари яхши биладиган қуий синф ўқувчилари ҳам бўлади. Улар орасида спорт ва бадиий ижод билан шуғулладиганлар ажралиб туради. Сайёра ҳам шулар жумласига кираарди. Мактабнинг бирор тантанаси унинг қўшиғисиз ўтмас эди. Мактаб волейбол командасининг фаол ўйинчиси, жуда гўзал бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда кўхликкина эди. Расми аълочиilar тахтасидан сира тушмасди. Бундай қизлар ҳамиша йигитлар эътиборида туради.

Усмон ҳам Сайёрани яхши кўрадиган йигитлардан бири эди. Аммо йигит-қиз ўртасидаги муносабатлар ҳали муҳаббат даражасига ўсиб етмаган, оддийгина ҳавас эди. Шунинг учун бўлса керак, Усмон мактабни битирганидан кейин улар сира учрашишмади. Усмон уч йил ҳарбий хизматда бўлди. Такдир иккисини Намангандан яна учраштириди.

Абитуриентлар оралаб Усмон Сайёра томон, қиз эса у томон

юра бошлашди. Оралық икки қадамча қолгач, Усмон:

- Ассалому алайкум, Сайёра, – деди.
- Ва алайкум ассалом.
- Бу ерда нима қилиб юрибсиз?
- Хужжат топширипман. Ўзингиз-чи?
- Мен ҳам хужжат топширипман.

Усмоннинг жавобидан Сайёра янада шодланиб кетди. Усмон Сайёрага хужжат топшириш учун кеча рўйхатга ёзилиб кетгани ва навбати яқинлашиб қолганини айтди. Сайёра ҳам кеча навбатга ёзилиб кетган, унинг навбати Усмоннинг навбатидан анча орқада эди.

– Сайёра, юринг сал салқинроққа ўтайлик, – таклиф қилди Усмон.

– Кетдик.

Улар аббитуриентлар томонидан эгаллаб олинган дараҳтлар соясидан ўзларига жой қидира бошлашди ва қабул ҳайъатидан узокроқ дараҳт остидан жой топишиди. Ёзги қуёш ҳаммани сояга ҳайдайди. У Усмон ва Сайёрани ҳам бир-бирларига яқинлаштириб кўйди.

Йигит ва қиз ҳеч қачон бир-бирлари билан бу қадар яқин туришмаган эди. Икковлари ўтган-кетган воқеалардан сұхбалашиб туришиди. Усмон Сайёрага мактабни битирған йили ўқишига кира олмагани, сўнг ҳарбий хизматта чақирилгани ва Россиянинг шимолида хизматни ўтагани, ҳарбий хизматнинг машаққатлари, кувончлари, оғир атлетика билан шуғулланиб, мусобақаларда қатнашгани ҳақида сўзлаб берди.

“Ҳа. Усмоннинг спорт билан шуғуллангани шундоқ кўриниб турибди, – кўнглидан ўтказди Сайёра. – Худди Алпомишга ўхшайди”. Унинг кўзига Усмоннинг бўйи новчароқ, гавдаси эса каттароқ кўринди. Осиёча кўнғир кўзлари, бошининг олд қисмидагина қолдириб янги олдирилган сочи, қалин лаблари Усмонга шундай ярашиб турардики, Сайёра ундан ўзига ёқмайдган бирон белги тогтади.

Усмоннинг назарida Сайёра мутлақо бошқача бўлиб кўринди. У тўлишибди. Аввалги шаддодлиги йўқ. Шошилмай юрадиган ва шошилмай гапирадиган бўлиб қолибди. Юзлари пишган олмани эслатади – юмалоқ, оптоқ юзининг ёноқлари қизғиши, қошлари ўсма тортилгандек қоп-қора, сурма кўйилгандек корамтири қабоқлари кўзларининг қоралити билан уйғун, кўнғир ва узун

соchlari оёклари билан ўйнашаётгандек тебранади. Усмон Сайёрага аввалрок эътибор бермагани учун ўзини койигиси келди ва хаёлига ҳарбий хизматни ўтаётган пайтида бир ўртоғи жўнатган ғазал келиб қолди.

Мактаб ўкувчиларининг шеърлар битилган ён дафтарчалари бўларди. Дафтарча “Узбекистон” радиоси орқали куйланадиган ва бошқа кўшиқчилар айтадиган ашуалар матнлари билан тўлдирилиб бориларди. Усмон бу одатини ҳарбий хизмат даврида ҳам тарк этмади. Энди унинг дафтарчасидан муҳаббат ҳакида ёзилган талай шеърлар ҳам жой олган эди. Унда шеъриятга муҳаббатни мактаб адабиёт ўқитувчиси уйғоттан. Хизмат пайтлари улардан ўзига ёққанларини хиргойи қилиб юарди. Мана унинг хаёлида қолган ўша ғазаллардан бири. Усмон ҳозир мазкур ғазални эслар экан, шоир тахаллуси ўрнига ўзининг номини кўйиб кўрди:

*Кўзим олди кўзима қомати жонон кўринур,  
Чехраси нур таратувчи шами жаҳон кўринур.*

*Сурма қўйғандек қабоги, лилга тўйғандек қоши,  
Кўзининг қоралиги, воҳ, қора уммон кўринур.*

*Қоши ёйин остида киприклари гоҳ-гоҳ учib,  
Жисму жоним сайд этарга мисли пайкон кўринур.*

*Қаҳ-қаҳ отиб кулганида шодланиб, завққа тўлиб,  
Оғзининг ҳолати гўё гули хандон кўринур.*

*Қоматига мутаносиб икки дуркун кўкраги  
Меҳр тафтига макону тафтга кон кўринур.*

*Бўйи бирла баҳслашувчи ўрим-ўрим соchlari  
Бўйи жаннат таратувчи мисли раҳон кўринур.*

*Англа, Усмон, вақт ғанимат, ёр билан даврон сур,  
Ёрдан айру ўтган умринг сўнг пушаймон кўринур.*

“Сайёрани ёрим деб хисобляпсанми ўзингча? Қандай қилиб сенинг ёринг бўлсин? Ахир унга ҳали муҳаббат ҳам изхор этмагансан-ку. Нима, сен севаман десанг, у эргашиб

кетаверадими? Балки севган йигити бордир. Хаёлпарастлик ҳам эви билан-да”, деган фикрни күнглидан үтказди Усмон.

Аввал Усмон, бирон соатлардан кейин Сайёра ҳужжатларини қабул ҳайъатига топширишди ва елкаларидаги тоғ ағдарилгандай бўлиб, Чорсу автобус бекатига шошибишиди. Афсус, бекатда на автобус, на йўловчилар кўринар эди. Усмон автобусни билиш учун бекат биносига кириб кетди ва қайтиб чиқиб, Сайёрага Учқўргон автобуси ўн беш дақика аввал жўнаб кеттани, бошка автобус бўлмаслигини айгди.

Икки ҳамشاҳар нима қилишларини ва қаёққа боришларини билмай бироз гангид қолишиди. Сўнг Усмоннинг таклифи билан меҳмонхонага борадиган бўлишиди. Улар жой олиб қўйиб, кейин овқатланамиз деб маслаҳат қилишиди. Меҳмонхонага киришгач, «Место нет» деган ёзувга кўзлари тушди. Усмон ёзувга ишонмай жой сўраб администраторга мурожаат килди. У эса қўполлик билан:

– Что, не видите? – деб тўнғиллаб берди.

Усмоннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Бироз фурсат үтгач у яна, бу сафар ялинганинмо оҳангда, ўзларининг ахволларини тушунтириди ва уларга жой беришини рус тилида үтиниб сўради.

Администратор:

– С удовольствием отдала б место. Но, поймите, их у нас просто нету, – деди қатъий оҳангда. – Но могу дать вам хорошего совета. На юге города есть колхозная гостиница. Там всегда бывают свободные места.

Иккаласи ноилож ва хомуш кўчага чиқишиди. Администратор аёлнинг маслаҳати бўйича колхоз меҳмонхонасига олиб борадиган йўл бекатини қидириб кетишиди. Улар шаҳарнинг истироҳат боғини оралаб Исфархон мавзеси бозори рўпаратасидаги бекатта етиб келишганида, атрофга қоронғи туша бошлаган эди. Йўловчилар транспортни кўп кутишмади. Қаршиларидан устига брезент қопланган «ГАЗ-67» русумли енгил машина келиб тўхтади ва хайдовчи:

– Қаёққа борасизлар? – деб сўради.

– “Ленинград” колхозининг меҳмонхонасига, – деди Усмон.

– Кетдик, чиқинглар.

“Шаҳар шаҳар-да, соатлаб транспорт кутадиган Учқўргон-Наманганд йули эмас. Бир пиёла чой ичгунча вакт үтмади-ю транспорт тайёр” деган фикр Сайёранинг күнглидан үтди. Усмон

машинанинг орка ўриндигига чиқиб ўтириди ва Сайёра машинага кўтарилишда қийналиб қолганини кўриб, унга кўлини узатди. Сайёра шеригининг кўлидан ушлаб машинага чиқиб олди ва унинг ёнига ўтириди. “О кўллар. Бирам юмшоқ ва ёқимли. Усмоннинг кўллари-чи? Штанга кўтариш, кетмон, белкурак, бешлик билан килинган меҳнатларда дағаллашиб, кадоқка айланниб кетган” кўнглидан ўтказди Усмон.

Усмон ҳеч қачон Сайёра билан бу кадар яқин ўтирганди. Сайёранинг елкаси унинг елкасига тегиб турибди. Сочлари бетининг ёнгинасида. Ундан бирам ёқимли бўй тараалар эдики, у бундай ёқимли хидни умрида хиддамаган эди. “Ажабо, ниманинг бўйи экан. У на бирон бир упа, на бирон бир атири бўйига ўхшар эди. Гўё

*Бўйи бирла баҳслашувчи ўрим-ўрим сочлари*

*Бўйи жсаннат таратувчи мисли раҳон кўринур.*

Ха. Жаннатнинг бўйи. Қани энди шу бўй унинг димогига бир умр роҳат бағишлаб турса”. У Сайёранинг сочини қатиқ билан ювгач, қалампирмунчоқ ивтилиган илиқ сув билан чайиб олиш одатидан бехабар эди.

Ҳайдовчи йўловчиларга бир назар ташлади-ю, машинасини юргизди. Машина тош тўклилган нотекис йўлда силкиниб-силкиниб бораркан ҳайдовчи:

- Қаерданлизлар? – деб сўради.
- Учқўрғонданмиз, – жавоб берди Усмон.
- Шерингиз кимингиз бўлади?
- Ҳамشاҳарим.
- Жуда соз.

“Жуда соз. Хотини ҳам, синглиси ҳам эмас, етти ёт экан”, кўнглидан ўтказди Аҳмад. Ҳайдовчи йўловчиларга яна бир караб кўйди, шу қарашда унинг нияти бузилди. “Шаҳарда тўй килиб, хотин олиш осон эмас. Ҳайдовчининг толган пулига уйтаниш учун уни ўн йиллаб йигиши керак. Борди-ю биронта қишлоқнинг содда қизини кўлга тушириб ўзиники қилиб олса, қизнинг номусли ота-онаси ўз ёнидан тўй қилиб бериб бўлса ҳам қизларини Аҳмадниги келтириб беришади. Бугун йиллаб орзу килган режаси амалга ошадиган кунга ўхшайди. Халқда “Аз карнайчи як дуд” деган гап бор. Бир уриниб кўрай-чи. Балки бирон иш чиқиб қолар”, режалаштириди Аҳмад.

Аҳмад отасиз ўсган. У бешинчи-олтинчи синфларда ўкиб

юрганидаёқ онасига итоат қилмай күйганди. Яхши ўқиши үрнига дарсларга бормай, умрини Исфархон бозорида ўтказар, кунгабоқар уруғи, қурут, лезвие ва ҳоказолар сотиб пул топарди. Кейинчалик дарсларга деярли қатнамай күйди. Онаси қанча югуриб-елмасин ўғлини мактабга боргиза олмади. Синф раҳбари ва мактаб жамоасининг ҳаракатлари ҳам зое кетди. Онаси тақдирга тан берди, шекипли, ўғлини тергамай күйди. “Ҳар холда у меҳнат қиласи пул топяпти. Топгани рўзгорга барака киритаяпти”, дея ўзини овутди она.

Аҳмад еттинчи синфи тугаттагач, ўқишга бутунлай қатнамай күйди. Аммо она ўғлининг бозордаги янги-янги хунарларидан бехабар эди. Аҳмад кўпроқ пул топиш учун бозорга келган чоллар, аёллар ва ўсмирларнинг пулларини ўғирлар, автобусда киссавурлик қиласи, бозордаги турли қимор ўйинларига шерик бўлар, кечалари якка йўловчларни шериклари билан тунаб, кийим-бошларини ечиб оларди.

Аҳмад худди отаси каби норғул йигит бўлиб ўса бошлади. Унинг бўйи-бастини кўриб қувонган онанинг кўнглидан бир куни шундай фикрлар ўтди: “Қани энди урушда бедарак кетган отаси эшикдан кириб келса-ю, ўғлининг келишган қоматини кўриб, олам-олам қувонса ва топган-тутганини боласига едириб-ичириб, ўзидек паҳлавон қилиб тарбиялаган хотинига миннатдорлик билдирса”.

Аҳмад улғая бошлагач, маҳалла болаларининг муштлашишларида ҳам қатнаша бошлади. Йиллар ўтиб у муштлашишларнинг фаол иштирокчисига, кейин эса ташаббускорига айланди. Маҳалладошлари энди ундан ҳадиксираб, «Аҳмаджон» деб чақирадиган бўлишиди.

Аҳмаджонни ҳарбий хизматга чақиришиди ва у Россиянинг совук ўлкаларида қурилиш батальонида хизмат қилди. Хизмат даврида ҳайдовчиликка ўкиди ва уч йиллик хизматни юк ташиш билан ўтказди. У хизмат қилаётган жойдаги гугурт ишлаб чиқарадиган корхонада қизлар жуда кўп эди. Деярли барча “қария” аскарларнинг танишган қизлари бўларди. Аскарлар эркинликка чиқишганида улар билан учрашар, уйларида меҳмон бўлишар, танца майдонларида рақс тушишар, бир сўз билан айтганда, хизматни қувноқ ўтказишар эди.

Аҳмад ҳам қизлар билан танишмокчи бўлди ва ниятини ҳамشاҳрига айтди. Ҳамشاҳри таниш қизи билан бўладиган

навбатдаги учрашувга уни ҳам олиб кетди ва қизнинг дугонаси билан танишириб қўйди. Аҳмад эркинликка чиққанда ўша қиз билан учрашиб юрди. Учрашувларнинг бирида таниши ўзи ҳакида сўзлаб берди ва келажакда мединституттага ўқишига кириб, шифокор бўлиш истаги борлигини айтди. Сўнг Аҳмаднинг ўтмиши ҳакида сўраб қолди. Биронни алдашга ўрганмаган Аҳмад ўзи ҳакидаги барча гаптарни гапириб берди. Аҳмаднинг гапларини эшигтгач қиз:

- А какие книги читали? – деб сўраб қолди.
- Книги не читал, – деди Аҳмад.
- Ни одну книгу не читали? – ажабланиб сурди у. – Вы не можете стать моей парой, – деди-ю хайрлашиб кетиб қолди ва учрашувларга кайтиб келмади. Аҳмад бошқа биронга қиз билан танишмади.

Хизматдан қайтгач, ҳайдовчилик қила бошлади. Чунки унга энди бозорда иш йўқ эди. Сабаби, Аҳмадни ҳарбий хизмат қайта тарбиялари ва майда-чуйда ўғирлик қилиб қамалишни истамай қолди. Шунинг учун, гарчи у оғир меҳнатта ўрганмаган бўлсада, шахар кинофикациясининг машинасини мина бошлади. Иши унчалик оғир эмас: киноленталарини ижара омборидан олиб кинотеатрларга, кинотеатрлардан олиб яна ижара омборига ташир, бўш вакъларида эса киракашлик қилар эди.

Бир-икки кун бўлди – Усмоннинг кўзлари окшомдан кейин хиралашадиган бўлиб қолди. Тунлари кўзи лампочка ёруғини, ой нурини кўра олади. Бошқа нарсаларни эса гўё борлиқни туман қоплаб тургандек кўра олмайди. Шунинг учун у окшомгача меҳмонхонага жойлашиб олишга шошилар эди. Ахир нотаниш жойда кўр одамга ўхшаб Сайёррага ўзини етаклатиб юрсинми?

Ҳайдовчи бирон километрча юргач, узр сўраб машинадан тушди ва йўлнинг ўнг томонидаги кичик кўча бўйлаб юриб кетди. Чамаси ярим соатлар ўтгач, ўзи билан икки кишини, ўртоқлари бўлишса керак, бошлаб келди.

Машина йўлда ғизиллаб борар экан, шаҳар тугаб пахтазорлар кўрина бошлади. “Мехмонхонани шаҳарнинг чеккасида дейишганди. Аммо шаҳар тугаб далалар бошланди-ку. Ҳайдовчи бизни қаёқка олиб кетаяпти? У нега бу йигитларни шерик қилиб олди? Бирон-бир шум нияти йўқмикан?” – деган фикрлар Сайёрининг кўнглидан ўтди ва:

- Ака, қаёқка кетаяпмиз? Мехмонхона орқада қолиб кетди-ёв, – деди норози оҳангда.

– Тўғри айтдингиз, ука. Мана буларнинг жуда зарур ишлари бор экан. Шуни битказамизу қайтишда сизларни меҳмонхонага ташлаб ўтамиш, – деди бепарво Аҳмад.

Машина пахтазорлар оралаб қишлоққа кириб борди. Қишлоқ дарёning ёқасида жойлашган экан. У қишлоқдан ўтиб дарё кечувидан оролга томон юра бошлади. Дарё кечувининг таги шағалли бўлгани ва олд ғилдираклари ҳам торта олгани учун машина сира қийналмай кечувдан ўтди. Чамаси ҳайдовчи бу йўлдан биринчи марта юрмаяпти. Акс холда хеч иккиланмай машинани дарё кечувига солмаган бўларди.

Машина атрофи сув билан чегараланган оролчага ўтиб тўхтади. Аҳмад ва унинг ўртоқлари машинадан тушишди. Аҳмад машинани айланиб ўтиб йўловчиларига:

– Қани, тушинглар. Меҳмонхонага етиб келдиларинг, – деди.

Йўловчилар бу таклифдан ҳангуманг булиб колишли. Усмон хеч нарсани кўрмас эди. Унинг қулоқларига оқаётган дарёning шовуллаши эшигиларди, холос. У жавоб беришга тараддуланиб турганда, Сайёра хўнграб юборди.

– Сайёра, нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз? – сўради Усмон. Сайёра уларни меҳмонхонага эмас, дарё оролига олиб келишганини айтди. Усмон вазиятни энди тасаввур қилди.

– Биз меҳмонхонага борамиз. Ўша ерга олиб бориб қўйинг. Унгача машинангиздан тушмаймиз. Йўлкирангизни икки ҳисса кўпайтириб тўлаймиз, – деди Усмон.

Аҳмадга ҳозир пул керак эмас эди.

– Пулинг керак эмас менга. Гапни кўпайтирмай машинадан туш. Пулни сенга мен бераман. Бирон километр юрсанг, катта йўлга чиқасан ва учраган машинага ўтириб меҳмонхонангга етиб оласан. Қиз эса шу ерда қолади. Биз бу ердан эрталаб қайтамиш, – деди буйруқ оҳангода Аҳмад Усмонга.

Аҳмад Сайёрани қўлидан тортиб, машинадан ерга туширмоқчи бўлди. Сайёра каршилик кўрсатди. Лекин кучи етмади.

Аҳмаднинг буйруги билан икки йигит Усмонни ҳам машинадан ерга туширмоқчи бўлиши. Усмон машинадан ўзи тушди. У Сайёрани ташлаб кетармиди. Йигитлардан бири Усмонга шаҳар томонни кўрсатиб:

– Қани, туёғингни шиқиллат, – деди.

Усмон турган жойида нима киларини билмай ҳайкалдек

котиб қолди. Факат Аҳмад Сайёрани оролнинг овлокрок жойига судрай бошлагач ва у “Усмон ака! Ёрдам беринг” деб додлагач, уни кутқариш учун Аҳмад томон чопиб кетди.

Аҳмад Усмонни мушт билан қарши олди. Мушт зарбасидан гандирасиғаб қолган Усмонни Аҳмад бўға бошлади. “Яша, Аҳмад. Агар сен менга яқинлашмаганингда шапқўр кўзим билан сени қандай топардим. Энди кўлимдан омон чиқиб бўбсан”, деди Усмон ўзига. Усмон Аҳмадни даст кўтарди-ю боши узра айлантириб шағали тупрокка улоктириб ташлади. Аҳмад ерга гурсилаб йикилди ва ўрнидан тура олмай ётиб қолди.

— Сайёра, менга кўлингизни узатинг, — деди Усмон қизга кўл чўзиб. — Қочдик. Сайёра Усмонни осмонида электр нурлари порлаб турган шаҳарга томон етаклади. Аҳмад ётган жойида шерикларига:

— Ушланг лаънатиларни. Полвоннинг онасини Учқўргондан кўрсатиб кўйинглар, — деб бакирди. Безорилар Усмонни калтаклай бошлишди. У муштларнинг қаёқдан келаётганини кўра олмагани учун жавоб қайтара олмас ва бошини ҳимояланадиган боскчилардек кўллари билан беркитиб олиб ўзини муштлар зарбасидан ҳимоя қиласкан, Сайёрага “қоч” деб бакирарди.

Сайёра Усмонни ташлаб қочиб кетмади. Аксинса, зўравонлардан уни урмасликларини илтимос килиб, зор-зор йиглади. Усмон ўзини ҳимоя килгач, “онасини Учқўргондан кўрди” — хушидан кетиб ерга қулади. Номардлар уни яна тепкилашди.

Зўравонлар дарё сувида юз-кўлларини ювишди. Шу пайт хушига келган Усмон бор кучи билан товуш келган томонга ташланди. Аммо кўкрагига урилган мушт уни дарёга улоктириди. У оқиб кета бошлади. Сайёра Усмонни кутқармоқчи бўлиб сув томонга югурди. Йигитлар эса уни тутиб қолишиди. Усмоннинг жонажон дарёси – Норин уни муштумзўларнинг калтаклашларидан, зўравонларни эса Усмоннинг ташвишидан кутқарди.

Ҳали хушидан кетмаган Усмон чалқанча ётиб олганича оёқларини сал-сал қимирлатиб дарёда оқарди.

Аҳмад ўрнидан турди ва Сайёрага томон яқинлаша бошлади. Сайёра бор кучи билан зўравонлар таҳдидидан қочиб ўзини дарёning шовуллаб оқаётган сувига отди ва шўнғиб кетди. Сайёра сувда шўнғиб борар экан: “Эй Худо! Мени ўзинг аспа. Эй она

дарёйим! Мени ўз бағрингта яшир. Шу лаънатилар номусимни топтаб беномус бўлиб яшаганимдан кўра ўлганим минг марта аъло”, деди ва гўё сувдан юкорига кўтарисла, уни кидириб келаётган зўравонлар яна тутиб олишадигандек, сувнинг бағрида нафаси бўғисла ҳам узоқ қолиб кетди.

Безорилар ойнинг ёруғида хира кўринаётган дарёга қараб нима қилишларини билмай анграйиб қолишиди. Атроф жим-жит. Иккала меҳмон дарёга чўкиб кетди. Қотиллик юз берди. Қасдан одам ўлдирган қотилларга суд хукми билан ўлим жазоси қўлланади.

Аҳмаднинг ўртоқларидан бири бирданига муштини ерга уриб жиноятта бошлагани учун уни бўралаб сўка бошлади. Онасини ҳақорат қилгани учун Аҳмад чидамади ва ҳақорат қилган ўртоғига ташланди. Иккинчи ўртоғи уни ушлаб қолди. Аммо ажратган йигитнинг ўзи ҳам қотилликка шерик бўлиб қолгани учун ич-этини еяётган эди. Аҳмад эса қилган ишидан эсанкираб қолди ва нияти одам ўлдириш эмаслиги, ишнинг пачавасини чиқариб, қотилликка кўл урган у эмас, иккала аҳмок шериклари эканини айтиб, уларни айблай бошлади. Бу тухматларни эшитган икки йигит Аҳмаддан хафа бўлиб унинг ўзига ҳам, машинасига ҳам қарамай, пиёда шаҳарга жўнаб кетишиди.

Сув бағрида маълум муддат шўнгиги боргач, Сайёранинг нафаси бўғила бошлади. У зўравонлар қўлига тушиб қолишидан кўркиб бор кучи ва тоқати билан сувдан кўтарилмасликка ҳаракат қиласади. Аммо ортиқ тоқат қила олмади ва сувнинг юзига сузиб чиқди, тўйиб-тўйиб нафас олди, аланглаб атрофга қаради. Унинг кўзига ойнинг хира нурида оролча ҳам, ундаги йигитлар ҳам кўринишмади. “Худога шукр, меҳрибон Эгам. Сенга минг раҳмат, она Нориним. Мени зўравонлардан асраб қолдинг”, деди ва дарёning қишлоқ жойлашган ўнг соҳилига томон суза бошлади. Дарёдан чиқиб, харсанг тошлар устида ўтириб, бироз дам олди. Агар номуси топталганда бошига қандай мусибатлар тушишини кўнглидан ўтказди.

Атроф сокин. Дарёning шовуллашидан бошқа ҳеч бир тирик жоннинг товуши эшитилмасди. Ҳеч ким йўклигига каноат ҳосил қиласади, Сайёра устки кийимларини ечиб сувини сикди ва буталар устига ёйиб кўйди. Сўнг ўлтириб ўйга чўмди ва ҳали нами қочмаган кийимларини кийиб қишлоқ томон юрди. Қишлоққа яқинлашгач, итларнинг вовуллашлари кучайди. Гўё унинг

назаридә ҳар бир хонадоннинг ити бору, улар Сайёрани кутиб олишга пешвоздек туюлди. Күчадаги итлар одамни тишламайди. Аммо, кўпинча, эгалари тишлайдиган итларини ҳам кечаси очиб юборишади. Ҳар эҳтимолга қарши таёқ топиб олиш керак. Таёқ – итларга қарши қурол.

Сайёра тол новдасидан синдириб олди ва уни ҳасса қилиб қишлоққа йўл олди. У қишлоқ одамларининг одатини яхши билади – ҳаммалари кечаси дарвозаларини беркитиб, эрта тонгдан очиб қўйишади. У ўйланиб ўтирамай дуч келган биринчи дарвозани тақиллатди. Бироз ўтгач, ҳовлидан “Хозир” деган товуш эшигилди. Нихоят дарвоза очилиб, кекса отахоннинг гавдаси кўринди.

– Ассалому алайкум, отахон, – деди Сайёра.

Мезбон уст-боши ҳўл, соchlари тўзиган ва, энг муҳими, bemavrid келган қизга бир муддат термулиб турди-ю эшикни қарс этказиб ёпиб, уйига кириб кетди. Сайёра тушундики, отахон уни енгилоёқ аёллардан деб ҳисоблаб, наҳс босган аёлнинг саломига алик олгиси ҳам келмади. Қани энди Сайёра ўзининг отахон ўйлагандек енгилоёқ эмаслигини тушунтириб бера олса. Ахир отахон унинг гагларини эшитиш у ёқда турсин, саломига алик ҳам олмади-ку. Ноилож у навбатдаги эшикни тақиллатди ва хонадон соҳибига кўринмаслик учун ўзини толнинг соясига олди. Эшикни кекса кампир очди. Сайёра:

– Ассалому алайкум, холажон, – деди майин ва илтижоли оҳангда Сайёра.

– Ва алайкум ассалом. Келинг, кизим.

– Холажон. Аввал ҳовлингизга кирайлик, кейин бор гапни айтаман, – деди. У мезбоннинг ёнидан ўтиб ҳовлига кириб олди-ю, ўзини холанинг бағрига отиб, ҳўнграб юборди. Мезбон ҳайрон бўлиб қизни кучоқлади ва кийимининг ҳўллигини сезди. “Нимадир бўлган бу бечора қизга. Ахир шу ҳолатда шамоллаб колади-ку”, ўйлади ва оналик меҳри билан қизни уйга олиб кирди. Унинг қаршилигига қарамасдан кийимларини ечинтириб олди ва неварасининг кийимларини кийдириб қўйди. Мезбон ёлғиз яшар эди. Неваралари вақти-вақти билан момосинининг уйига келиб хизматларини қилиб кетишарди. Шунинг учун катта неварасининг бир қур кийими шу ерда турар эди.

– Кизим, кун ботмасдан овқатланган эдим. Корним очиб қолди. Энди чой қўйиб овқатланаман, деб турган эдим, сиз

чакириб қолдингиз. Иккаламиз бирга овқатланамиз, – деди кампир.

Мехмон ўрнидан туриб электр плита устида қайнаётган сувдан чой дамлади. Мезбон эса дастурхон ёзиб, уни ноз-незъматлар билан тўлдирди. Овқатланиш давомида Сайёра мезбонга ўзини таништири ва бошига тушган ишлар ҳакида йиғламсираб сўзлаб берди. Қизнинг ҳикоясини тинглаётган мезбон унинг жасоратига қойил қолиб:

– Яша-е, қаҳрамон қизим. Сувдан қўркмадингми? Дарё суви тошиб, сел келаётган кунлар тугамаган бир вактда чўкиб кетишдан қўркиб қизлар у ёқда турсин, ҳатто йигитлар дарёга тушишмайди. Жасоратингга балли-е, – деди.

– Мен дарёга ўзимни ўлдиргани ташлаган эдим. Умримдан бор экан, сизнинг рўпарангизда ўтирибман, – деди меҳмон.

Овқатланиб бўлишгач, меҳмон дастурхонларни йиғишилди. Мезбон эса хонага тоғора, сув ва совун олиб кирди.

– Қизим, кийимларингни ювиб, ташқарига ёйиб қўйинг. Эрталаб уларни дазмоллаб янгидек кийиб кетасиз, – деди.

Мехмон мезбоннинг айтганларини бажарди. Кейин иккаласи ўзларига жой тўشاцди. Бироз сўзлашиб ётишгач, мезбон уйкуга кетди. Ўзининг вахимали ташвишларидан бироз қутулган меҳмоннинг эсига дарёга чўкиб кетган Усмон тушиб қолди. Унинг қалбида икки қарама-қарши туйғу курашар эди – бири номусини сақлаб қолиш қувончи, иккинчиси эса Усмоннинг тақдери. “Усмон дарёда чўкмайди. Сузишни яхши билади. Фақат калтаклар зарбидан ҳушидан кетмаган бўлса бўлди”, кўнглидан ўтказди Сайёра ва эрталабгача кўз юммади.

Эрта тонгда Мехри хола таҳорат қилиб намозга тутинди. Сайёра эса, худди уйидаги одатидек, ҳовлига сув сепиб, супурди. Нонушта тайёрлади. Сўнгра иккалалари овқатланишди. Дастурхон йиғилгач, Мехри хола:

– Қизим, сен жой тайёрлаб тур. Мен қўшникидан дазмол олиб чиқаман, кўйлагингни дазмоллаб оласан, – деди.

Сайёра ўзининг кийимларини ҳам, Мехри холанинг кийимларини ҳам дазмоллади. “Иш кийими билан хижолат тортмасин” деб меҳмонга тузукнина қарамаган Мехри хола энди Сайёрага юзланиб қаради. Қаршисида атлас кўйлакли, бўйи-басти ўртача, дўмбоқнина қиз турар эди. Кийган кўйлаги тиззасидан бир карич пастрокда, соchlари эса кўйлаги билан

теппа-тенг. Қора қош, қора күз, киприлари узун ёқимтой бир қиз эди. “Албатта, бу хусну қомат ҳар қандай йигитни үзига маҳлиё қилиб күяди-да, қизим тушмагур-ей”, деди хола үзига.

Сайёра Мехри хола билан үз онасилик қучоклашиб хайрлашаётганды хола ундан:

– Йўл кирангиз борми, қизим? – деб сўради.

– Вой шўрим курсин. Эсимни қаранг. Пулим билан техникум берган тилхат қоғозини рўмолчамга ўраб кўлимда ушлаб олган эдим. Дарёда оқизиб юборибман, шекилли, – деди Сайёра. Мехри хола унга пул берди. Сайёра худди кечаги йигитлар уни тутиб олишадигандек ҳадиксираб, хола тушунтирган йўл бўйлаб, бекат томон юрди. Нияти Учқурғонга бориб Усмоннинг тақдирини билиш эди.

Усмон дарёда анча окиб борди. Сувнинг совуғи калтакланган кўлларини қимирлатмай қўйди. Аммо оёқ ҳаракатлари енгиллаша борди. Бироз муддат оқиб боргач, гавдаси ерга теккандек бўлди. Гўё сув унинг танасини, она боласини оҳиста бешикка ётқизиб қўяётгандек, тошлар устига ётқизиб қўйди.

У кийнала-қийнала ағдарилиб олди. Судралиб, эмаклаб қуруқликка чиқди. У шу зайлда бадани исигунча ётди. Бадани исигач, кўллари ҳаракатга кела бошлади. Усмон баданини янада қиздириш учун кийимларини ечди. Бироз үзига келгач, уларни сикиб тошларга ёйиб қўйди.

Тонг ота бошлади. Усмоннинг кўзлари атрофни кўра бошлади. У атрофи сув билан ўралган оролчада эди. Гўё оролча Усмонни кутқариш учун атайлаб яратилган. Бундай оролчалар селлар натижасида ҳар йили ўнталаб пайдо бўлишади ва йўқолиб кетишиади.

Куёш кўринди. Унинг заррин нурлари атрофга ёғду соча бошлади. Ёғдулар Усмоннинг совуқ қотган танасига ором ва аклига тийранлик бағишлади. Ивиган кийимларини, чўнгагидаги пул ва қоғозларни ёйиб, қуритишга киришди. “Сайёра, Сайёра. Қаердасиз?!”, деган овози атрофни ларзага солди. Сайёранинг номаълум тақдирни унинг юрагини эзид юборди ва тақдиридан зорланиб эзилиб-эзилиб йиглади. “Уни қидириб топиш керак. Албатта, топиш керак. Бошига балолар ёғдирган Аҳмад ва унинг шериклари жавобларини олишлари шарт”, қатъий қарор қилди у.

Усмон худди уйидагидек эрталабки гимнастикани бошлади. Табиятда машқ килиш қанчалик ёқимли-я. Аммо бугун унинг

хар бир ҳаракати жонини сугуриб олаётган оғриқ билан ўтди. У машқлар давомида оғриклари камая борганини, аммо Сайёра ташвиши ортиб борганини сезди.

Кийимлари ва пуллари қуригач, оролчадан дарё чеккасига ўтди. У кийимларини кийиб олди ва дарё бўйлаб Сайёрани узқ килирди. У на Сайёрани, на Аҳмад ва унинг шерикларини учратди.

Дарёдан қуруқликка чикқанидан бўён Усмоннинг юрагини Сайёранинг тақдери қийнар, юраги тирналган сари унда Аҳмад ва унинг шерикларидан ўч олиш ҳисси кучаярди. У фикран килар ишларини режалаштириб олди. Биринчи иши – Сайёрани кидириб топиш. Шу максадда Усмон қишлоқ автобус бекатига шошилди.

Сайёра шошилаётган эди. У тезроқ Усмондан хабар топиши керак. Аммо у ўтирган бир эшикли «Пазик» ҳадеганда жўнайвермади. Орқа ўриндиқдаги каттароқ ёшдаги йўловчининг:

– Ҳайдовчи ака, кетдик. Ишдан кеч қолмайлик, – деган илтимосига ҳайдовчи хотиржамлик билан:

– Шошилманг, ака. Автобус одамлар билан тўлсин. Улар ҳам сизга ўхшаб ишга боришади, – деб жавоб берди.

Автобуснинг ўриндиқлари ҳам, йўлаклари ҳам йўловчилар билан тўлди. У йўл-йўлакай яна учта қишлоқда тўхтаб, одам олди. Ўзи шундок ҳам йўловчилар билан тўлган автобус энди ҳақиқий тирбанд бўлди – икки кишили ўриндиқларга уч кишидан ўтиришди. Тик турганлар эса бир-бирларига қапишиб боришарди. Гарчи эрталабки қуёш ҳавони уччалик киздирмаётган бўлса ҳам, автобуснинг ичи ҳаммомни эслатар эди. Шу зайлда автобус бир соатча йўл юрди. Шаҳарнинг Исфархон мавзесидаги бекатда дастлабки йўловчилар тушишди. Ва, ниҳоят, Сайёра ўтирган автобус шоҳ бекатга етиб келди.

“Усмон акамга нима бўлди экан-а? Мени деб ҳалок бўлмадимикан? Йўғ-е. Нафасингни шамол учирсин. Уни Худонинг ўзи асраган бўлсин. Қани ҳозир бекатнинг эшигидан Усмон тўрт мучаси соппа-соғ жилмайиб кириб келса. Бу Сайёрага Аллоҳнинг берган бекиёс марҳамати бўлар эди. Эй, Худо. Марҳаматингни мендан дариг тутма. Сенга илтижо киламан – Усмон акамни ўзинг панохингда асрагин”, дея Сайёра кўз ёшлирини тўкиб Аллоҳга ялинди.

Усмон автобусдан тушди. Унинг кўзлари Сайёрани қидирав эди. Нанай, Учқўргон автобуслари келиб, бекат одамлар билан

түлди. Аммо улар орасида Сайёра йўқ эди. Усмон уни танишибилишларидан ҳам суриштириб кўрди. Аммо ҳамма сўраганлари уни кўрмаганликларини айтиши. У толиқиб, бекат ичидаги ўриндикда дам олмоқчи ва шу ерда Сайёрани кутмоқчи бўлди. Кўзи ўзи қидираётган ва кечадан бўён энг азиз киши сига айланиб қолган Сайёрага тушди. Сайёра бекатнинг бир четидаги ўриндикда бошини деворга суюб, кўзини юмиб хомуш мунғайиб ўтирас эди. Усмоннинг кўнгли ёришиб кетди ва бор овози билан унинг исмини айтиб чақирмоқчи бўлди. Аммо ғайритабиий бир куч Усмонни тўхтатиб қолди. Бу номус кучи эди. “Қандай қилиб Сайёрунинг юзига қарай олади? Ахир Усмон уни ҳимоя қила олмади-ку. Бечора қизни уч йигит ихтиёрига топшириб қўйди-я. Достонлардаги:

*Ҳар ким ўз юртида бекми, тўрами?*

Ўзи ўлмай ўз ёрини берами? деган байтга амал қилдими? Унинг тирик колганидан ўлгани афзал эмасми? Садқайи йигит кет”. Бу фикрлар унинг юрак-бағрини эзар эди.

Усмон бир муддат турган жойида карахт бўлиб туриб қолди. Бекатдаги ўриндиққа юкларини кўяётган йигитлардан бири кувончили оҳангда:

— Усмон. Ўзингмисан? Вой дўстим-ей. Учрашган жойимизни кара, — деди ва унга томон кучоқ очиб кела бошлади. Усмон сергак тортди. Уни чақирган йигит наманганлик хизматдоши эди.

— Ўртоқларим билан Нанайга дам олгани кетаётган эдик. Зап учрадинг-да. Бирга дам оламиз.

Сайёра “Усмон” деган чақириқни эшигди-ю, ўрнидан туриб кетди ва рўпарасида тирик Усмонни кўрди. Ўзини тўхтата олмай унинг қучоғига отилди. Сайёрунинг бу ҳаракати Усмонга ўта ғайритабиий туюлгани билан бошқаларни ажаблантирмади. Ким билади? Балки бу қиз ҳарбий хизматдан қайтаётган акасини учратиб қолгандир.

Бу ишга фақат хизматдош дўсти ҳайрон эди. У Усмоннинг ҳамма яқинларини биларди. Улар ҳақида кўп эшигтан. Аммо бу қиз ҳақида у ҳеч нарса билмас эди.

Сайёра хўрсиниб узоқ йиғлади. Усмон эса уни юпатишга сўз тополмай қийналар эди. Такдир уларни яна учраштириди. Усмон Сайёрани дўстига, дўстини эса қизга танишитирди. Усмоннинг ёрилган ва бироз шишган лаблари, кўкарган юzlари, у билан

кизнинг учрашуви дўстига ғалатирок туюлди. Унинг хаёлидан “Бир иш бор-ов”, деган фикр ўтди.

Усмон дам олишга бора олмаслигини айтиб, дўстидан узр сўради. Дўсти билан хайрлашгач, Сайёра билан билет олиш учун касса томон кетишиди. Улар ёнма-ён жойдан билет олишиди. Иккаласи Учқўрғонга етгунча бошларидан ўтган воқеаларни бир-бирларига сўзлашиб кетишиди.

Йўл бўйи Сайёрани бир ташвиш қийнар эди. Бу онасининг “Кизим, нега кеча келмадинг? Тунни қаерда ўтказдинг?” деган саволларига жавоб бериш эди.

Йигитвақиз автобусдан тушиб, тўппа-тўғри Сайёralарникига боришиди. Ота-оналарини алдаб ўрганмаган иккаласи Сайёрининг онасига бўлган воқеаларни багафсил сўзлаб беришиди ва шу билан уларнинг кўнгиллари енгил тортди. Усмон уйига жўнади.

Ўғлининг афт-ангорини кўрган онаси ташвишланиб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Усмон бўлиб ўтган воқеалар ҳақида онасига бор гапни айтиб берди. Онаси ўғлининг кўйлагини ечдириб тепкилар зарбидан моматалоқ бўлиб кетган баданларини кузатди, кўл ва оёкларини буклатиб кўрди. Хайрият, ўғлининг ҳеч қаери синмаган ва чикмаган. Агар ички аъзолари эзилмаган бўлса, ортиқча ташвишга ҳожат йўқ.

Сайёralарнинг уйидаги узоқ тортишувлардан кейин ота-онаси қизларига кириш имтиҳонларини топширишига рухсат беришиди. Усмон ҳам, Сайёра ҳам кириш имтиҳонларини муваффакиятли топшириб, ўқишга киришиди. Аммо сентябрь ойи яқинлашгач, отаси қизнинг ўқишига рухсат бермай туриб олди. Улар қизларига имтиҳон топширишига рухсат беришганда, имтиҳонларни топшира олмай қайтиб келишини кутишган экан. Такдирнинг ишини қарантки, “Ўқитаман” деганларнинг болалари ўқишга кира олмай, “Ўқитмайман” деган ота-оналарнинг болалари ўқишга кириб кетса.

Сайёра ота-онасидан кўп илтимос килди. Аммо улар ўзи билан бўлиб ўтган ташвишли воқеаларни унинг юзига солиб, сира рухсат бергилари келмади. Ноилож қолган Сайёра Усмон билан маслаҳатлашди ва мактаб директоридан ёрдам сўради. Сайёрининг меҳнатсевар, ҳалол ва шу билан бирга ўта қайсар отасининг феъл-атворини яхши билган мактаб директори уни ўта эҳтиёткорлик ва устамонлик билан йўлга солди. Сайёрининг ўилидаги “қизил чирок” олинди.

Аҳмад билан унинг ўртоқлари орасига совукчилик тушди. Уччаласи ҳам ўзларини қотил сифатида тутиб кетиладиган кунларини кутишар эди. Айтишларича, дарёning Жомашуй якинида сим тўр тортилган бўлиб, дарёда оққанларни шу ердан топишар экан. Одатда, ёз кунлари сувга чўкканлар уч кундан кейин сувнинг тепасига қалқиб чикар эмиш. Аммо бир ҳафта ўтди – тинчлик. Ҳафталар ўтди – яна тинчлик.

Аҳмаднинг юраги қўймади. Медтехникумга бориб Усмонними, Сайёрамими топмокчи бўлди. Албатта улар билан юзма-юз кўриша олмайди. Узоқдан кўриб тирикликларини билса, бўлди. Талабалар дарсга келадиган пайтларида у шаҳар истироҳат боғининг панъяралари ортида туриб кузата бошлиди. Аммо бир неча кун улар орасидан кидиргандарини топа олмади. Ва, ниҳоят, душанба куни эрта тонгда кўлларида юклари билан дарсга келаётган Усмон ва Сайёрани кўрди. Уларни қўрди-ю кўкрагига “туф”лади. Аҳмад уларнинг тирикликларидан, ўзини ва ўртокларини эса уларнинг котилларига айланиб қолмагандаридан кувониб кетди ва ичидаги “Худога шукр”, деди.

Сентябрь охирларида талабалар пахта йигим-теримида пахтакорларга ёрдам бериш учун туманларга жўнаб кетишиди. Тибиёт техникуми талабалари Учкўргон туманидаги совхозга келишиди. Улар кузни ўз туманларида ўтказишиди. Пахта терими шундай мароқли ўтдики, ким билади “талабалик – олтин давр” дейишишганда балки пахта йигим-терими даврини тасаввур килишганмикан? Ҳар куни кечки пайтда битта гуруҳ талабалари концерт беришади. Ўқитувчилардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати эса уларни баҳолаб боришади. Бундай концертларда йигитлар ҳам қатнашарди. Улар концерт номерлари оралиғида спортнинг турли соҳалари бўйича кўргазмали чиқишлар қилишар эди. Бундай чиқишларда албатта Усмон ҳам қатнашарди. Сайёранинг қўшиқлари туфайли унинг гуруҳи кўпинча биринчи ўринни олар эди.

Суяги пахтазорда қотган Усмон ва Сайёрага пахта териш кийин иш эмас. Бошланғич синфлардан бошлаб ҳар куз пахта теришган. Шунинг учун иккаласининг исму шарифи илғор теримчилар рўйхатидан тушмас ва ҳар ўн кунлик терим натижасига кўра мукофот олиб туришарди. Усмонни техникумга танитган яна бир иши бор эди – у бутун бир гурухнинг терган пахтасини бир ўзи тележкага олиб берарди.

Улар ҳар хил бўлимда ўқишигани учун баъзан бирга, баъзан

эса бошқа-бошқа майдонларда пахта теришарди. Бир майдонда теришганда пахталари ўргада бўларди. Ҳамма пахтани Усмон ташиб тарозига олиб чиқарди.

Медтехникумда йигитларга нисбатан кизлар кўпроқ ўқишиди. Кўпинча бир йигит бир нечта қизнинг пахтасини ташишда ёрдам берарди. Шундай пайтларда Усмон бошқа кизларга ёрдам берса, Сайёранинг ғаши келарди. Гарчи қиз бу килигини ҳаммадан яширишга уринса ҳам, йигит уни барибир сезарди ва Сайёранинг бу килиги унга жуда ёқарди.

Усмон Сайёранинг қўлидан бир марта – машинага чиқаётганида ёрдамлашиш учун ушлаган эди. Улар бир неча йил бирга ўқишиди-ю, аммо ҳеч қачон, баъзи ҳинд фильмларида тасвирланганидек, кўчада қўл ушлашиб юришмади.

Ҳаё – кишилардаги энг нозик ва энг ёқимли туйғу. У вафо билан жондош, эгизак. Алишер Навоий ёзганларидек “Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ”. Усмон Сайёрани бошқа кизлар билан такқослар ва унга тенгини топа олмас эди. Бу эса унинг қизга бўлган муҳаббатини янада оширади. Гарчи улар ўзаро муносабатларида ўз севгиларини бир-бирларига ифодалаб қўйишган бўлса-да, Усмон ҳали оғиз очиб севгисини Сайёрага айтишга журъат эта олмаганди.

Усмон сўнгги давлат имтиҳонини топширгач, курсдоши билан уни нишонлаш учун шаҳар истироҳат боғига пиво ичгани борди. Шу пайтда қаёқдандир Аҳмад ҳам пиво сотилаётган жойда пайдо бўлди ва навбат кутиб ўтирамай сотувчига идишларини узатди. Унинг навбатга риоя қилмай, кишиларнинг менсимаганлиги пивохўрларнинг ғашига тегди ва ундан навбатга туришини талаб қилишди. Аҳмад эса бу талабга сўкиниш билан жавоб қайтарди. Бу Усмоннинг қонини кайнатиб юборди. Аслида Сайёрага ҳеч нарса бўлмаганини билгач, Усмоннинг Аҳмаддан ўч олиш мақсади аллақачон сўниб бўлганди. Агар иккаласи учрашмаганди, улар умуман муштлашишмаган бўлар эди. Афсус, Аҳмаднинг хурмача қилиги Усмоннинг дардини янгилади.

Усмон хужумга тайёрланаётгандек қўлидаги идишларни ерга қўйди, кўллари мушт бўлиб тугилди ва Аҳмадга юзланиб, “Кўлга тушдингми, номард?”, – деди ва унга ташланди. Бундай тўқнашув Аҳмаднинг етти ухлаб ҳам тушига кирмаган эди. Аҳмад киму, бир қишлоғи Усмон ким? Усмоннинг ҳамласидан у довдираб қолди ва “Ур, Учқўргонлини” деб бакирди.

Ўша вақтларда Наманган шаҳрининг турли даҳалари –

Тахта кўприк, Чорсу, Исфархон ва ҳоказо даҳалар йигитлари ўртасида муштлашишлар бўлиб турарди. Шаҳардаги авиация қисми ва кимё заводида жуда кўп миллиат кишилари ишлашар ва уларнинг оилалари шаҳарнинг марказида яшашар эди. Уларнинг ташабbusлари билан истироҳат боғида ва кимё заводи клубида кечкурунлари турли кечалар ташкил этилар эди. Рақс майдонида рақс, ташқарисида эса, кўпинча, муштлашишлар бўлиб турар эди. Унда, одатда, шаҳарнинг маҳаллий йигитлари қатнашишарди. Муштлашиш бошлианди дегунча ўсмирлар акаларини бошлаб келишарди. Муштлашиш кимё заводи клубида бўлса, чорсуликлар тезроқ ва кўпроқ тўпланишар ва ғолиб чиқишарди. Аксинча, муштлашиш истироҳат боғида бўлса, Исфархонликлар тезроқ ва кўпроқ тўпланишар ва ғолиб чиқишар эди. Муштлашнинг ўз тартиби бор эди: ерда ётганни урилмайди, қочганни кувилмайди. Шунинг учун бу муштлашишларда бирон йигит қаттиқ шикастланиб беморхонага тушмаган ва бирорта муштлашган жиноятчи сифатида жазоланмаган. Аммо бугунги муштлашиш мавжуд коидага сира мос келмасди. Усмоннинг Аҳмаддан қасди бўлгани каби Аҳмаднинг ҳам Усмондан қасди бор эди.

Аҳмаднинг чақириғи билан унинг ёнига иккита маҳалладоши қўшилди. Усмоннинг ёнига эса курсдоши қўшилди. Кейин яна бир исфархонлик қўшилиб, бирга икки нисбати ҳосил бўлди. Муштлашиш ярим соатча давом этгач, Усмоннинг курсдоши чарчади, шекилли, ерга йиқилиб қолди. Энди тўрт йигит Усмонга ташланишди. У ҳам ерга йиқилиб қолди. Аммо Аҳмад уни тепкилашдан тўхтамади. Аҳмаднинг ишини кўриб, шериклари ҳам тепкилашга қўшилишди. Усмон қўллари билан юзларини тўсиб олган ва ғужанак бўлиб ётган ҳолда ўзини ҳимоя қиласди.

Усмоннинг кўзи ногаҳон хонтахта устига териб кўйилган пиво шишаларига тушди. У ётган жойидан жон-жаҳди билан туриб чопкилиб борди-ю, улардан бирини олди, гулзорнинг четидаги бетон тўсикка урди ва синик шиша билан Аҳмаднинг юзига урди. Аҳмад жони оғриганидан бор овози билан “вой” деб юборди. Унинг юзидан оқаётган қонлар кийимлари ва оёклари остини қизартириди. Буни кўрган Аҳмаднинг дўстлари қочиб кетишиди.

Узокдан милиционернинг чуриллаган ҳуштаги эшитилди. Муштлашаётганлар ҳам, томоша қилаётганлар ҳам таркалиб

кетишиди. Милиционерлар келишганида майдонда Усмон ва унинг шериги колган эди, холос. Улар “тартиббузарлар”ни милиция бўлимига олиб бориб сўрок қилишиди. Воқеа билан танишиб, йигитларнинг айбиз эканликларини билган офицер аввал уларни техникумни тугатганлари билан табриклади. Сўнг билакларидағи кучларини одамларни уришга эмас, беморлар саломатлиги учун курашишга йўналтиришлари кераклигини таъкидлади.

— Энди, укаларим. Ўқишиларингиз тугабди. Шаҳардан кетар экансизлар. Бугунги жанжалда сизларнинг айбингиз йўқ экан, техникумингиз маъмуриятига хабар бермаймиз. Яхши тарбия қўрган йигитларга ўхтайисизлар, умид килтамизки, бу сизлар билан шундай ҳолатдаги сўнгги учрашувимиз бўлади. “Дўстларингиз” масаласига келсак, — деди киноя қилиб, — биз уларни отнинг қашкасиdek яхши таниймиз ва, албатта, топиб, гаплашиб оламиз”.

Амалиётлар даврида беморларнинг шифокорларга кўрсатган ҳурматлари Усмонда касбига бўлган ҳавасини янада кучайтириб юборган ва унинг кўнглида “албатта врач бўламан”, деган орзу уйғонган эди. Бу ҳакда у ота-онасига ҳам, Сайёрага ҳам бир неча марта гапирганди. Ўқишини аъло баҳолар билан тугатиши навбатдаги янги орзуси учун қанот бўлди.

Аммо йигит онасининг ҳам ўз орзуси бор эди. Ўғли тенгқурларининг ҳаммаси уйланишган, баъзилари фарзандли ҳам бўлишган. Усмонни куёв қилишни орзу килтган аёлларнинг “Ўғлингизни қачон уйлайсиз?” деган саволларига “Ўқишини битиргач”, деб жавоб бериб келар эди. Энди шундай савол билан мурожаат этган ҳамкишлоқларига нима жавоб топади. Айниқса, ўзича “келиним” деб юрган Сайёраси нима бўлади. Ўғли институтни битиргунча қизнинг онаси уни қариқиз қилиб олиб ўтирадими? Албатта йўқ. “Шунинг учун тўй қилиб, Сайёрани келин қилиш – асосий иш. Колгани кейин бўлар”, режа тузди она.

Усмоннинг нияти ҳам тўй қилиш эди. Унинг ўқиши тугагунча Сайёра кишлоқ шифохонасида ишлаб, ота-онаси билан яшаб туради.

Сайёранинг эса Усмондан сира ажралгиси йўқ. Шунинг учун бўлса керак, кутилмаганда у ҳам мединститутда ўқийман, деб туриб олди. Сайёранинг истаги Усмонга ёкиб тушди. Унга рухсат

олишининг ягона йўли иккаласини унаштириб қўйиш эди. Усмон ўз истагини онасига айтди. Онаси Сайёранинг уйига совчи бўлиб борди ва “оқлик” олиб келди. Муаммо осонгина ва оқилона ҳал этилди. Улар институтга кириш учун Тошкентга жўнаб кетишиди.

Олти йил ўтди. Усмон билан Сайёра мединститутнинг даволаш факультетини аъло баҳоларга битиришиди ва ординатура курсини ўтиш учун Андижонга йўл олишиди. Бу орада уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўйки, олти йил кутилган тўй. Ординатура даври тугагач, институтни аъло баҳолар билан битирган икки ёш мутахассисни кафедрада ишга олиб қолишиди. Эр хотин беморларни даволаш билан бирга илмий-тадқикот ишларини ҳам олиб боришиди.

Усмон фан номзоди, кейин эса фан доктори, профессор бўлди ва травматология бўйича етук мутахассисга айланиб, даволаш факультети деканатини, Сайёра эса фан номзоди, доцент бўлиб клиниканинг травматология бўлимини бошлари. Уйлижойли бўлишиди. Фарзандларини ўқитишиди. Тўйлар килишиди.

Аслида Усмонни, республикада кўзга кўринган олим килиб тарбиялаган Сайёра бўлди. “Эрни эр қиласидан ҳам хотин, кора ер қиласидан ҳам хотин”, деганлари тўпта-тўғри. Хотини унинг борига ҳам, йўғига ҳам кўнди, эрини доим моддий ва, энг муҳими, маънавий кўллаб-кувватлаб турди.

Аҳмаднинг операцияси Сайёранинг бугунги сўнгти операцияси эди. У таътилга чиқиб, дам олиш учун эри билан бирга Жиззахнинг Зомин туманидаги санаторийга жўнаб кетди.

Операциядан уч кун ўтгач, Аҳмад хушига кела бошлади. У ўзини аэропланда учаёттандек хис қиласиди. Аэроплан шимолий гарб томонга учмоқда. “Ан-24” бўлса керак, нотекис йўлда кетаёттган енгил автомашинага ўхшаб бот-бот силкиниб қўяди. Ўзини учиб бораёттган йўловчи хис қиласиди-ю, лекин кўзига салон ҳам, ундаги йўловчи ва учувчилар ҳам кўринмайди. Кўзига факат кон рангига ўхшаш шафақ кўринади...

У ўнг кулоги ёнида вишишллаётган овознинг тўхтаганини сезди. Сўнг қулогига қизларнинг гаплари чалина бошлади. Аммо бу гаплар нима ҳакида эканини англай олмас эди. Тушуна бошлади. Қизлар яқинда турмушга чиккан дугоналарининг тўйи ҳакида сўзлашашапти. Уларни кўрмокчи бўлиб кўзини очмокчи бўлди. Унинг кўзига хонанинг оқ шифти, осгич, унга ўрнатиб қўйилган суюқлик, шишада кўтарилаётган пуфакчалар кўринди.

Шу пайт ҳамширалардан бири хурсанд бўлиб:

– Бемор кўзларини очдилар, – деди шерикларига ва bemorغا чап кўзини ҳам очишни буюрди. Касал қанча уринмасин иккинчи кўзини оча олмади. Аҳмад кўзини оча олмаётгани ҳакида ҳамширага сўзламоқчи бўлди. Аммо тили калимага келмади. Имо-ишора билан тушунтиromoқчи бўлди. Лекин оғзи ҳам, қўли ҳам ҳаракатта келмади ва ноилож кўзини юмди.

Кўзини очгач, аввал қўллари қимирлаётганини сезди, кейин эса оёклари ҳам қимирлай бошлади. Шифокорлар оғзини бингдан тозалашди. Улардан бири bemornинг тепасига келиб:

– Тузукмисиз? – деди.

– Нима бўлди? Қаердаман? – зўр-базўр сўради Аҳмад.

– Ҳаммаси жойида, – жавоб берди шифокор ва bemornинг хушига келганини уни операция қилган хирургга етказиш учун шошилиб чиқиб кетди.

Шифокор касалини кўргани хонага кирганида bemor яна уйқуга кетган эди. У бирон соатча ухлагач, яна кўзини очди. Ўзини шифохонада ётганини билгач, бўлиб ўтган воқеаларни эслашга ҳаракат қилди.

Аҳмад – кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали ҳайдовчи. У ўз йўлидан меъёридаги тезликда кетиб борар экан тасодифан қарши томонда тўхтаган юқ машинасининг орқасидан унга урилиб кетишдан кўрккан велосипедли йўловчи йўлнинг ўнг томонига – унинг йўлига ўтиб кела бошлади. Аҳмад уни уриб юбармаслик учун шоша-пиша рулни ўнг томонга бурди. Машина йўловчини четлаб ўтди. Аммо унинг ўнг ғилдирағи йўл четидаги бетон ариққа тушди ва машина ағдарила бошлади. Аҳмаднинг қаршисида катта чинор кўринди...

Касални умумий палатага ўтказиши. У бу ерда ўз яқинлари билан учрашди ва юз берган воқеалар ҳакида билиб олди. “Хайрият, велосипеддаги йўловчи тирик қолибди”, хурсанд бўлди Аҳмад. Аста-секин палатадошлари билан таниши. У ўзини ким операция қилганини даволовчи шифокордан сўради. Шифокор:

– Наманганликмисиз? – деб сўради.

– Ҳа.

– Ҳамshaҳарингиз Сайёра опа операция қилганлар. Бахtingиз бор экан. Сизни операция қилдилару таътилга чиқиб дам олгани кетдилар. Улар бўлмаганларида ким билади нима бўлишини.

Нариги дунёдан қайтиб келдингиз, – жавоб берди у.

Аҳмад ўйланиб қолди. Бунақа ҳамشاҳарини сира эшигмаган экан. У аста-секин соғайди. Аввал хонасида, кейин йўлакда юришига рухсат беришди. Кунларнинг бирида кечкурун ҳамма беморлар дам олиш хонасига йигилишди. Бугун уларнинг бўлим бошлигини телевизорда кўрсатишар эмиш. Томошага Аҳмад ҳам келди. “Чоргоҳ” кўшиғи билан Сайёранинг концерти бошланди. “Бу – ўша. Во ажабо. Такдирнинг ўйинларини қаранг”, ажабланди у.

Бошқа бир куни эрталаб яна Сайёрани кўрсатишди. Бошловчи ўн беш дақиқача Сайёранинг шахар Кенгашига депутатлиги, шифокор, ўзбек мумтоз қўшикларининг мохир ижрочиси сифатидаги фаолияти ва оиласи ҳакида телетомошибинларга гапириб берди.

Сайёра Пирназаровнанинг навбатдаги меҳнат таътилидан кейинги биринчи иш куни. У ишга эрта келди. Хонанинг эшик ва деразаларини очиб шамоллатди. Сўнг компьютери ёнига ўтирди. Ўзи яхши кўрган кўшиғини мароқ билан тинглади. Бугун бўлим ҳисботини тайёрламоқчи. Ходимларини ишга келишларини кутар экан, бороз хаёлга чўмди. Дам олишдан қайтишаётганда эри унга Самарқанддан Жиззахга кираверишда йўл четига йўловчилар ўқисин деб катта ҳарфлар билан “Сабр – имоннинг ярми” деган ёзувни кўрсатган ва ундан “Имонниг қолган ярми-чи?” деб сўраган эди. Йул бўйи шу саволга жавоб қидириб келди. Жавоб топилавермади. Бу саволга жавоб топишга яна ва яна уриниб кўрди. Аммо савол ҳамон жавобсиз қолаверганди. У якинда сотиб олган, йўлда келаётib ўқиб келган ва ёқканларининг ёнларига белгилар кўйилган “Рубоийлар” китобчасидаги баъзи жойларини қайта ўкий бошлади. Ўқувчилигидан рубоийларни яхши кўрар, улардан мукаммал маънолар топа олар ва ўзига ёқканларини ёдлаб олиб, бошқаларга айтиб беришни яхши кўрар эди. Айниқса, Умар Хайём рубоийларини Сайёра мириқиб қайта-қайта ўкир эди.

Сайёра рубоийларни эътибор билан ўкир экан, улардан бирида қидираётган саволига жавоб топгандай бўлди:

*Дейшиар сабрни иймоннинг ярми.*

*Шукр ҳам сабрдек иймоннинг ярми.*

*Сабру шукурлилар иймони бутун,*

*Уларга жоизмас иймоннинг ярми.*

“Ха. Жуда тұғри. Мен нимага эришган бұлсам, улар сабримнинг натижаси Сабр билан етти йил институтда үқидим. Олти йил Усмон акам билан түйимизни күтдик. Диссертацияларимизнинг муваффакиятли якунланишини күтдик, фарзандларимизнинг түгилишини күтдик, уларнинг түйларини күтдик, набираларимизни күтдик, күтдик, күтдик ва сабр қылдик. Тангри таоло күттәнларимизга етказди. Худога минг қатла шукур, фан номзоди, доцент бўлдим, бўлимни бошқаряпман. Усмон акам эса фан доктори, профессор бўлди, факультетни бошқараяпти. Ишимиш бор. Бизнинг ёрдамимизга кўзлари тўрт бўлиб турадиган, эвазига бизни бошларига кўтариб хурмат қиласидиган беморларимиз бор. Камтарона меҳнатларимизни кадрлаб медал ва орденлар билан мукофотлаб турадиган озод Ватанимиз бор. Усмон академик садоқатли ёрим, ўғил-қизларим, келин-куёвларим, набираларим бор. Ували-жўвали бўлдик. Эр хотин ота ва оналаримизни охирги йўлига кузатдик ва ҳамма маъракаларини эл қатори ўтказдик. Усмон акам, ўғил ака-укаларимнинг йўқликларини билдирамасдан, тўртгалаларини ҳам қабрга ўз кўллари билан кўйдилар. Буларнинг ҳаммаси учун ўзингта шукур, минг марта шукур, Тангрим”, кўнглидан ўтказди Сайёра. Яна бир ўзига ёккан рубоийнинг ёнига белги кўйди. Мана у:

*Тангрим, сиҳатлик бер – қуллардек ишлай.*

*Топганим буюрсин – беклардек яшай.*

*Ҳар неки мулкимдир – бўлишисин ҳалол,*

*Ҳалол топайину ва ҳалол ошай.*

Иш вақти яқынлашиб, клиника одамлар билан тўлди. Сайёранинг ишга қайтганидан хабар топган ходимлар уни табриклагани киришди. Эшикнинг навбатдаги очилишида бўлим бошлиғи қаршисида Ахмад пайдо бўлди. У ялинганинамо оҳангда:

– Мумкинми, Сайёра Пирназаровна? – деди ва Сайёранинг руҳсат беришини ҳам кутиб ўтирмай унга томон кела бошлади.

– Мени кечириңг, мен гумроҳ ва гунохкорни кечириңг, синглим. Сиздан ўгиниб илтимос қиласаман. Мени кечринг!!!

Сайёра нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Ахмад эса унга “етти букилиб” яна ва яна кечирим сўради. Врачдан садо чиқмагач, хўнграб йиғлаб юборди. Ахмад Сайёранинг ўзидек пасткаш кишини даволашга куч топа олган катта қалб эгаси бўлгани учун, ўзининг накадар пасткашлиги учун, инсоний

қалбдан бенасиб яратилгани учун йиглади. “Эй, Худо. Яхши ҳам унинг жонини асраб қолганинг”, Аҳмад қилган ишларидан минг бор афсусланди.

“Эгилган бошни қилич кесмас”, деганларидек соқол ва мўйлабларига оқ оралаган эркак кишининг аёл кишидан йиглаб кечирим сўраши Сайёрага кучли таъсир этди. Унинг қалбидағи нафрят бирданига сўнгандай бўлди ва Аҳмадга:

– Бўлди. Йигламанг! – деди.

Шу пайтда хонага қўлида бир даста гул тутган ҳолда ёрининг таътилдан кейинги биринчи иш куни билан табриклагани Усмон кириб келди, Аҳмадни кўриб ҳайрон бўлиб қолди ва ғазаби қўзғаб:

– Келинг, полвон ака, – деди кесатиб.

Сайёра Аҳмадни операция килганини Усмонга айтган ва у хотинининг шифокор сифатидаги бу ишини маъкуллаганди. “Лекин Аҳмад бу ерга нима учун келди?” ташвишланди Усмон.

– Тинчлик, Усмон ака. Мендан кечирим сўраб келибди, – тушунтириди Сайёра. Усмон олиб келган гулларни авайлаб гулдонга кўйди.

– Усмонжон, ука. Сиздан ҳам кечирим сўрайман. Сиз ҳам мени кечиринг. Оёқларимга йикил, десангиз, йигитнинг гапи, оёқларингизга йикилиб кечирим сўрайман, – деди ёлвориб Аҳмад.

– Қани ўтиринг, Аҳмад ака, – таклиф қилди Усмон вазиятни тушуниб. Пиёлага чой куйиб унга узатди. Аҳмад бироз ўзига келгач, бу ердаги одобсизликлари учун яна кечирим сўради. Улар билан хайрлашар экан, уйига меҳмонга таклиф қилди. Усмон ва Сайёра унинг таклифини қабул қилишди ва, албатта, вақти келиб меҳмон бўлишга ваъда беришди.

Аста кўтарилиб бораётган күёшнинг заррин нурлари Сайёра Пирназаровнанинг хонасини нурафшон этди. Балки бу нурафшонлик Усмон Умарович ташрифи туфайлидир. Усмоннинг гуллари эса хонани ёқимли бўйларга тўлдирди. Шифокор Сайёра Пирназаровнанинг таътилдан кейинги биринчи иш куни ана шундай бошланди.

2008 йил

## ИСРОИЛ БУВАНИНГ “ТАКАББУРЛИГИ”

(Воқеий ҳикоя)

Исроил бува отамнинг деярли тенгдоши, отамдан икки ёшча каттароқ. Бир чойхонада узоқ йиллар гап ейишган ва қадрдон бўлиб кетишган. Отамнинг хурматларидан мени ҳам тенгдошларим ичидан кўпроқ хурмат қиласдилар. Баҳордан қишигача гап ейиш тугаб, бир-бирлари билан камроқ учрашадиган пайтларда доим мендан отамнинг ахволларини сўраб турадилар.

Эсимда. Мактабдан уйга қайтаётган эдим. Исроил бува билан уйлари рўбарўсида учрашиб қолдик. Салом-аликдан кейин менга: «Ўғлим, сени мулланинг тарбия кўрган ўғли десам мазаси йўқ бола экансан. Масжиднинг қозонини ўғирлайсанми? Ҳайф сенга-е”, – дедилар.

Кутилмаган бундай тухматдан йиғламсираб: “Бува, мен ўғри эмасман. Масжиднинг қозонини мен ўғирламаганман”, дедим.

Исроил бува менга: “Тўхта, ўғлим. Ҳиқиҷогинг тўхтадими?” – дедилар.

“Ҳа, тўхтади, бува”, – жавоб бердим мен ажабланиб. Ҳақақатда ҳам мактабдалигимда бошланиб сира тўхтамаётган ҳиқиҷогим тўхтаб қолди.

“Энди, ўғлим, билиб қўй. Масжидда, умуман, қозон сақланмайди ва, демакки, йўқ қозонни сен ўғирламагансан. Аммо ҳиқиҷогингни даволаган табиб бувангга раҳмат айтиб қўй”, – дедилар.

“Раҳмат, бува”, – дедим миннатдор бўлиб.

“Бўпти, ўғлим. Отангга салом айт”, – дедилар ва биз хайрлашдик.

Ўшанда мен бошланғич синф ўкувчиси эдим. Йиллар ўтди. Мактабни битириб, катта йигит бўлиб қолдим. Кунларнинг бирида эрта тонгда Исроил бува билан масжид яқинида учрашиб қолдим. Намозга кетаётган эканлар. Одатдагидек, одоб билан салом бердим. Саломим жавобсиз қолди. Кекса одам эшитмадилар шекилини, деб янада баландроқ овоз билан салом бердим. Аммо Исроил бува саломимга бу сафар ҳам алик олмадилар. Буванинг бу муносабатлари бир умр хотирамда сақланиб қолди. Учрашганимизда уларни такаббур ҳисоблаб салом бермай қўйдим. Лекин саломлашмасак ҳам мендан доим отамнинг саломатликлари ҳақида сўрар ва отамга саломларини

етказиб қўйишимни илтимос қилар эдилар. Мен уларнинг хар галги саломларини албатта отамга етказар эдим ва отам ҳам ўз навбатида Истроил бувага саломларини етказиб туришимни буюрар эдилар. Шундай салом етказишларнинг бирида отамга Истроил буванинг такаббурликларидан шикоят қилдим. Отам мендан Истроил бувага қачон ва қаерда салом берганимда алик олмаганларини сўрадилар. Мен бўлган воқеани гапириб бердим. Шунда отам:

“Ўғлим, салом саломга муҳтоҷ одамга берилади. Истроил бувантга бевақт салом берибсанки, саломинг жавобсиз қолган. Эрталабки намознинг икки ракат суннати уйда ва икки ракат фарзи, одатда, масжидда ўқилади. Суннат ва фарз намозлари битта намоз вактининг икки кисми бўлгани учун намозхонлар уларнинг оралиғида бирор билан сўзлашмайдилар, саломлашмайдилар. Шунинг учун Истроил буванг сенинг саломингга алик олмаганлар. Қани, бошқа бир вактда салом бериб кўргин-чи, буванг алик оладими? Натижасини менга айтасан. Ҳа, яна билиб қўй – таҳорат олаётган, бирор билан сухбатлашаётган, жони оғриб турган, шахмат ўйнаётган ва ҳоказо саломингта алик ололмайдиган кишиларга салом ҳам берма ва алик олмади деб хафа бўлиб ҳам юрма”, – дедилар.

Истроил бува билан навбатдаги учрашувимизда отамнинг айтган гапларини синаб кўрдим. Бува ва мен очиқ юз билан саломлашдик. Сунгра улар қўлларини очиб мени узоқ дуо килдилар.

2009 йил

## ОТГА АЙЛАНМАГАН ЧОЛ (Воқеий ҳикоя)

Синфдошим ва ўртоғим Собиржон улфатчиликларимизнинг бирида шундай ҳикоя қилиб берган эди.

Айтишича, ёз кунларининг бирида ота-бала отаси бригада бошлиғи бўлиб ишлаётган жамоа хўжалиги даласига эрталаб ишга кетаётib ғайри оддий муносабатни кузатишибди. Бир йигитча Аҳмаджон ота деган қариянинг дарвозаси олдида бор овози билан хонадон соҳибини “Аҳмад тойчоқ бува. Ҳой Аҳмад тойчоқ бува...” деб чақираётган экан. Уй эгаси кўчага чиқиб йигигчча билан сўзлашаёттандада ўртоғим ва унинг отаси

сухбатдошларнинг яқинига етиб боришибди. Аҳмад тойчоқ бува болакай билан хайрлашгач, ўргонимнинг отаси Мамаджон бува унга:

— Аҳмаджон. Болалигингизда сизни ҳаммамиз «Аҳмад тойчоқ» деб чакирав эдик. Энди болалик ёшингиз эмас, ўрта ёшингиз ҳам ортда қолиб, кексайиб қолдингиз. Аммо ҳали ҳам тойчоклигингизча турибсиз. Қачон от бўласиз?

— Ўзим ҳам ҳайронман, Мамаджон ака. Катталар «тойчоқ» деб мурожаат этишса майти-ю, лекин набиранг тенги болалар сенга «тойчоқ» деб мурожаат этишса кишига алам қилас экан. Биласиз, менинг катталарим йигит ёшимда ҳам мени эркалатиб «тойчогим» деб суйишар, тенгқурларим эса «тойчогим» деб мазах қилишар эди. Катталар болаларни эркалатиб чакиришганларида уларнинг кексайишларини ҳам ҳисобга олиб қўйишлари керак, шекилли. Токи улар лақаблари туфайли хижолат тортиб юришмасин.

Ҳазил-хузулдан сўнг ҳамма ўз йўлига жўнабди.

Ҳа. Менинг Шўрқўрғон қишлоғимда кишиларга лақаб қўйиш одати бор. Мана улардан баъзи мен билганларим: Тожиаҳмад карнайчи, Жўра гажжак, Жўра турк, Темир бангি, Тожиаҳмад кўкнори, Уста Ҳайдар, Дали қассоб, Эргаш нонвой, Исок лўтчик. Мамат ўгри, Лутфулла полвон, Тўра жиккақ, Ҳайри эркак, Қундуз пўпач, Турғун тўнка, Ҳудойқул панъжа, Ҳудойқул шипирма, Йўлдош бакироқ, Йўлдош ҳолвачи, Тожи ҳўроз...

Уларнинг ҳаммаси мен кўрган ва мен мулокотда бўлган кишилар. Эътибор берган бўлсангиз, лақабларнинг баъзилари ёқимли, баъзилари эса – ёқимсиз. Уларда кишиларнинг касбу корлари, феъл-атворлари, бошқаларнинг уларга муносабатлари кабилар ифодаланган. Лақаб тахаллус эмаски, ўзингга ёққанини танлаб олсанг. Уни бошқалар қўйишади. Лақабинг ёқимли бўлиши учун ёқимли феъл-атворга эга бўлиш лозим, шекилли.

2010 йил

## БОЛТА БУВАНИНГ ЎКИНЧИ (Бўлган воқеа)

Болта бува намоздан кеч қолмаслик учун эрта тонгда уйкудан уйғондилар ва, мусулмонлар удумига кўра, ҳовли дарвозасини кия

очиб кўйдилар. Бу удумнинг маъноси шуки, Тангри бандаларига эрта тонгда ризқ улашар эмиш. Агар хонадон дарвозаси очик бўлмаса, ризқ ташувчи фаришталар ҳовлига кира олмай, уни ўзлари билан қайтариб олиб кетишар эмиш.

Отахон дарвозани очдилару ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Уларнинг ғўзапоялари корчевалка қилиб қўйилибди. Декабрь ойининг туманли совук ҳавоси ва корчевалка қилиниб қийшайиб турган ғўзапоялар чолнинг кўзига хунук кўриниб кетди ва таъбини хуфтон килди.

Буванинг ҳовлилари Шўркўрғон қишлоғи Боф кўчасининг шимолдан жанубга кетавериши охирида чап томонда жойлашган. Хонадон жанубидан кўча ўтган. Учбурчак катетларига ўхшаган иккита йўл ва гипотенузасига ўхшаган сой орасидаги 2-3 гектарча келадиган ер “Болта буванинг ери” дейилар эди. Албатта, ер давлатники. Ундан жамоа хўжалиги фойдаланади. Бу ер майдонига Болта буванинг эгалиги ғўзаларини суғориб беришдан ва бунинг эвазига ғўзапояларини юлиб олишдан иборат эди.

Болта бува ким ўзи? Қандай хислатлари билан ҳикоя қаҳрамони бўлишга арзийди? Болта бува – аччиғи келиб қолганда ҳеч кимни аяб ўтирумайдиган ва оғзига боди кириб шоди чиқадиган ёши тўқсондан ошган бир чол. Мен уни болалигимдан биламан ва ўшандга ҳам у кекса эди. Унга “Сассик чол” деган лақабни мен кўймаганман. Мен аъзо бўлиб ишлётган бригада аъзолари ва маҳалла болалари қўйишган. Отахоннинг сассикилиги шундаки, у деҳқончилик қилаётган ери ёнидаги кўчадан ўтган ҳаммани – биз йигитчаларни ҳам, бригаданинг аёлларини ҳам ёмон кўтар эди. Унинг пиёзпояси ёнидан сойга чўмилгани кетаётганимизда ҳам, чўмилиб қайтаётганимизда ҳам бизни сўкаверарди. Айниқса, Эгамберди деган ўртоғимизни жуда ёмон кўтар ва ўғри ҳисоблаб, қўлидан ушлаб олиб эринмай сўкар эди. Отахоннинг худди мана шундай сўкиш билан банд бўлган вактлари бошқалар ўғирлик қилишлари учун қулай пайт бўларди. Биз, болалар, баъзан атайлаб Болта бувани чалғитиб туриши учун Эгамбердини сўкиш эшигтани жўнатар эдик. Бу ишимиз ҳалқимизнинг “Ҳалвони ҳоким ер, калтакни етим ер”, деган мақолига ўхшаб кетарди. Ахир Эгамберди диндор қори одамнинг фарзанди. Болалигидан намозини канда қилмайдиган имонти-эътиқодли бола эди. У сира ўғирлик килмаган. Агар

тэнгүрларимиз ичиде “Энг ўтнимаси ким?” деб сўралса, Болта бувадан бошқа ҳамма “Эгамберди” деб жавоб берарди.

Албатта, Бува сассиқлигининг сабаби ҳам бор. Жамоа хўжалиги тут плантацияларини жамоа аъзоларига фойдаланиш учун бўлиб берар эди. Улар тутлар орасига турли экинлар экиб ҳосил олардилар. Болта бувага теккан ер эса йўлнинг четида эди. Бутун ёз бригада аъзолари бува сепган пиёз ва эккан помидорлари билан шўрва ичар эди. Бригада ва маҳалла болалари эса бобонинг ҳандалак, қовун ва тарвузларига шерик бўлар эди. Бу шерикликлар, табиийки, ўғирлик йўли билан қилинар эди. Мулкини химоя қилиш учун отахон “сассиқ” бўлишга мажбур эди.

Болта бува “бригадир ғўзапоямни бирорга бериб юбормадимикан”, деган ўй билан қуёш кўтарилиб, дехқонлар нонушта қиласидан вақтда дала шийпонига келди ва бригадирдан сўраб воқеанинг сабабини суриштириди. Бригадирдан “Ғўзапоя сизники. Ҳеч кимга бермаганман ва бермайман ҳам. Қандай хоҳласангиз, шундай йиғиб олаверинг”, деган жавобни эшигтач, қўнгли бироз таскин топди. Ҳа, отанинг кўнгли таскин топди-ю, бироз таскин топди.

Кўнгли чала таскин топган отахон ғўзапоясини корчевалка килиб кетган тракторчини у ишлатган даладан кидириб топди ва қўлидаги ҳассаси ишораси билан ишидан тўхтатди. Савоб иш килиб, отахондан раҳмат кутаётган тракторчи чоннинг “Хўй лаънати. Нимага ғўзапоямни корчевалка қилдинг. Мен сендан илтимос қилган эдимми? Нимага менинг ишимга бурнингни тиқасан”, деган қўпол сўзларини эшигиб, ҳайрон бўлиб қолди. Отанинг феъл-авторини яхши билмаган йигит ўзини химоя килиб, бу ишни у ўзича килмагани ва вилоят ижрокоми ходими Олимжон ака Сотиболдиевнинг топшириғи билан бажарганини айтди. Болта буванинг аччиғи қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез кетди ва қўполлиги учун тракторидан узр сўради.

Болта бува қўшниси Олимжоннинг ишдан кеч қайтишини билар эди. Шом намозини ўқиб бўлгач, унинг дарвозасини ҳассаси билан тақиллатди. Бир оз фурсат ўтга, қўшниси дарвозани очди ва:

— Келинг, бува, — деди.

— Бува дема мени. Мен сенга бува эмасман. Нима қилганингни биласанми? Бошингга ҳассам билан бир туширайми?

Бува бу қўпол гапларни бола-чақали, ўрта ёшдаги, вилоят ҳокимлиги ходими даражасидаги кишига айтди. Олимжонга ва бизнинг тенгкурларимизга бундай қўпол гапларни фақат шу киши айта олар эди. Отанинг қўполлиги чолнинг кўшнисига сира оғир ботмади. У бундай муомалага кўнишиб кетган эди ва ҳар сафар кечириб кетаверарди.

– Ҳа, бува. Нима бўлди? Яна қовунингизни ўғирладимми?

– Йўқ. Қовунимни ўғирлассанг майли-я. Ундан ёмонроқ иш килгансан.

Олимжон ҳайрон бўлиб, нима ёмон иш қилганини била олмай отахоннинг ўзидан сўради.

– Хўш, айтинг-чи. Нима ёмон иш қилиб қўйибман? Агар бирон ёмон иш қилиб қўйган бўлсам, дарров кечирим сўрайман ва тузатишга ҳаракат қиласман.

– Гўзапоямни корчевалка қилдириб қўйипсан. Шунинг учун сен билан уришгани келдим.

– Ие, отахон. Мен бу ишни “сизга осон, менга ва тракторчига эса савоб бўлар”, детан мақсадда қилган эдим. Сиздан бошқа одам бўлганида бу ишни учун мингдан-минг раҳмат айттар эди. Сиз бўлса савоб ишни учун мендан хафа бўлаяпсиз.

– Хафа бўламан-да. Ахир мен ҳар куни палов еб туришим керак. Сен эса мени бу имкониятдан маҳрум қилиб қўйдинг-да. Биласан, ҳар киш ҳар куни гўзапоя юламан ва кечкурун бир товоқчада ош ейман. Мана бугун гўзапоя юлмаганим учун ярим товоқча ҳам ош ея олмадим. Менга гўзапоя керак эмас. Аравакаш ўғлим Тожиаҳмадга айтсам, бир қишлик гўзапояни уйимга келтириб ташлайди. Менга унинг палов едирадиган меҳнати керак.

Ҳа. Отахон тўғри айтдилар. Уларнинг Тожиаҳмад деган сергайрат ва сертажанг ўғиллари бор. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва “Қизил байроқ” ордени соҳиби. Жамоа ҳўжалигининг ҳеч ким аравага қўшиб ишлатга олмайдиган асов отларини шу киши ишлатади. Ҳар куни ўнлаб кишиларнинг гўзапоясини ташиб беради ва бу хизматлари учун ишлари битган кишилар уни гўзапоя билан рози қилишади.

– Бўлти, бува. Агар сизга меҳнат керак бўлса, мен бригадирга айтаман. Сизга корчевалка қилинмай гўзапояси юлиб олинадиган ердан беради.

Отанинг кўнгли тўла таскин топди ва кўшнисигв раҳмат айтиб, уйига кайтди.

Аммо Олимжон ваъдасини бажара олмади. Жамоа хўжалигида корчевалка қилинмай ғўзапояси юлиб олинадиган бирон гектар ҳам ер қолмаган экан.

Болта бува тўксон ёшдан узок умр кўриб, ўша йили вафот этибди. Афсус, мен дафн маросимида қатнаша олмаганман. Олимжоннинг айтишича, отахоннинг таъзияларида жуда кўп оломон тўпланибди. Улар орасида “Болта сассик” дейдиган ўтмишдаги болаларнинг деярли ҳаммаси қатнашибди. Отахон катта ҳурмат ва эҳтиром билан дафн этилибдилар.

Болта буванинг ўлганларига кўп йиллар бўлди. Қачонлардир уларнинг сўкишларини эшигиб юрган биз болалар ҳам уларнинг ёшларига яқинлашиб бораяпмиз. Ақлимиз кирди. Қарашларимиз ўзгарди. Аммо ота ҳакларидаги хотираларимиз сира хаёлимиздан кўтарилимайди. Ҳар гал tengкурлар тўпланишиб колсак, албатта отахоннинг килган ишларию бизнинг сўкканларини эслаб турамиз ва барча биз эслаган кишилар қатори уларнинг ҳакларига ҳам дуо қиласмиз.

Буванинг сассикликлари уларнинг ёшлигимизда биз истеъмол қилган помидор, пиёз, қовун, тарвузларидан ёқимли ҳид бўлиб таралаётгандай туюлади менга. Бизнинг соғ-саломат вояга этишимизда, шак-шубҳасиз, “сассик чол”нинг катта хиссалари бор. Буни аллақачон тушуниб етганимиз. Уларга бўлган бир қаҳримиз аллақачон ўн меҳрга айланиб бўлган. Биз уларнинг оғизларидан чикқан сўзларига эътибор берар эканмиз-у, қўлларига қарамас эканмиз. Уларнинг қўллари билан яратилган қовун, ҳандалакларнинг таъмию ҳидига эътибор бермас эканмиз. Аслида бувамиз Bolta сассик эмас, Bolta хушбўй эканлар. Шунинг учун Bolta бува номларига қачонлардир қўшиб айтилган “сассик” сўзларини битта қолдирмасдан қўштирноқ ичига олиб чиққим келади. Баъзан-баъзан tengкурларим каби намозларимда буванинг ҳакларига дуо килиб. Аллоҳдан имонларига барака беришини ва жойларини жаннатдан ато этишини сўрайман.

2012 йил

## ЭКОЛОГИЯ ДАРСИДА

— Қани, Сабрбек Қаноатов, глобал исиш ҳақида нима биласиз?

— сўради ўқитувчи талабадан.

— Глобал исиш бу сайёрамиз ҳавоси температурасининг астасекин кўтарилиб бориши.

— Тўғри жавоб. Лекин фикрингизни соддароқ, мисоллар билан тушунтиринг-чи.

— Масалан, бизнинг Наманган Давлат университетимизда ўтган 2011-2012 ўкув йилида биронта аудитория бир соатга ҳам иситилмади. Куз охири ва қиши бошларида шу даргоҳда республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг кўчма коллегияси ҳам бўлиб ўтди. Унинг катнашчилари буни одатдаги хол ҳисоблаб, эътибор ҳам беришмади. Кекса ўқитувчиларнинг таъкидлашларича, шу бино курилганидан бўён сира ҳам иситилмай қолмас экан ва қишида иситилмаган аудиторияларда биринчи марта дарс ўтишашити эмиш. Ҳозирга келиб университетдаги таълим жараёни иситилмаган биноларда ҳам маромида кетаверди. Бунга сабаб албатта – глобал исиш. Агар шу жараён давом этса, барча таълим муассасаларини иситишга эҳтиёж қолмайди.


— Гапларинг тўғри. Лекин университетимиздан мисол келтириласанг бўларди.

2012 йил

## АҚЛНИНГ БАҲОСИ

Ҳикоя

Ҳамробой ҳожининг ҳовлисида қовун сайлига тайёргарлик эрта тонгдан бошланди. Ҳожининг экин экадиган ерлари кўп бўлишига қарамай, қишлоқ ўртасидаги яшайдиган ҳовлиси мўъжазгина эди. У арава кириб чиқадиган катта дарвоза, хуржун айвонли уй, омборхона, ошхона, отхона ва молхона, турли-туман ва таърифи узумларнинг ишкомлари ва ҳар хил мевалардан иборат эди. Хизматкорлар, кўни-кўшни ва хонадон аёллари кўча ва ҳовлиларга сув сепиб супуришди, пишириклар тайёрлашди, дастурхон тузаб, уни ноз-неъматларнинг саралари билан тўлдиришди. Ахир бугун йилда бир марта нишонланадиган қовун сайли-да. Яна сайлда шаҳарнинг энг муҳтарам зоти – Тўрамлар қатнашадилар-а.



Ёз. Қуёшнинг заррин нурлари “ёғ тушса ялайдиган” қилиб тозаланган ҳовлигта янада кучлироқ тароват бағишилади. Узок-узокларда сайраётган булбулнинг овозига худди меҳмон келишидан хурсанд бўлгандек қовоқлардаги беданалар ва қафаслардаги какликлар жўр бўлиб кетди.

Қишлоқ аҳлиниң бир одати бор эди – арзийдиган ерга қовун эккан дехқонлар қовун сайли ўтказмасдан, гарчи бодринг, тарра, ҳандалак сингари полиз экинларини еяверишса ҳам, қовунга кўл уришмас эди. Ҳамробой ҳожи оиласида эса қовунни жаннат маҳсулоти ҳисоблаб, Намангандан шаҳридан келадиган ҳурматли зот – Тўрамлар қўл уриб берганларидан кейингина истеъмол килиш бошланар эди.

Ҳамробой ҳожининг Тўрамларни олиб келиш учун шаҳарга жўнатган от аравалари қишлоққа кириб келди. Йигитчалар бу ҳақда Ҳожи отага хабар қилишди. Мезбон кудаси Шокир ҳожи ва яна бир нечта кексалтар билан меҳмонни кутиб олиш учун кўча бошига жўнашди.

Тўрамлар қишлоққа кираверишда аравадан тушиб, йўл-йўлакай ўзларига ҳурмат билдираётган кишилар билан қўл олишиб, қишлоқнинг катта масжиди томон кела бошладилар. Қишлоқ аҳли, гарчи расмий бўлмаса-да, ўзларини Тўрамларнинг муриллари ҳисоблаб, катта ҳурмат билдиришар эди. Масжид яқинида меҳмонларни Ҳамробой ҳожи ва бошқа мезбонлар кутиб олишди. Тўрамлар ҳожилар билан қучоқлашиб, бошка катта-кичик эркаклар билан қўл беришиб сўрашдилар.

Одатга кўра меҳмонлар ва мезбонлар масжидга кириб икки ракат намоз ўқишиди, қишлоқ ахлига Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик, касбу корларига барака тилашди ва масжид ҳаққига пул ҳадя қилишди. Намоз тугагач, улар Ҳожининг ортларидан хонадонларига қадам ранжида қилишди.

Меҳмонлар бори-йўғи икки киши – Тўрамлар ва уларнинг ёнларида ўрта ёшлардаги нотаниш киши. Ўга кираверишда кутиб турганлар билан салом-аликлардан сўнг уларни қўл ювишга таклиф этишди.

Меҳмонларни қўл ювдиргани икки эгизакдек келишган қоматли, елкасида сочиқ, қўлида чилагчин ва обдаста тутган йигитлар кутиб олишди. Нима учундир, қўл ювиш жараёнида Тўрамнинг ёнларида келган меҳмон йигитларга қайта-қайта кизиқиши назари билан қараб кўйди.

Бу орада ош ичар вакти бўлди. Ҳамма дастурхон атрофига

ўтириди ва шоп мўйловли қассоб йигит мөхмонлар рўбарусига бир боқилган кора қўчкорни етаклаб келиб, Тўрамдан фотида беришларини сўради. Улар хонадон аҳлига баҳт-саодат тилаб дуо қилдилар. Қассоб қўчкорни сўйгани олиб кетди.

Қишлоқ аҳли одатига кўра мөхмонларга жўхори гўжа тарқатилди. Ош ичар вақти – дехқонлар учун нонушта билан тушлик орасидаги оралиқ овқатланиш вақти. Уларнинг иш вақти бомдод намозидан кейин эрта тонгдан бошланади. Икки соатча ишлаб, кейин нонушта қилишади. Яна икки-уч соат ишлаб гўжа ош ичишади. Гўжа ошни бир кун аввал пишириб, совутиб қўйишади. Унга қатиқ сузмасини суюлтириб кўшиб, бир-бирига аралаштириб совуғича истеъмол қилишади. Гўжа ош кишиларни офтоб уришидан саклар эмиш. Бу одат шаҳарли Тўрамларга ҳам, қишлоқ аҳли одатини хурмат қилгандари учунми ёки овқатнинг ўзи мазали бўлгани учунми. ёқиб колтган эди. Ҳар сафар мөхмонга келгандарига келишларига ҳам шундай овқат билан мөхмон қилишларини илтимос қилиб кетар эдилар.

Овқатланиб бўлингач, мезбон мөхмонларни қовун пайкали тепасига бошлаб борди. Йўл-йўлакай Тўрамнинг ҳамроҳлари улардан кўл ювдирган йигитлар хақида қизиқиб сўради. Тўрамлар уларнинг бири, оқ юзлироғи Ҳамробой ҳожининг, иккинчиси эса уларнинг кудалари Шокир ҳожининг ўғиллари эканини айтдилар. Мөхмоннинг кўнглидан “Қани энди ўша иккала йигитларни куёв қилиб олиб имон-эътиқодли, қишлоқдаги икки ҳожига қуда бўлиб олсан, бойлигимни қизларим билан шуларга қолдирсан. Лекин қандай қилиб? Бунинг иложи йўқ-да. Қиз томондан ўғил томонга совчи қўйиш одат эмас. Лекин иложини топиш керак. Иложисиз ишнинг ўзи йўқ, дейишади-ку”, кўнглидан ўтказди мөхмон.

Пайкал тепасига боргач, ҳамма чўккалаб ўтириди. Тўрам узок Куръон тиловат қилдилар ва барча қишлоқ ахлиниң дехқончиликларига барака тилаб дуо ўқидилар. Ўтирганларнинг ҳаммаси уларнинг дуоларига қўшилишиб “Омин” дейишди.

Сўнг Тўрамлар пайкалга кириб, “Бисмиллахир раҳмонир роҳийм”, деб банд берган шакарпалакдан биттасини узиб, Ҳамробой ҳожига тутдилар. Ҳожи “Рахмат” деб қовунни қўлига олди ва уни қовун етиширган қаролга берди. Қарол қовунни тиликларга ажратди ва биринчи тиликни Тўрамларга, кейингисини улар билан келган мөхмонга, учинчи, тўртингинисини икки ҳожига, кейингиларини эса бошқаларга узатиб, ўзи охирги

тиликини еди. Қовун еб бўлингач, фотиҳа қилинди ва ҳамма ҳовлига, Тўрамларнинг ўzlари эса Гойиб эранлар мозорига йўл олишиди.

Гойиб эранлар мозори – ўлик кўмилган жой, Шўркўргон кишлогоидаги тўртта қабристондан бири. У Элатан ва Ўлмас ариклари орасида қишлоқнинг ёнгинасида жойлашган ва 3-4 гектарча ер майдонини эгаллаган. Шимолидан аҳоли ҳовлилари бошланиб кетади. Мозор қалин тиконлар, қамишлар ва дараҳтлар билан қоғланган кўркинчли жой. Ундан 200 метрча жанубдан Норин дарёсининг ўзани оқиб ўтган. Ўзан дарёдан ажralиб Шамсиқўл ва Элатан қишлоқлари орасидан оқиб ўтиб, яна дарёга кўйилтар эди. У аллакачон оқишини тўхтатиб, окава сувлар оқадиган заҳконга айланган. Унинг бошланиш жойи – мозор яқинида кўлча ҳосил бўлган. Ёшлик йилларимизда бу қабристонга гўдаклар кўмилар эди. Ҳайдар бахши буванинг ўтилларини шу мозорга кўмилганини ўзимиз ҳам кўрганмиз.

Кейинги йилларда мозор атрофлари жамоа хўжалиги томонидан ўзлаштирилиб, пахтазорларга айлантирилди. Мулла Сиддиқ ҳожи буванинг айтишларича, мозорнинг бузилган қисмларидан болалар суяклари кўплаб териб олиниб, мозор тепалиги ёнига қайта дағн этилган экан. Ҳозир мозор ихтиёрида битта тепалик ва унинг атрофида боқقا айлантириб қўйилган 15 сотихча ер қолган бўлиб, атрофи ғишт деворлар билан ўраб қўйилган. Ичкарисида зиёратчилар учун учта хона ва ошхоналар мавжуд. Қишлоқ ахли бу ерга тез-тез келиб ис чиқариб туришади. Ҳозир пахтазорга айланган мозор ерлари ўрнида ҳовли қуриб, хонадонлар яшашмоқда.

Тилимизда “гўристон”, “қабристон”, “мозористон” сўзлари бир хил маъно билдирувчи сўзлар сифатида қўлланади. Аслида улар маънодош сўзлардир. Гўр – маййит кўмилган жой. Қабр – гўр ва унинг усти. Мозор – қабр ва унинг атрофлари. Аммо ҳалқ тилида гўристон ва қабристон сўзлари оддий кишилар кўмилган жойни, мозористон сўзи эса ҳурматли кишилар кўмилган жойни ифодалайди. Айтишларига караганда, мазкур мозор етти Аҳмадлардан бирининг қабри бўлиб, “Гойиб эранлар” деб номланишига сабаб, у киши кунларнинг бирида мозорга кириб кетганлари ва қайтиб чиқмасдан ғойиб бўлганлари эмиш.

Тўрамлар мозорга доим якка ўzlари борардилар. Қишлоқ

ахли уларни нима учун мозорга якка боришлари ва нима билан шуғулланишлари сирларини билмас эди.

Тўрамларни пешин намози олдидан масжидда кутиб олишди. Улар намозда имомликка ўтдилар. Сўнг ҳамма Ҳамробой ҳожиниг хонадонига меҳмондорчилликни давом этдириш учун жўнади.

Меҳмонларга аввал Тўрамларга атаб янги сўйилган қўй гўштидан тайёрлаган қўй тўши, жизза, шўрва, кейин палов тортилди. Дастурхонлардаги идиш-товорклар йигиб олингач, ҳакиқий маросим – қовун сайли бошланди. Чапдаст йигиитлардан бир нечтаси шакарпалакларни коса-коса шаклида сўйиб, меҳмонларга узутишди. Овқатланиш давомида сайилга келганлар тури мавзуларда сўзлашиб ўтиришди. Қовун сўйиши ҳамма тўйгунча давом этди ва сайилга келганлар аср намози арафасида тарқалишди.

Меҳмонлар масжиддан аср намозини ўқиб қайтишгунча арава қўшилиб, қовунлар билан тўлдирилди, меҳмонларга сарполар тайёрланди. Аммо улар йўлга тушиш ўрнига ҳовлидаги сўрига ўтиришди. Бироз сукут саклангач, Тўрамлар сўз бошладилар:

– Меҳмондорчилигингиз учун катта раҳмат, Ҳожим. Сиздан кетишга изн сўрашдан аввал айтадиган бир узримиз бор.

– Бош устига. Қани эшитайлик-чи, – деди Ҳамробой ҳожи.

– Менинг ҳамроҳим болалигимдан бир маҳаллада ўсган қиёматли ўртоғим бўладилар. Шунинг учун у кишини сайлингизга, сизга эркалик қилиб, номингиздан мен таклиф этган эдим. Қовун сайлингизда қатнашиб, ғоят курсанд бўлдилар. Ўзлари мадрасада ўқиган илмли киши. Лекин ота касби билан шуғулланиб, савдогарлик қиласдилар. Шаҳримизнинг энг катта ва бообру савдогарларидан бирилар. Аллоҳ ularга ҳамма нарсани берди-ю, лекин, “бири кам дунё” деганларидек, ўғитдан кисди. Заифалари кетма-кет икки қиз кўргач, оғир касалга мубтало бўлди. Дўстимнинг умр йўлдошларини кўрсатмаган табиблари колмади. Аллоҳ ожизаларининг жонларини қайтариб берди-ю, аммо фарзанд кўриш баҳтидан бенасиб қилиб қўйди. Суриштириб билдик: фарзандларингиз кўп экан.

– Ҳа. Аллоҳга шукр, бешта ўғлим ва учта қизим бор. Ўғилларимнинг биттаси – Мулла Аҳмад Намангандан ва Қўқон мадрасаларида таҳсил олиб, илмли бўлди. Қолганлари ота касбини ташлашган – дехқонлар. Ҳаммаси ҳам забардаст, улокни

яхши кўрадиган йигитлар. Шунинг учун отхонамда доимо ўғилларим учун улокчи от боқаман. Улар эса улокли сайиллардан менга совғалар келтириб туришади.

– Ўғлингиздан бири дўстимга ёқиб колибди. Ўзингиз биласиз, кизлар савдо билан шуғуланишмайди. Савдогарга эса ёрдамчи керак. Шунинг учун дўстим савдо ишларида имон-эътиқодли ёрдамчиларга мухтожлар. Агар сиз рози бўлсангиз, бизнинг кўлимиизни ювдирган ўғлингизни ўртоғи билан ўз хизматларига олиб, уларга савдо-сотик сирларини ўргатмоқчилар.

– Таклифингиз учун раҳмат. Сизнинг хоҳишингизни кайтариб бўлар эканми, Тўрам? Мен бир ўғлим ва онаси билан маслаҳат кипай, уларнинг розилигини олай, кейин жавобини сизларга етказамиш.

Мехмонлар араваларга ўтиришиб, шаҳарга жўнашди. Савдогар қовун сайлидан ғоят хурсанд қайтарди.

Икки йигитча Тўрамнинг уйларига келишди ва уларга отаоналарининг савдогар таклифига рози эканликларини айтишди. Тўрам меҳмонларга бир йигитчани кўшиб, савдогарнинг уйига жўнатдислар.

Савдогар икки ўртокни кучоқ очиб кутиб олди ва уларга тавозе кўрсатди.

Дастурхон устида мезбон меҳмонларга ўзининг ва заифасининг аждодлари хақида фаҳрланиб ва очилиб-сочилиб сўзлаб берди. Сўнг мавзу савдо ишларига кўчди ва сухбат асносида савдогар йигитларнинг қиласиган ишларини ҳам тушунтириб қўя қолди. Йигитларнинг вактинча унинг ташки уйида яшаб туришларини ҳам айтди.

– Ўғилларим. Мен рус тилини чала билганим учун савдо ишларида жуда қийналаман. Агар сизнинг ёшингизда бўлганимда, тузем мактабига кириб ўқиган бўлардим. Саводларинг бор – мактабни битиргансизлар, қийналмайсизлар. Агар “Хўп. Ўқиймиз” десаларинг, мактабга бошлаб бораман. Эрталаб мактабда ўқиб рус тилини ўрганасизлар, пешиндан кейин савдо билан шуғулланасизлар.

Йигитларни диндор одамнинг уларни мадрасада эмас, рус-тузем мактабида ўқитишга таклифи ҳайратта солди ва сира хаёлларига келмаган бундай таклифга оталари билан маслаҳатлашиб, кейин жавоб беришларини айтишди.

Ўғилларининг тузем мактабига бориб ўқишлари ҳакидаги

савдогар таклифи ҳожиларни ўйлантириб кўйди. “Мадрасада ўқишиларнида, бошқа гап эди. Ҳожиларнинг ўғиллари ўрис мактабида ўқиса, одамлар нима дейди. Уларнинг устидан кулишмайдими?” – ажабланишди улар.

Ўғиллари савдони яхши билиш учун ўрис тилини билиш кераклиги, агар бу тилни билмаса, Ўрусиядан мол олиб келолмаслигини тушунтиргандан кейин оталари зўр-базўр рози бўлишди.

Йигитлар эрталаб мактабга, пешиндан кейин эса дўконга савдо ишига боришарди. Улар кечкурунларигина бўш бўлишарди. Савдогарнинг қизчалари эса кундузлари мактабга – отин ояга ўқишига боришар. кечкурунлари, акалари йўқлиги учун бўлса керак, йигитлар яшайдиган ташки уйга тез-тез чиқиб туришарди. Улар турли мавзуларда сұхбатлашишар, йигитларни қизларнинг мактабдаги ҳаёти, қизларни эса йигитларнинг қишлоқдаги ҳаёти қизиктираш эди. Қизлар билан сұхбатлашиш болаларга яхши эрмак эди.

Савдогар ва унинг ожизаси йигит-қизларнинг бундай муносабатларига ака-сингилик муносабатларидек одатдаги ҳол сифатида карашарди. Йиллар ўтиб қизлар катта бўла бошлагач, бу муносабатларнинг маъноси ўзгарди. Бундай ўзгариш савдогарни бир томондан орзулари амалга ошишини яқинлаштириб кувонтиrsa, иккинчи томондан, кабира ёшидаги қизларининг номаҳрам йигитлар билан яқинлашишлари гуноҳ эканлиги хафа килар эди.

Савдогар йигитларни алоҳида-алоҳида дўконларда савдо килишга кўйди. Ойлар ўтди. У йигитларга савдо сирларини ўргатиш билан бирга ҳак ҳам тўлаб турди. Йигитлар яшаш учун деярли пул сарфлашмас – овқатлари ҳам, яшаш жойи харажатлари ҳам бойнинг, кийинишлари эса оталарининг ҳисобидан. Уларнинг ота-оналари ҳам фарзандларининг пулларига мухтоҷ эмас эдилар. Шунинг учун вақт ўтиши билан йигитларнинг пуллари жамгарила борди.

Кунларнинг бирида кечки овқатдан кейин савдогар йигитларга:

– Менга ўғлимдек бўлиб қолган одобли шогирдларим. Гарчи сизнинг одоб-ахлоқингиз бизда шубҳа уйғотмаса-да, кабира ёшига етган қизларим билан бир ҳовлида яшашларинг эл-юрт ичига турли гапу сўзларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун

иккалангизга ижара ховли топиб күйдим. Шу ховлига күчиб ўтсаларинг.

Савдогар ҳак эди. Ҳакакатан ҳам йигитлар қизларни ва қизлар йигитларни эрталабдан кечкуунгача күришмаса, соғинадиган бўлиб қолишган эди. Буни улар яхши ҳис этишарди. На чора. Бу таклиф йигитларга ёкмаса ҳам, уни қабул қилишга мажбур эдилар. Уларнинг бири гапни бошқа томонга буриб:

– Майли, ота. Үзимиз ҳам ҳовлингизда яшаёттанимиздан хижолатда эдик. Ҳакимизни олсак. Яна бунинг устига бизга жой бериб, корнимизни ҳам тўйдирасиз, – деди.

Савдогар таклифи йигитларга малол келмаганидан кўнгли таскин топди. Йигитлар эса қизлардан узоқлашаётганлари учун ич-ичларидан хафа бўлишди.

Бир йил ўтгач, савдогар Аҳмаджонга одатдагидек, Муҳаммаджонга одатдагидан кўпроқ ҳак тўлай бошлади. Бу тенгсизлик уч-тўрт ой давом этди. Кунларнинг бирида савдогар Аҳмаджоннинг дўконига ишлари билан танишиш учун кириб келди. Йигит меҳмонга кўрпача ёзди, кўччанинг у томонидаги чойхонадан кўк чой олиб келди, чойни уч марта қайтарди ва биринчи пиёлани ўзига қуийб, иккинчи пиёладаги чойни савдогарга узатди. Савдогар йигитнинг ҳаракатларини кузатиб турди ва хатти-ҳаракатларидан кўнгли тўлди. Иккалалари савдо ишлари ҳақида узок сухбатлашиб ўтиришди. Гап “мингта” етгач, йигит савдогарга:

– Ота. Кўпдан буён сиздан бир нарсани сўрамоқчиману, юрагим бетламаяпти-да, – деди ийманиб.

– Нега энди. Сизлар менинг ўғлим қатори бўлиб кетдиларинг. Ота-бала ўртасида сир бўлармиди? Майли, сўранг, ўғлим, – деди савдогар.

– Бир вақтлар ўртоғим иккаламизга тўрт тангадан тенг ҳак тўлар эдингиз. Энди эса унга мендан кўпроқ – беш тангадан тўлаяпсиз. Мен сизга “кам ҳак оляпман” деб шикоят қилмоқчи эмасман, ҳакимни тўла бераяпсиз. Аммо иккаламиз тенг ишлаймизу нега ўртоғимга кўпроқ ҳак тўлаёттанингизни тушуна олмаяпман? Шунинг сирини билмоқчи эдим.

– Яшанг, ота ўғли. Мен бу саволни сиздан анча илгари кутган эдим. Аммо сиз қаноат кўрсатиб, энди сўраяпсиз. Сиз савол сўрашда кечикканингиз учун мен ҳам кечикиб жавоб бераман. Бироз сабр килинг, жавобини оласиз.

Бомдод намозини ўқиши учун масжидга кетаётгид савдогар “Мен бугун ўғилларим билан нонушта киламан. Мени кутманглар” деб хотинини огоҳлантириди. У намоздан қайтаётгид чойхона ёнидаги бозорчадан сопол косада қаймок, узум ва нон олиб, шогирдлари яшаётган хонадонга борди. Ҳовли эшиклари фаришталар киришлари учун кия очиб қўйилибди. “Демак йигитчалар намозларини ўқиб бўлиб, нонуштага тайёргарлик кўришаётган бўлсалар керак”, фикр килди у ва очик дарвозанинг зулфинини такиллатди. Уй ичидан “Ҳозир, мана чиқаятман” деган товуш эшигилди.

Устоз ва шогирд қучоқлашиб кўришишди. Мезбон меҳмонни ичкарига бошлади. Бу ташрифдан иккаласи ҳам хурсанд эди. Уй ичидан Муҳаммаджон ўчоққа ўт ёқиб, чой қайнатаётган эди. У ҳам устози билан қучоқлашиб кўришишди.

– Ўғилларим, бугун бир сизлар билан нонушта қилгим келиб қолди, – деди очилиб савдогар.

Йигитлар устозларининг феъл-атворини яхши ўзлаштириб олишган. “Бу ақлли киши ҳеч қачон бемақсад ҳаракат қилмайди ва умрини бежуда ўтказмайди. Бу ташрифдан ҳам бирон мақсад бўлса керак”, дея ўйлашди улар.

– Ўғилларим. Савдогар бўлиш қийин. Кечаю кундуз ишни ўйламасанг, ишинг юришмайди. Иккалангизга бир топшириғим бор. Дўконларни ёпгантарингдан кейин сиз, Муҳаммаджон, Испархон даҳасидаги Собир савдогарнинг, сиз, Ахмаджон, Тахта кўприк даҳасидаги Фофир савдогарнинг дўконларига борсаларинг. Эшитишимча, улар яқинда Русиядан янги моллар олиб келиб, сота бошлабдилар. Ўрганинглар-чи, бизлар ҳам шу иш билан шуғуллансанак бўлармикан?

Йигитлар “хўп” дейишди. Чойдан сўнг ҳамма ўз иши билан машғул бўлди.

Роппа-росабир ҳафтадан кейин савдогар яна шогирдларининг хонадонига “чой” ичгани қадам раңжида қилди. Нонушта давомида йигитлардан берган топшириғининг натижасини сўради. Муҳаммаджон Собир савдогарнинг Русиядан калиш, шам, варшап, чироқ ва игналар олиб келганини, ҳар бир молнинг қанча сўмдан сотиб олиб қанча сўмдан сотаётгани ва молларнинг ҳар бир донасидан қанчадан фойда колаётгани, улардан қайси бири кўпроқ фойда бераётгани ҳақида сўзлаб берди. Ахмаджон эса Фофир бойнинг Русиядан олиб келган моллари

ҳакида гапирди-ю, бошқа маълумотларни билмаслигини айтди.  
Савдогар:

– Муҳаммаджон, ўғлим. Сиз ишингизни қилаверинг. Сиз эса, Ахмаджон, янаги шу кунигача қолган маълумотларни ўрганиб кўярсиз. Яна кўришамиз.

Ҳафта ўтди. Режаларига қатъий амал қиласидан савдогар айтган вақтида яна қўлида нонушталик билан йигитлар хонадонида пайдо бўлди. Бу сафар Ахмаджон ҳам анча-мунча маълумотлар тўплаб қўйган экан, ҳаммасини бой отага сўзлаб берди.

– Умрингиздан барака топинг, ўғлим. Мана бу бошқа гап. Энди менга айтинг-чи. Сизни Русияга мол олиб келишга бошлаб кетсан, нималар олишни маслаҳат берар эдингиз.

Ахмаджон жавоб бермади. Муҳаммаджон:

– Калиш олиб келишни, – деди. – Ёз тугаб, куз келаяпти. Яқинда ёмғирли кунлар бошланиб, калишнинг нархи кўтарилади эмиш. Менга қолса, кўпроқ олиб келиб сотиш фойдалирок кўринади.

– Яшанг, ўғлим. Русияга иккаламиз борамиз.

Ахмаджонга савдогар саволига жўяли жавоб бера олмагани қаттиқ таъсир этди. Ойлар ўтди. Ахмаджон савдо ишлари сир-асрорларини синчкорлик билан ўргана бошлади. Аста-секин унинг савдоси юришиб кетди. Фойдаси кўпая борди ва бу ишдан унинг ўзидан кўра савдогар кўпроқ хурсанд бўлди.

Ахмаджон саволига савдогардан ҳали жавоб ола билмаган эди. Шунинг учун дўконига келган устозининг хуш кайфиятини кўриб, саволини эслатиб қўймоқчи бўлиб:

– Ота, саволимнинг жавоби эсингиздан чиқиб кетдими? – деди.

– Нега эсимдан чиқар экан. Жавобини ўтган ҳафтада-ёқ айтиб кўйдим-ку. Шаҳарда яшай бошлаганингизга анча бўлди-ю, ҳали ҳам қишлоқи соддалигингиз бор. Эсингиздами? Ўртоғингиз Муҳаммаджон бир марта даёқ топшириғимни мукаммал бажариб кўйди. Сиз эса икки марта овора бўлдингиз. Шунда ҳам йикқан маълумотларингиз ўртоғингизнидан кам экан. Шунинг учун ҳар ой сизга тўрт, шеригингизга беш тангадан тўлай бошлаганман. Иш ҳакингиздаги бу тафовут кимнидир кўп ёки кам ишлагани билан боғлиқ эмас. Ишни ким қандай ақл билан бажаришига боғлиқ. Муҳаммаджонга тўлаётган ортиқча бир тангам унинг

аклининг сизнидан ортиқлиги учун. Ниятим – шу йүл билан сизнинг ақлингизни ҳам ўртоғингиз ақлига тенглаштириш эди.

– Кечирасиз, ота. Үзингиз айтганингиздек, қишлоқи соддалигим бор-да, – хижолат тортиб паст овоз билан гапирди Ахмаджон.

– Соддалик – бу баҳт. Аммо соддалик – бу ақлининг камлиги эмас. Буни фарқлай билиш керак. Мен ўзимга шогирдликка қишлоқ йигитларини танлаганимнинг боиси ҳам сизларнинг қишлоқи соддалигингиз. Агар шу соддаликка ақллилік құшилса, киши чинакам баҳтта эга бүлади. Бу хикматли сұзларимни сира ёдигиздан чиқарманг.

Икки ақлли шогирдларга эга бўлган савдогарнинг ишлари юришгандан юришди. Шу билан бирга қизларини турмушга узатиш вақти ҳам келди. Завжасининг айтишича, гарчи хонадонига келишмаган бўлишса ҳам, кўча-кўйда қизларига оғиз солаётганлар кўпайиб бораётган эмиш. Ота бўлгандан кейин ҳаракат қўлиш керак.

Савдогар ўз мақсади йўлида катъий ҳаракат қиласидан киши эди. У шогирдларига бериши керак бўлган иш ҳақларини, уларнинг розиликлари билан қарз сифатида тўплаб, савдо ишида фойдаланаётган эди. Икки йигитнинг савдогар қўлида тўпланган пуллари битта ҳовли сотиб олишга етадиган даражада тўпланиб қолди. Узоқни кўзлаган савдогар йигитларни шаҳарда доимий олиб қолиш учун ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан яна шунчагина пул қўшиб иккита ҳовли сотиб олди. Йигитларнинг ижара ҳовлиларига навбатдаги ташрифида:

– Ўғилларим. Бироннинг ҳовлисида яшаганларинг бўлди. Иккалангизнинг мендаги пулларингизга сизлар учун алоҳида алоҳида ҳовли сотиб олдим. Пулларингиз ҳовлиларнинг биттасига етди. Яна биттасини ўз пулимга олдим. У сизларга қарз. Қарзни эса ишлаб узасизлар. Агар шундай қиласам, оталарингиз сизларни уйлаш баҳонасида қишлоққа олиб кетиб қолишади.

Бу хабардан йигитлар роса хурсанд бўлишди. Аввало уларнинг ўзлари шаҳар ҳаётига аллакачон кўнишиб кетишган ва қишлоққа боргилари келмай қолган эди. Иккинчидан, ҳафтада кам деганда бир марта савдогарнинг қизлари билан учрашиб туришар эди. Ростдан ҳам оталари уларни қишлоққа олиб кетса, қизлар билан қандай учраша олишади?

Савдогар саҳий чикиб қолди. Кунларнинг бирида:

– Ўғилларим. Савдо билан шуғулланганларингга анча йил бўлди. Савдо сир-асрорларини ўрганиб олдиларинг. Мана ҳар иккингизга теппа-тeng ўн минг сўмдан сармоя. Дўконларингиздаги молларни сотиб пулини менга берасизлар ва ўрнига ўзингиз мол сотиб олиб савдойингизни мустакил юритинг. Сизнинг ўрнингизга катта бўлиб қолган жиянларимдан фойдаланаман. Янги кураётган дўконимда ўшалар ишлашади, – деди у хотиржам оҳангда. Йигитлар мустакил савдо килишдан чўчиган бўлишиса-да, отанинг гапига рози бўлишиди.

Бу янгилик қишлоққа – йигитларнинг ота-оналарига етиб борди. Улар ҳаракатта тушиб қолишиди – ўғилларига устозининг фотиҳасини олиб беришлари керак. Шу ният билан оталар савдогарни меҳмонга чакирадиган бўлишиди. Савдогар эса вазиятдан фойдаланмоқчи бўлди. Иккала йигитларни куёв қилиш мақсади етилиб бораётган эди. Лекин қандай килиб бу ниятини йигит томонга айта олади. Бу ишда ҳам Тўрамлар хизматидан фойдаланмоқчи бўлди ва ўртоғининг ҳовлисига бориб, ниятини ўртоқлашди.

Аввал Ҳамробой ҳожи, кейин Шокир ҳожининг ҳовлиларида фотиҳа зиёфати ўтказилди. Зиёфатда уста-шогирд муносабатларига алоқадор кишиларгина қатнашишиди. Ҳар икки хонадондаги маросимларда овқатдан кейин Тўрамлар дастурхонга фотиҳа ўқидилар ва Қуръон тиловат қилдилар. Савдогар эса ўз шогирдларига омад тилаб, уларни дуо қилди. Хонадон соҳиблари фарзандларига касб ўргатгани учун савдогарга дўппи, яктак-иштон, чопон, белбоғдан иборат сарпо совға қилишиди.

Меҳмонлар шаҳарга кайтиш учун кўчага чиқишигандан, Тўрамлар ҳожиларни бер четга чақириб, уларга савдогарнинг кизларини мақтадилар ва агар уларни ким келин қилса, ўғлининг бошига баҳт куши кўнажагини таъкидладилар.

Кечки овқатдан кейин иккала ҳожи зиафаларига Тўрамларнинг таклифларини айтиб, нима қилиш лозимлигини маслаҳат қилишиди. Албатта, ҳар бир ўғли бор онанинг келин қилиш учун кўз остига олиб кўйган кизи бўлади. Ҳожиларнинг заифатари ҳам бундан мустасно эмас эдилар. Шунинг учун Тўрамнинг таклифлари уларга унчалик маъқул тушмади. Аммо эрларига ўз эътиrozларини очиқ айта олмай, кизларни ўрганиш лозимлигини, ўғиллари розиликларини ҳам олиш кераклигини айтишиди.

Шаҳар қишлоқ эмаски, уйингда ётиб олиб, кизларни келинликка танласанг. Ҳамробой ҳожи иккита катта ўғилларига тўй килганда келинларни заифаси танлаган эди. Хонадон одатига кўра, келин қилишда аввал бўлажак келиннинг отаси, онаси, ўтмиш аждодлари, кейин эса келин танланарди. Ҳожининг иккала кудалари ҳам бообру қишилар – катта кудалари мактабдор, кичик кудалари эса ўзларига ўхшаган ерли бой Шокир ҳожи. Хотин кудаларнинг иккалasi ҳам мактаб кўрган тарбияли аёллар. Шунинг учун иккала келин ҳам бир-биридан аъло чиқди. Лекин шаҳарли қизларни қандай ўрганишади? Ким ўрганади?

Келинни кўргани ҳожиларнинг ўзлари борадиган бўлишди. Шундай вактда боришинки, савдогар уйида йўқ бўлсин. Шунда уларнинг чақирикларига жавоб бериш учун савдогарнинг қизлари чиқади.

Жума куни эрталаб ҳожилар отларини карвонсаройда қолдириб, Похол босган даҳасидаги Тўрамларнинг уйларига бориб, уларни тавоғ қилишди. Бозорлик ишлари борлигини баҳона қилиб, у ердан тезда кўзгалишди. Сўнг савдогарнинг уйига жўнашди.

Савдогарнинг ҳовлисини маҳалла эркакларидан сўраб топишди. Адашмаганларига қаноат ҳосил қилишгач, дарвозани тақиплатишди. Ичкаридан “Лаббай, ҳозир чиқаятман” деган товуш эшитилди. Бироз ўтгач дарвоза очилиб, уларнинг каршиларида ўзлари кутган қизчалардан бири пайдо бўлди. У:

- Келинг, оппоқдадалар. Сизларга ким керак? – деди.
- Сиз Тўрамлар билан бизнинг қовун сайлимизга бориб турадиган савдогарнинг қизимисиз? Адашмадикми?
- Адашмадингизлар. Ӯшаларнинг қизлариман.
- Биз Шўркўргондан келдик. Отангиз уйдамилар? Жума намозига келган эдик, йўл-йўлакай бир кўриб ўтмокчи бўлувдик.
- Бозорда эдилар. Ташки уйга кириб, ўтириб туринглар. Бугун – жума. Одатларига кўра таҳорат олиш учун тез орада келиб қолсалар керак.
- Раҳмат, қизим. Синглингиз ҳам борми?
- Йўқ. Опам борлар.
- Майли, қизим. Отангиз билан масжидда кўришармиз.
- Кириб, ўтириб турсаларинг бўларди. Дадам бизга ҳожи боболарнинг қовун сайлига боргандари ҳакида кўп гапириб берганлар. Сизлар ўша ҳожи боболарми?

– Ҳа. Ўшалармиз.

– Йўқ. Кетманглар. Дадам мени сиздек азиз меҳмонларини уйга таклиф қилмаганим учун уришадилар, – катта аёллардек илтимос қилди қизча.

– Биз ўзимиз отангизга тушунгирамиз. Қўркманг, сизни койимайдилар. Бигта илтимосимиз бор: агар мумкин бўлса опангизни чақириб берсангиз. Сизни қўрдик, уларни ҳам қўриб кетардик.

– Ҳозир чақираман, – дедио қизча уйга чопқиллаб кириб кетди. Қизчанинг ҳаракати ҳожиларга капалакнинг учишига ўхшаб туюлди.

Опа-сингил дарвоза олдида пайдо бўлишди. Кичиги каттасига: – Отам қовун сайлига бориб келганларидан кейин бизларга мақтаган ҳожи боболар шулар бўлишади, – деди.

– Ассалому алайкум, ҳожи боболар. Хуш келибсизлар. Қани уйимизга марҳамат. Узоқдан чарчаб келгансизлар, дам олинглар, – деди такалтуф билан.

– Раҳмат, қизим, – деди Ҳамробой ҳожи ва шеригига: – Келинг, қадрдонимизнинг қизларини бир дуо қиласйлик.

Ҳамма дуога қўл очди. Ҳожилар савдогар хонадонига тинчлик, сиҳат-саломатлик, савдогарнинг ишларига ривож ва иккала қизларга баҳт тилашди. Улар олтин топиб олган камбағалдек ўзларида йўқ даражада хурсанд эдилар.

– Ана, қуда. Айтмадимми? Тўрамлар бизга фақат яхшиликнираво кўрадилар. Шаҳар шаҳар-да. Қизларнинг муомаласини қаранг. Фариштанинг ўзи-я. Хусну жамоли-чи. “Эшигингда мушугинг бўлса ҳам, чиройли бўлсин” деган мақол бор. Уларнинг иккалasi ҳам менга ёқди. Албатта, шу қизларни келин киласиз, – деди Ҳамробой ҳожи Шокир ҳожига.

Жума намози тугагач, ҳожилар савдогар билан учрашиш учун уни кўчада кутиб туришди. Савдогар ҳам меҳмонлар билан учрашиш ниятида атрофга аланглаб масжиддан чиқаётган эди, кўзи ҳожиларга тушди.

– Келинглар, келинглар, азиз меҳмонлар. Хуш келибсизлар, – дея кучогини очиб меҳмонлар томон юра бошлади. Меҳмонлар ҳам савдогар томон яқинлашишди. Улар кучоқлашиб кўришишди. Мезбон меҳмонлар келганида уйида йўклигидан афсусланиб, уларни уйига таклиф қилди.

— Раҳмат. Бошқа сафар. Жума баҳонаси билан шаҳарга эртарок келиб Тўрам билан сизни кўриб кетишини ният қилиган эдик.

Савдогар меҳмонларни уйига астойдил қайта-қайта таклиф килди. Лекин меҳмонлар узр сўраб, таклифни рад этишди. "Азиз ҳожиларим. Уйимга шунчаки мени кўргани келган эмассизлар. Ниятим амалга ошиб ширин-шаккар набиралар тугилишсин, бир оёкларинг уйимдан аримайдиган бўлиб қолади. Иншоаллоҳ, Худо, ниятимга етказгин" деган фикрни кўнглидан ўтказди савдогар.

Шаҳардан қишлоқка қайтаётган ҳожилар отда сухбатлашиб кетишли.

— Куда. Қизларнинг қайсинисини келин қиласиз? — деди Шокир ҳожи.

— Сиз тангланг. Бизга хунукроғи ҳам бўлаверади, — ҳазиллашибди Ҳамробой ҳожи.

— Қайси бири чиройлию қайси бири хунуклигини мен ажратса олмадим. Ажратса олганимда хунукроғини ўзим келин қилиб, чиройлироғини сизга қолдирадим, — ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Шокир ҳожи.

— Келинларни топиб қўйдик. Таңлаб олиш эса заифаларимиз билан ўғилларимизга. Қизларни қайси бири ўғлимизга ёқса, ўша келинимиз.

Ҳожилар заифаларининг айтишларича, йигитлар қизларни аллақачон таңлаб қўйишган экан — каттаси Муҳаммаджонни, кичиги Аҳмаджонни яхши кўрар эмиш.

Савдогар бир кунда тўй қилиб, иккала қизини узатди. Келинлар ҳожиларнинг уйларга нур олиб киришди. Эрта тонгда туришади ва намозларини бошқалардан аввалроқ ўқишади. Сўнг қайнота ва қайноналари таҳоратларига илиқ сув қилиб беришади. Кексалар намоз ўқишгунча ҳовлини супуриб, сув сепишади. Кейин чой қайнатиб дастурхон ёзишади. Нонуштадан кейин эса ҳар куни ҳожи оталарининг дуоларини олишади.

Келин-куёвлар қишлоқда бир йилча яашади ва иккалasi ҳам ўғил фарзандли бўлишди. Йигитлар ҳар куни отда кечкурун уйларига — қишлоққа, эрталаб эса ишхоналарига — шаҳарга катнашарди. Аллоҳ савдогарнинг иккала қизига ўғил фарзандлар ато этди. Гўдаклар ҳаммадан кўра кўпроқ ўғилга зор савдогарни кувонтириди. "Сенга ўғил керакми, савдогар. Астойдил сўрасанг, Аллоҳнинг ўзи етказар экан. Марҳаматингга куллук, Худойим",

шукр қиларди у ва набираларини күргани ҳафтада келар эди.

Ҳа. Бу савдогарнинг кувончли шукронаси эди. Нега шукр қилмасин. Ахир унинг тўрт мучаси соғ, оқила ва вафодор рафиқаси, қизлари, ўзининг маҳалласида ўз уйларга эга бўлган ўғилдан афзал куёвлари, обрули кудалари, ширин-шакар набиралари бор.

Шаҳар ҳаёти, савдо ишлари ва тузем мактабида ўқиш йигитлар ақлини бийрон қилиб қўйди. Русиядан мол олиб келгани энди тилни чала биладиган савдогар ўрнига ўрислар билан ўрислардек сўзлаша оладиган куёвлари боришишмоқда. Энди савдогарнинг куёвларига берган иш ҳақидаги тафовут ўрнини улар оладиган фойда алмаштириди. Икки дўст пойгачи отларга ўхшайди. Ғолиб чиқишининг бирдан-бир шарти – ақлни яхшироқ ишлатиб, кўпроқ фойда олиш.

2012 йил

## ҲАЁТИМНИНГ ЁРУФ МАНЗИЛИ

“Боги зоғон” ёки “Дилкушо” кўчаси  
(Очерк)

Сиз бу кўчанинг номини география хариталаридан ҳам, бошқа хужжатлардан ҳам қидирманг. Барibir топа олмайсиз. Чунки у ҳеч бир ёзма хужжатларда қайд этилмаган. Бунга сабаб кўчанинг номини биз – мактаб ўқувчилари қўйғанимиз. Ўша вақтларда адабиёт дарсларида Ойбекнинг “Алишер Навоий” романини ўрганар эдик. Асарнинг ўта таъсиричан ёзилганиданми ёки адабиёт ўқитувчимиз Октябрь Бобоназаровнинг юкори маҳорат билан дарс ўтганиданми, бу роман бизга шунчалик кучли таъсири этган эдики, қаёқка карасак кузимизга Ҳирот кўринар эди. Кўчага “Боги зоғон” деб ном беришимизнинг сабаби бор. Бир-бир ярим километрга чўзилган бу кўча Шўркўргондаги Элатан аригининг бир қисми билан ёнма-ён жойлашган. Кўча шимолдан жанубга ариқнинг чап томонида бўлиб, тахминан кўчанинг эни уч, ариқнинг эни эса икки метрча эди. Ариқнинг икки четига мевали ва мевасиз дарахтлар экилган, ёзнинг иссиқ кунларида, сал лофи билан гапирадиган бўлсан, кўчага тангадек қуёш нури тушмас эди. Йилнинг барча фаслларида кўча дарахтларидан кушлар аrimас эди.

Ана, Мулла Абдулло буванинг жийдалари. Баҳорда жийда шундай гуллайдики, унинг ёқимли хиди бутун маҳаллани тутиб

кетади. Ҳар куни унда бир булбул эрта тонгдан бошлаб кун бўйи, ҳатто тунда ҳам хониш қиласди. Соатлаб тик туриб унинг сайрашини тинглаймиз ва томоша қиласдимиз. Сал нарирокда – масжид ҳовлисидағи катта тутда, уни онамнинг оталари Саид Ахмад бобом экиб қўкартирган эканлар, ҳар кеч юзлаб чумчукларнинг шом вакти бўлганидан хабар бериб турувчи базми бошланади. Ундан ҳам нарирокда – Исройл буванинг ҳовлисидағи толларда, бу ҳовли илгари бобомнинг ҳовлилари бўлган ва уларни ҳам бобом ўстирган эканлар, киши фаслида қарға ва зاغчаларнинг тунги қўшиқ базми авжига чиқади. Қиши ойларида сувлар музлаб қолиб, овқат топишга қийналган ғоят чиройли зангор балиқчи қушлар ариқ тепасидаги дараҳтлар шоҳларида балиқчалар тутиш илинжида соатлаб ўтиришади. Йилнинг тўрт фаслида турли-туман қушлар билан тўлиб-тошган бу кўчага биз қўйган “Боғи зоғон”, яъни “Кушлар боғи” номи жуда ярашган эди.

Менинг деярли бутун хаётим шу кўча билан боғлиқ. Туғилиб ҳали йўлга кирмаган вактларимда ҳам мени шу кўчадан кўтариб юришган. Йўлга кириб кўчага қўйган илк қадамларим ҳам шу йўлдан бошланган.

Эсимда. Биринчи марта сувда ҳам шу кўча ариғида оққанман. Чалқанча ётган ҳолатда оқиб бораяпман. Сувга ғарқ бўлганимда борлик коронгулашиб кетади, сувдан калқиб чикқанимда эса куёш ва борлик чароғон бўлиб кетади. Бундай алмашувлар бир неча марта тақрорлангач, онам кўриб қолдилар шекилини, ўзларини сувга отиб мени кутқариб олган эдилар.

Шу кўчадан ўртокларим билан биринчи марта мактабга борганман. Бу кун қалбимизни чексиз қувонч қоплаган кун – танаси иккига бўлинган одамни томоша қиласдимиз. Бизни маҳалла болаларини бирон киши мактабга етаклаб бормаган, ўзимиз борганмиз. Сабаби шуки, биздан икки-уч ёшча каттароқ бўлган қўшни маҳаллалик Тўра жиккак, катта бўлгач уни кесатиб Тўра зўр деб аташган, ёз кунларининг бирида бизга мактабдаги танаси иккига бўлинган одам ҳақида хикоя қилиб берган эди. Биз эса бутун ёз бўйи мактабнинг очилишини ва ўша одамни кўришни орзикиб кутган эдик.

Шу кўчадан уйимга келаяпман. Қўлимда мактабни битириб ўрта маълумот олганлигим белгиси – етуклик аттестати,

қалбимда эса бир олам қувонч. Оёкларим қувончимни отам ва онамга етказиш учун шошаяпти.

Шу кўчадан шодон кетаяпман, келаяпман – куёв йигитман.

Шу кўчадан Андижон шаҳрига олийгоҳга ўқишига кириш учун кетаяпман. Қалбимда ҳам қувонч, ҳам ўқишига кириш ташвиши. Отам ўтирган жойларида икки қўлларини очиб менга ўқишига киришимда омад тилаб дуо қилганлар. Дуолари мустажоб бўлмоғи учун мен тинмай тайёргарлик кўришим ва, албатта, ўқишига киришим керак-да. Ахир қанақа юз билан уйимга – ота-онам, қариндош-уругларим, ошналарим, оғанинларим, ҳамқишлоқларим, ўқитувчиларим олдига “Ўқишига кира олмадим” деб шумшайиб кириб келаман.

Шу кўчадан бир кучоқ қувонч билан уйимга келаяпман. Чўнтағимда “Олий маълумотли ўрта мактаблар ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси” мутахассислигини ифодаловчи Наманган Давлат пединститути дипломи. Уни мени катта қилган ва оқ йўл тилаб дуо қилган ота-онамга кўрсатмоқчиман.

Шу кўчадан қувонч билан институтга ишлагани кетаяпман.

Шу кўчадан аспирантурага ўқишига кириш учун имтиҳонлар топширгани Тошкентга кетаяпман. Бунинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам мен учун ғоят чексиз. Ахир қишлоғимда ҳам, ўқиган мактабимда ҳам аспирантурада ўқищдек катта баҳт насиб этиши мумкин бўлган биринчи киши мен-да.

Оҳ, йўллар... Оҳ, “Боғи зоғон” кўчаси...

## **МУНДАРИЖА**

Шеърлар.....	3
Ғазаллар.....	27
Рубоийлар.....	43
Тўртликлар.....	78
Фардлар.....	81
Ҳикоялар.....	84

**СОДИҚМИРЗА АБДУЛЛАЕВ**

**Ҳаётимнинг  
ёруғ манзили**

*Шеърлар ва ҳикоялар*

*Муҳаррир:* Н. Жўраев

*Дизайнер:* Б.Жўраёқубова

*Компьютерда саҳифаловчи:* У. Рахматов

Босишга рұхсат 17.09.2015 й.да берилди.

Бичими 84x108. 1/32. Офсет қофози №2. «Times» гарнитурасы

Шартли б.т. 9,25. Нашр ҳисоб т. 10,5. Адади 500 дона.  
43-буюртма.

«Наврӯз» нашриётида тайёрланди.  
100000. Тошкент, Амир Темур, 19-үй.

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI»  
босмахонасида чоп этилди.  
100000. Тошкент, Амир Темур 60- А уй.



*Содиқмирза  
АБДУЛЛАЕВ*

*1937 йил 6 октябрда  
Наманган туманидаги  
Шўркўргон қишлоғида  
тугилган. Иқтисод  
фанлари номзоди,  
доцент. Андижон ва  
Наманган давлат  
пединститутида  
таҳсил олган.  
Олийгоҳни тугатгач,  
Наманган давлат  
пединститути  
(Хозирги НамДУ)  
фалсафа ва сиёсий  
иқтисод кафедрасига  
ишга тақлиф этилган  
ва Тошкент ҳалқ  
хўжалиги институти  
аспирантура курсида  
таҳсил олган.*

ISBN 978-9943-381-56-8

9 789943 381568